

Ш.Д. Наралиева, Н.Д. Досметова, Ф.Н. Абдалиев

Ўзбек тили

Умумтаълим мактабларининг
6-синфи учун дарслик

1-қисм

*Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан
министрлиги тасдиқлаган*



Алматы
«Жазушы»
2018

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922
Н 23

Шартли белгилар:



Ёдда сақланг!



Ёзамиз



Билиб олинг!



Муҳокама қиламиз



Гуруҳда ишлаймиз



Видеолавҳа томоша қиламиз



Монолог



Сухбатлашамиз



Мулоқот



Жуфтликда ишлаймиз



*Савол ва топшириқлар
устида ишлаймиз*



Якка тартибда ишлаймиз



Тинглаймиз



Матнолди топшириқлар



Ўқиймиз



Сўзлаймиз



Донолар ўғити

Наралиева Ш.Д. ва бшқ.

Н 23 **Ўзбек тили.** Умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. 2 қисм-
ли. 1-қисм./ Ш.Д. Наралиева, Н.Д. Досметова, Ф.Н. Абдалиев – Алматы:
Жазушы, 2018. – 208 бет, расмли.

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922

ISBN 978-601-200-606-3 (1-қисм)

ISBN 978-601-200-606-3 (1-қисм) ISBN
978-601-200-616-2 (жами)

© Наралиева Ш.Д., Досметова Н.Д.,
Абдалиев Ф.Н., 2018

© «Жазушы» баспасы, 2018

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.
Нашрнинг мулкӣ ҳуқуқлари
«Жазушы» нашриётига тегишли.

Азиз ўқувчилар!

Сизлар 5-синфда “Она тили” фанидан дастлабки тушунчалар ҳақида маълумотлар олдингиз. Товуш ва ҳарф ўртасидаги фарқларни ажрата олиш имконига эга бўлдингиз, бўғин, сўз, сўз бирикмалари, гап тўғрисидаги илк сабоқларни тингладингиз. Шунингдек, сизлар 5-синфда адабий тил ва матн ҳақидаги дастлабки маълумотларга: сўзларнинг тўғри ёзилиши, имло қоидалари, тиниш белгиларининг ишлатилиш ўринлари, лексикология (сўз илми), морфология (сўз туркумлари) бўлимлари ҳақида маълумотга эга бўлгансиз.

Сиз энди ўзбек тилидан янада кўпроқ меҳнат қилишингиз, сабот ва чидам билан она тилининг сир-асрорларини ўрганишингиз лозим. Сабаби она тили барча фанларни билиш ва ўзлаштиришнинг калити саналади. Қўлингиздаги мазкур дарслик ёрдамида Сиз ўзбек тилшунослиги соҳасининг бошланғич маълумотларини ўзлаштирасиз, мустаҳкамлайсиз. Морфология бўлими бўйича тўлароқ маълумотга эга бўласиз. Морфология – сўзларнинг тузилиши (ўзак ва қўшимчалар), ўзгариши (алоқа-муносабат шакллари қўлланилиши) ва сўз туркумларини ўрганади.

6-синфда оладиган маълумотларингиз юқори синфларда эгаллайдиган билимларингизнинг пойдевори ҳисобланади. Энг кучли математик, биолог, шифокор, муҳандис, дипломат ёки бошқа касб эгаси бўлиш учун биринчи навбатда она тили ва адабиётни мукамал билиш даркор.

Ўзбек тилини сифатли ўзлаштирган ҳар бир ўқувчи тил доирасидаги билимларинигина кенгайтириб қолмасдан, балки фанга, дарсга бўлган қизиқишлари, ҳаваслари ҳам ортиб, эгаллаган билимларини амалда қўллашга ҳам ўрганади. Шунингдек, ушбу фан ўқувчи шахсини фикрлаш, ўзгалар фикрини англаш ва шу фикр маҳсулини (тинглаш, ўқиш, айтиш ва ёзиш) саводли баён қила олиш кўникмалари, яъни коммуникатив саводхонлик малакаларини шакллантиришни кўзлайди.

Азиз болажонлар!

Она тилининг сир-асрорларини яхшилаб билиб олишга ғайрат қилинглар! Бу йўлда сизларга омад ёр бўлсин!

I бўлим ҚОЗОҒИСТОНДАГИ КЎРКАМ МАСКАНЛАР



Гулларга бурканиб яшар ҳар баҳор,
Шодликларга тўлиб отар ҳар наҳор.
Аслида чимлардан кўкарган шаҳар,
Шимкенти гўзалим – Қозоғистоним!



1-дарс. “ГУЛЛА-ЯШНА, ҚОЗОҒИСТОНИМ!”



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

1-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Мазмунига диққат қилинг.

Қозоғистон – менинг ватаним

Тупроғинг тиллога, зарларга тенгдир,
Юздан ортиқ миллат яшар бахтиёр,
Ўн саккиз миллион хур аҳолинг бор,
Бағри кенг диёрим, Қозоғистоним!

Халқинг аҳил-иноқ, ўзбегу қозоқ,
Туркман, арман, чечан, русларга ўртоқ,
Таърифлай олмасам қилмагин сўроқ,
Халқинг кўп миллатли, Қозоғистоним!



Меҳмон кириб келса, меҳри тафтида,
Йўғини бор қилиб сочар кафтида,
Қўйлар сўяр оёғининг остига,
Меҳмондўстдир халқинг, Қозоғистоним!

Оқ олтин етиштирди бободехқоним,
Ғалла-буғдой, шоли, махсар ҳамда дон,
Қўллари қадоғу елкада кетмон,
Меҳнаткашдир халқинг, Қозоғистоним!

Бири биридан гўзал шаҳар, кенг яйлов,
Алмати, Астана, Жезқазған, Кентов.
Шимкент, Тараз, Оқтов, Семей, Кўкчатов,
Шаҳарларинг обод, Қозоғистоним.

Гулларга бурканиб яшар ҳар баҳор,
Шодликларга тўлиб отар ҳар наҳор.
Аслида чимлардан кўкарган шаҳар,
Шимкенти гўзалим – Қозоғистоним!..



Сожида Мирзаева



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матн нима ҳақда? Шеър мазмунини ёритиб берувчи 5 калит сўз топинг. Калит сўзлар ёрдамида сўз бирикмалари, сўнгра гаплар ҳосил қилинг.
2. Шеър мазмуни бўйича калит сўз, гаплардан фойдаланиб, кичик матн тузинг.



Жуфтликда ишлаймиз



Сўзлаймиз

3. Фонетика нимани ўрганади?
4. Унли ва ундош товушлар бўйича фикрингизни баён этинг.
5. Шеър матнидан соф унли ва ёлашган унлиларни аниқлаб, изоҳ беринг.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

2-машқ. Расмлар асосида “Гулла-яшна, Қозоғистоним менинг!” мавзусида ижодий иш ёзинг.





Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

3-машқ. Матни ўқинг, топшириқларни бажаринг.

Тил – миллатнинг руҳи

Тил – миллий маданиятнинг шакли сифатида унинг маънавий бойликларини замон ва маконда бирлаштиради. Тил миллатнинг руҳи ва уни ушлаб турувчи восита ҳисобланиб, ҳар бир миллатни бутун дунёга танитадиган асосий омил бўлиб ҳам хизмат қилади. Тафаккур билан тил бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда доимий ривожланиб боради. Жамики яхши фазилатлар инсон онги ва шуурига она тилининг жозибаси билан сингади.

«Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзаннинг калитин сўз бил», – деган эди ҳазрат Навоий. Ўзликни, миллий қадрият ва урф-одатларни англашда, тарихни билиш ва келажак ҳақида фикр юритишда тил муҳим омил ҳисобланади. Шу ўринда улуғ рус олими Ушинскийнинг қуйидаги сўзларини ёдга олиш ўринли: «Тилдаги ҳар бир сўз унинг ҳар бир шакли инсон тафаккури ва туйғусининг натижасидир. Ўша тафаккур ва туйғулар орқали сўз ёрдамида мамлакат табиати ва халқи ифода этилган».

Буюк адиб ва мутафаккирларимиз томонидан умуминсоният учун бебаҳо мерос бўлган кўплаб асарлар яратилганлиги тилимизнинг қадим тарихини ва ўлмас эканлигини кўрсатади.





Қолаверса, она тилимизда халқимизнинг қадимий қадриятлари, анъана ва урф-одатлари, миллий руҳи, тарихи ўз аксини топган.

З. Холдарова



Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдир.

Абдулла Авлоний



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз  Ёзамиз

1. Мавзу бўйича фикрингизни ҳаёт билан боғлаб, мисоллар орқали баён этинг.



Жуфтликда ишлаймиз  Ёзамиз


2. Юқорида берилган матнда ажратилиб кўрсатилган гапларга диққат қилинг ва ўз фикрингизни ёзма равишда баён этинг.



Муҳокама қиламиз

3. «Тил – миллатнинг руҳи», деган нақл бўйича тушунганларингиз ҳақида хулоса чиқаринг.

4. Матнда тагига чизилган сўзлардаги унли товушлар имлосига изоҳ беринг ва сўзни фонетик таҳлил қилинг.





4-машқ.



Матнолди топшириқлар.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Расмни диққат билан кузатинг.

2. Ватанимиз Қозоғистоннинг бепоён даласи, пурвиқор тоғларини кўз олдингизга келтириб, фикрингизни расм асосида жамлаб, “Гўзалликда тенги йўқ Ватан” мавзусида кичик матн ёзинг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Ёзги дам олишни қандай ўтказдингиз?



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

2. Табиат қўйнида дам олиш сизга ёқадими? Сиз яхши кўриб дам оладиган табиатни асрайсизми?

3. Ёзган ҳикоянгизда унли, ундош товушлар имлосига риоя қилинг ва изоҳ беринг.

4. Ўзбек алифбосида нечта унли ва нечта ундош товушлар бор? Оғзаки жавоб беринг.



2-дарс. СЎЛИМ ТАБИАТЛИ АЛМАТИ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

5-машқ. Матни ўқинг, топшириқларни бажаринг.

Қозоғистоннинг кўркем жойлари



Жонажон Қозоғистонимиз ҳақида сўз юритилганда, “Жаннатмонанд юрт” дея таъриф берилади. Бу бежиз эмас. Чунки унинг гўзал табиатидан баҳраманд бўлган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Дарҳақиқат, заминимиздаги пурвиқор тоғлар, яшил водийлар, сўлим ўрмонлар, дарё ва кўллар, ҳатто, бепоён саҳроларнинг ҳам алоҳида жозибаси бор. Айниқса, бир қанча биогеографик ҳудуд кесишган минтақада жойлашганлиги туфайли ўсимлик дунёси ниҳоятда ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бепоён Қозоғистонимизнинг қай томонига боқманг, гўзалликни ҳис этасиз...

Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матни ўқиб, жуфтликда муҳокама қилинг ва биргаликда ижодий давом эттиринг ҳамда ҳикоя ёзинг.



Якка тартибда ишлаймиз

2. Ижодий иш яратишдан аввал таянч сўзлар танлаб олинг.
3. Матн яратишда унли ва ундош товушлар имлосига риоя қилинг.
4. Унли ва ундош товушлар фарқини тушунтиринг.



Ёдга туширамиз!

Самарқанд, хурсанд, дард, баланд, банд, гўшт, паст сингари сўзларнинг охирида *д* товушининг нутқимизда жарангсизлашиб, *т* тарзда талаффуз қилинишини ёки шу типдаги сўзларнинг баъзиларида сўз охиридаги *д* ёки *т* ундошининг оғзаки нутқда тамоман тушиб қолишини (*хурсан, Самарқан, гўш, пас сингари*) ихчамликка интилиш нуқтаи назаридан, тилимиз табиатини ҳисобга олган ҳолда ва анъанага айланиб қолишини назарда тутиб, орфоэпия меъёрига мос келади, дейиш мумкин. Лекин ёзувда албатта *д* ундоши қўйиб ёзилади, буни унутманг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

6-машқ. Матнни ўқинг ва мазмунини ўз сўзингиз билан баён этинг.

Ватан – бебаҳо бойликдир!

“Ватан... У қандай сеҳрли иноятки, унинг тинчлиги, эрки учун мардлар бедор, халқлар сергак... Унинг қандай қуввати борки, ҳимоясига не-не инсонлар жонларини тикадилар, унинг озодлиги йўлида ҳаётларини қурбон қиладилар...”

Аслида Ватан – энг олий тушунча. Халқларнинг таянчи, ўтмиши, бугуни ва эртасидир. Ватан, жонажон юрт ва қадрдон замин, инсон учун энг муқаддас, **бебаҳо бойликдир**”, – деган эди севимли шоирамиз Турсуной Содиқова.

Дарҳақиқат, дунёдаги энг гўзал сўз ва таърифлар Ватан шаънига айтилади. Инсон қалбида ҳеч бир нарсага алмашиб бўлмайдиган бир туйғу бор: у – Ватан, Ватанга муҳаббат туйғуси... Бу шундай туйғуки, фарзандингизнинг илк қадамларида, ширин кулгусида, онаизорингизнинг дуога очиб турган қўлларида, **бободехқоннинг** меҳнатдан ялтираган пешонасида, хонадонингизни ёритиб турган чироқларида яшайди. Бир-бирига боғланиб кетган ана шундай нурафшон ҳислар шодасида Ватан туйғуси намоён бўлади. Уни қалбан ҳис этиш, у билан яшаш киши ҳаётига маъно-мазмун бағишлайди.

Менинг Ватаним – Қозоғистон! Яратган томонидан инъом этилган **мўъжизакор, жаннатмонанд** гўшадир бу... У озод ва обод, бағри жаннат боғларидек файзли, одамлари содда, меҳнаткаш ва бахтлидир.



Кундан кунга юксалиб, тараққий этиб бораётган озод ва обод Ватанимизни бугун дунё танимоқда, тан олмоқда.

Дунёда турли манфаатлар, гоъялар кураши авж олган бугунги мураккаб бир даврда ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлигини сақлаш, равнақи йўлида астойдил меҳнат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, ватанимиз бизнинг ғуруримиз, фахримиз, ҳаётимиз мазмунидир.

Оламга нур таратгувчи офтобимсан,
Тунларимни ёритгувчи тўлин ойим.
Битиклари зарҳал бўлган китобимсан,
Таърифнингни қиёслашга лолдир тилим.
Оҳ ватаним, қалбимдаги дурдонамсан,
Она замин, жаҳон ичра яғонамсан.

(Газетадан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. “Ватан – бебаҳо бойликдир!” деганда нимани англадингиз?



Ёзамиз

2. Матн мазмунини ёритувчи икки-уч жумла билан фикрингизни ёзма равишда баён этинг.



Жуфтликда ишлаймиз

3. Тагига чизилган сўзларни маъноли қисмларга бўлиб, уларга изоҳ беринг.



Ўқиймиз

7-машқ. Берилган маттни ўқинг ва расмларга диққат қилинг, топшириқларни ба-
жаринг.



Ушбу маълумот элимизнинг энг кўркам табиатли, жозибали ўлкаларидан бири – Алмати вилоятига бағишланади. Бу ўлканинг такрорланмас гўзаллиги шундаки, табиати шунчалар фусункор ва бой, ажойиб, шунингдек, бетакрор қарама-қаршиликлардан иборат манзараларга эга. Кўз олдингизда ҳали қорли тоғлар, ҳали кўм-кўк арчазор ўрмонлар гавдаланса, бир-икки соат йўл боссангиз, боши охири кўринмас кенг даланинг барханлари билан қумларига дуч келасиз.



Алматидаги замонавий иншоотлару ўқув масканлари, дам олиш жойлари-ю ма-
даний обидалари кўзимизни қувонтиради...



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матн бўйича жуфтликда фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.



Ёзамиз

2. Сиз ҳам Алматида бўлганмисиз? Саёҳат давомида олган таассуротларингиз ҳақи-
да фикр билдириш, маттни ижодий давом эттириб, АКТ-дан фойдаланган ҳолда
ҳикоя ёзинг.



Якка тартибда ишлаймиз

3. Матнда гаплардаги тиниш белгиларининг қўлланилишини тушунтириб беринг.
4. Матн таркибидаги тагига чизилган гапни гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг..



Мулоқот

8-машқ. Расмга қараб диалог тузинг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Диалогни аввал ёзма равишда дафтарингизда бажаринг. Диалог имлосига эътибор беринг. Қандай тиниш белгиларини қўлладингиз?



Тақдимот

2. Диалогни сахналаштириб, синфга тақдим этинг.



Ёдга туширамиз!

Б ундоши билан тугайдиган *офтоб, китоб, адаб, Толиб, ҳисоб* каби сўзларнинг охири ўзбек тилининг деярли ҳамма шеваларида *п* тарзда талаффуз қилинади ва бу ҳол орфоэпия учун нормал ҳодиса ҳисобланади. Лекин бу сўзларнинг охирига эгалик аффикси ёки бир хил унли товуш қўшилиши билан *п* товуши яна *б* тарзида талаффуз қилинади: *китоби, мактаби*. Бундай сўзларни ёзган пайтда ушбу қоида ёдда сақланг.



3-дарс. КЎКЧАТОВ – КЎРКАМ ДИЁР



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз




Ёзамиз

9-машқ.



Матнолди топшириқлар.

1. Расмларни диққат билан кузатинг. 2. Қуйида берилган таянч сўзлардан фойдаланиб, кузатувчанлик, ўхшатиш ва завқланиш, гўзаллик ва эзгуликни ҳис қилиш каби малакаларингизни ишга солиб, “Кўкчатов – кўркам диёр” мавзусида тасвирий матн – ҳикоя яратинг.



Топшириқлар устида ишлаймиз.

Таянч сўзлар: *пурвиқор тоғлар, яшил водийлар, сўлим арчазор ўрмонлар, теранликда тенги йўқ дарё ва кўллар, бепоён кенгликлар...*



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Мавзуни ёритишда Интернет манбаларидан фойдаланинг.
2. Матн яратишда имло қоидаларига риоя қилинг.
3. Портловчи ва сирғалувчи ундошларга таъриф беринг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

10-машқ. Матнни ўқинг ва топшириқларни бажаринг.



«Яхши дам – меҳнатга ҳамдам», дейди халқимиз. Ёз бошланиши билан барчамиз баҳаво дам олиш масканларига, лагерларга боришни режалаштирамиз. Йил бўйи йиғилган чарчоқларни чиқариш, ёз ҳавосидан баҳра олиб, саломатликни тиклаш учун дам олиш масканини излай бошлаймиз. Кўкчатов айнан дам олиш учун ниҳоятда қулай жойдир. Тоза тоғ ҳавоси ва яшил табиати баҳри дилингизни очади. У ернинг баланд тоғлари-ю кўм-кўк арчазор ўрмонлари, кўз илғамас дарёси-ю кўллари одамнинг кўзларини қувонтиради. Бу ерга бир келган одам ҳар йили, ҳар доим келгиси келади. Бу шундайин ажиб диёрдир, кўрмаганлар доим хумордир...

(Муаллифлар)



Топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Матнни ўқиб, мазмунини муҳокама қилинг.



Ёзамиз

2. Матндаги ундошларни лаб ундошлари, тил ундошлари ва бўғиз ундошларига ажратинг ва жадвални тўлдириг.

т/р	Лаб ундошлари	Тил ундошлари	Бўғиз ундошлари



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Берилган расм асосида маттни ижодий давом эттириг ва дафтарингизга ёзинг.
2. Матн яратишда АКТ-дан фойдаланишни ёддан чиқарманг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

11-машқ.


Тоғ бағрида ўсган арчагинам, нина барглигим!

Сен, арчагинам, болалигимдан ёдгорсан, сени ҳар эслаганимда ўзим туғилиб ўсган Тулкибош тоғларида отам билан Сени кўргани борган вақтларимиз такрор ва такрор ёдимга тушади...

Тақдирингда тоғлар бағрида, қоялар тўрида ўсиб-униш битилган экан-да. Оллоҳим, сенинг гўзаллигингни, латофатингни, чидаму бардошингни юксакликдан кўрай дебди-да, арчажон.

Эҳе, сенга ҳавас қилганлар қанча, сенга етолмай чўлу саҳрода қолиб кетганлар қанча!?





Сен эса, доимо бир хил либослигим, қишнинг аёзларига, кучли бўронларига бардош берган, тоғларни, қояларни нозик эса-да, пишиқ тананг, қалин яшил баргларинг билан довуллардан, жалалардан, қор кўчкиларидан, **Қуёш** жазирамасидан асраб-авайлаган, қалқоним менинг.

Тоғ – отанг, Қоя – онанг бўлиб, юрагингга меҳр солган шу жойга, арчагинам, шундай эмасми?! Эрта баҳорда шилдираб оқадиган жилғалар ҳам сенга ошиқ. Улар чопқиллашиб, югуришиб, қоялар бағридан отилиб тушадилар-да, сенга саломини канда қилишмайди. Чунки **гўзалликка** ошуфта қалбинг жилғалар куйига ҳамоҳанг-да, арчажоним. Жилғалар ҳам сендай дугоналарига заррин қўлчаларини тутиб, зилол сувларидан сенга тортиқ қилади. Сен эса улардан қониб-қониб ичасан. Баҳри-дилинг очилиб, нина баргчаларингни шовуллатиб, қирқта томирингга **ҳаёт** бахшида этган жилғаларга раҳматингни айтасан. Чунки жилғалар ҳам Она табиатнинг эрка, шўх қизларидир. Уларнинг ортидан жилмайиб, ҳавас билан қараб қоласан.

С. Шарифбоева



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матнни ўқиб, мазмунига диққат қилинг. Муаллиф арчани қандай таърифлайди? Арчанинг қандай хислатлари бор? Учинчи шахс номидан матн мазмунини қайта ҳикоя қилинг.
2. Матндан очиқ ва ёпиқ бўғинли сўзларни топиб ёзинг ва изоҳланг.
3. Тагига чизилган сўзларни фонетик таҳлил қилинг.



Ёдда сақланг!

Фонетик таҳлил намунаси:

Ёмғир сўзида 5 та ҳарф (**ё, м, ғ, и, р**), 6 та товуш (**й, о, м, ғ, и, р**) бор; **й** ва **о** товушлари [ё] ҳарфи билан ифодаланган.

Унли товушлар: 2та – **о, и.**

Ундош товушлар: 4та – **й, м, ғ, р;**

Ёмғир сўзи икки бўғинли, иккинчи бўғин урғули: **ём-ғир**, урғу **и** унлисига тушган.

Ё – [йо] – й – жарангли, портловчи-сирғалувчи ундош товуш

о – тил орқа, кенг, лабланмаган унли товуш

М – жарангли, сонор, портловчи ундош товуш

Ғ – жарангли, портловчи ундош товуш

И – тил олди, тор, лабланмаган унли товуш

Р – жарангли, портловчи-сирғалувчи, титроқ ундош товуш



4-дарс. МАНҒИСТОВНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

12-машқ. Матнни ўқинг ва мазмунини қайта ҳикоя қилинг.

Шерқала Манғистов вилоятининг кўкрагида жойлашган тоғдир. Оқтов шаҳридан 170 чақирим ердаги Шетпе кентига яқин жойлашган. Шерқала, сиртдан қараганда одамлар уни турли кўринишларда тасаввур қилади. Бировлар тўнкарилган косага ўхшатса, яна бирлари тоғда кийиз уй тасвирини кўрадилар. Шерқала довуғи оламни тутган Ипак йўлининг қизиб турган пайтларида, йўловчилар учун тўхташ жойи



ҳам бўлган.

Баъзи ривоятларга кўра, қадимда, тоғ тепасида кичик шаҳарча бўлган.

Шу ерга таниқли рассом Тарас Шевченконинг ўзи келиб пленер ясатибди. Поляк рассоми Б.Залесский ҳам шу ернинг манзарасини қоғозга туширган. Маҳаллий шоирлар ўз шеърларида бу ернинг кўркам манзарасини таърифлаганлар.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матнни ўқинг, табиатнинг бу мўъжизавий санъатига баҳо беринг.
2. Бепоев Қозоғистон чўлларидаги ажойиботлар ҳақида яна ҳам кўпроқ билимга эга бўлиш учун АКТ-дан фойдаланинг.



Гуруҳда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матндаги тагига чизилган сўзлар тузилишига кўра қандай сўз эканлигига таъриф беринг. Сўз қандай қисмлардан иборат, изоҳланг.
2. Тагига чизилган охириги гапни гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг.





13-машқ.  Матнолди топшириқлар.  Ёзамиз

Гапларни ўқинг. Нуқталар ўрнига берилган қўшимчалардан мосини қўйиб кўчиринг.

1. Тўғри... билан хиёнат, ёлғон... билан диёнат чиқиша олмай...
2. Бахт...лик... белгиси нодонлик...
3. Қўрқ... дўст ёвуз душмандан ёмон.
4. Ялқов... муҳтожлик эшиг...дир. (-лик, -ди, -чилик, -оқ, -дан, -сиз, -нинг, -лик, -и)

 **Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.**

 Якка тартибда ишлаймиз  Сўзлаймиз

1. Қўшимчаларнинг сўзга қандай маъно қўшаётганини тушунтиринг.
2. Тагига чизилган сўзларнинг грамматик маъносини айтинг.

 Ўқиймиз  Муҳокама қиламиз  Ёзамиз

14-машқ. Расмларга диққат қилинг ва матнни ўқиб, мулоҳаза юритинг.

Манғистов вилояти Қозоғистоннинг ғарбида, Каспий денгизининг шарқ томонидаги қирғоғи бўйига жойлашган. Бу ҳудуд тарихий жойларга, қадимий ривоятларга жуда бой.





Бу вилоятда Бекет Ота ерости масжиди бор. Энг атоқли ёдгорликлардан бири – Бекет Ота масжиди – тоғни ўйиб ясалган. Бекет Ота мусулмон аҳли орасида башоратчи – авлиё сифатида танилган. У киши одамларни даволаган, ёрдамга муҳтож, ожиз инсонларга куч-қувват ва саломатлик бахш этган. Икки эл орасидаги уруш-жанжалларни бартараф этиб, уларни тотувликка чақиргудай донишманд бўлган. Ўзининг насиҳатларида Бекет Ота инсонларни ростгўйликка ундаган ҳамда бир-бирларига яхшилик қилишни тарғиб этган. Бекет Ота зиёратгоҳи фақат Манғистовнигина эмас, шунинг билан бирга, бутун Қозоғистоннинг ҳам маънавий, тарихий ва меъморчилик ёдгорлиги бўлиб ҳисобланади.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Матн сизда қандай таассурот қолдирди? Ўз мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.
2. Бекет ота каби донишманд инсонлардан яна кимларни биласиз?
3. Таниш ва нотаниш маълумотларни ажратиб, матннинг асосий мазмунини тушунтиринг.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Ўзбек тилининг морфология бўлими нимани ўрганади? Билганларингизни айтинг.
2. Матндаги тагига чизилган сўзларни сўз таркиби юзасидан таҳлил қилинг ва тушунтиринг.



5-дарс. ОРОМБАХШ ЖАНУБИЙ ЎЛКАМ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз


15-машқ.



Матнолди топшириқлар.

1. Ватан – остонадан бошланади, деган гапни қандай изоҳлайсиз?
2. Расмга диққат билан қаранг. Бу қайси шаҳар?

Остонадан бошланган Ватан, кўзимнинг қорачиғида ястанган Ватан, сени англаб етдимми мен! Юрагимда туғилган ифтихор, йўлларимда йўргакланган ҳаяжон сенсан – Ватан! Саксониди саккиз яшар боладек беғубор қалб эгаси, донишмандим отам – сенсан, Ватан! Оёғимга кирган тиканни кипригида суғурган жонсарак, безовта она – сенсан, Ватан! Умидларга осилиб, қадамларга эргашиб, гиёҳларнинг улкан дарахтларга айланишини кутиб яшаётган болам – сенсан, Ота-маконим! Аллаларни илғаб олиб, кўзмунчоққа нурдай илиниб, бағрингда бек бўлиб, мендан кейин болам ётган, боламдан сўнг мағзим ётган бешигимдан бошланган – Туғилган ўлкам! Таърифингни ҳайратларда кўрганимни айтаман...



(Газетадан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Сўзлаймиз

1. Сизнинг шаҳрингизда ҳам шундай муҳташам бинолар борми?



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. “Ватан – остонангдан бошланади” матнига асосланиб, фикрингизни ижодий давом эттиринг ва ҳикоя ёзинг.
2. Матндаги келишик қўшимчалари билан турланган сўзларни топиб кўчиринг, турларини аниқланг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

16-машқ.

“Манкент” оромгоҳи

Жанубий Қозоғистон вилоятининг Сайрам туманида жойлашган энг йирик оромгоҳлардан бири “Манкент” санаторийси ҳисобланади. Темир йўл станциясидан атиги 6,5 километр масофада жойлашган бу даргоҳ мусаффо ва мўътадил ҳавоси, зилол ва шифобахш минерал суви, юқори малакали ва ширинсўз хизматчилари билан ном қозонган.


Дам олувчилар турли тиббий муолажалар, шифобахш гиёҳлар, турли массажлар ёрдамида саломатлигини тиклаш ва яхшилашлари мумкин. Оромгоҳда кўп йиллик тажрибага эга шифокорлар хизмат кўрсатишади.

Шимкент шаҳридан ҳам узоқ эмас, масофа атиги 25 километр. Янгидан қурилган кенг ва шинам йўллар орқали бир соатда

шарқдаги “Оқсув – Жабағли” қўриқхонасига, жанубдаги афсоналарга кўра Нух пайғамбарнинг кемаси қўнган Қазигурт доvonига, шимолдаги Аҳмад Яссавийнинг ҳамда унинг устози Арслонбобнинг мақбараларига бориш мумкин.

Оромгоҳда жуда кўп чинор, терак, қайин ва бошқа манзарали дарахтлар бор. Уларнинг атрофида эса ўрик, олма каби мевали боғлар яшнаб турибди.

А. Сармонов





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Тақдимот

1. Матнда ажратиб берилган гапларнинг мазмунини гуруҳда муҳокама қилинг ва тақдимот тайёрланг.



Ёзамиз

2. Матндаги гаплар таркибидан ўрин-пайт келишигида қўлланган сўзларни топиб кўчиринг. Қайси сўз туркумига хослигини аниқланг.
3. Келишик қўшимчаларининг гаптаги вазифаси ҳақида сўзланг.



Ўқиймиз

17-машқ. Матнни ўқинг, топшириқларни бажаринг.

Уккоша ота

Туркистон шаҳридан 55 чақирим шимолий-шарқда Бобойқўрғон қишлоғига қарашли тоғли ҳудудда, тепаликлар қўйнида Ҳазрати Уккоша ота мақбараси ва машҳур сирли қудуқ жойлашган.

Мақбарадан чиқиб, жанубий-ғарбга юрилса, қизғишсимон ясси тошларга дуч келасиз. Шу ердаги чироқчиларнинг таъкидлашича, у тошлардаги оёқ излари ва ариқсимон чизиқлар ўша даврдаги жангу жадаллар, тош устида судралган Ҳазрати Уккоша қиличларининг муборақ излари эмиш. Сирли излардан ўтиб яна юз қадамча юрилса, тепалик устидаги машҳур қудуққа чиқилади. Уни Ҳазрати Уккоша ота қудуқлари деб ҳам аташади.



Ривоят қилишларича, Уккоша ота (Укош ота, Укаша ата) юртимизга Ислом динини олиб келганлардан бири ҳисобланади. Афсоналарга кўра, у шу қадар новча бўлганки, туя минганида оёқлари ерга тегиб турган.

Кўп жанглarda ғалаба қозонган ботир авлиёнинг танасига найза ботмас, қилич кесмас экан. Душманлари унинг калласи учун катта





мукофот ваъда беришган экан. Шу мукофотни олишни ният қилган каллақесарлар унинг бомдод намози вақти ибодатга берилганида бутун вужуди юмшашини билиб қолишибди ва намоз ўқиётганида ҳужум қилишибди.

Аммо очкўз жаллодлар авлиёни ўлдиришган бўлишса-да, орзу қилган мукофотига ета олишмабди: унинг боши юмалаб бориб, қудуқ ичига тушиб кетибди. Кейинчалик маҳаллий аҳоли Уккоша отанинг қони тўкилган жойда қабр тош бунёд этишибди. Ҳазрат қудуқларининг ўзига хос сирлари ҳам йўқ эмас. Оби-ҳаёт



ҳаддан зиёд чуқурликда оддий қудуқдагидек тик эмас, эгрисимон йўналиш бўйлаб кетади.

Ҳазрати Уккоша ота қудуғига ташриф буюрган зиёратчиларнинг ҳаммаси қудуқдаги сувдан баҳраманд бўлиш илинжида челақ ташлаб кўришади. Лекин оби-ҳаёт ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Ҳар йили Ўрта Осиёнинг турли бурчакларидан минглаб зиёратчилар табарруқ масканни зиёрат этиб, муқаддас қудуқдан сув ичиш учун кўҳна заминга ташриф буюришади.

Д. Жумадуллаева



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Матн мазмунини ёритувчи 5та калит сўз топинг. Калит сўзлар ёрдамида матннинг асосий ғоясини аниқланг.
2. Матндаги бош ва иккинчи даражали ахборотни ажратинг.
3. Ҳазрати Уккоша ота ҳақида яна қандай маълумотларни биласиз?



Тақдимот

4. Сизнинг яшаш жойингизда яна қандай сайилгоҳ, оромгоҳлар бор? Маълумотлар тўплаб, синфга тақдим этинг.



Ёзамиз

5. Калит сўзлардан фойдаланиб, ёпиқ саволлар тузинг ва шу саволлардан фойдаланиб, синфдошларингиз ёки устозингиздан интервью олинг.



6-дарс. ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

18-машқ. Матнни ўқинг, расмларга диққат қилинг.



Оқсув-Жабағли давлат табиий қўриқхонаси – Қозоғистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг қарорига кўра 1926 йили 14 июнда қурилди. Қарорда қўриқхона “Табиат ёдгорлиги сифатида Оқсув ва Жабағли дарёлари, уларнинг дарахтлари ва бутазорлари, тўқайзорларини илмий ўрганиш, ўсимлик ва қўриқхонани ўзларига макон этган ҳайвонот оламини табиатда қандай бўлса, шу ҳолатда муҳофаза қилиш мақсадида” қурилганлиги атаб ўтилган. Қўриқхона майдони йилдан-йилга ўзгариб, бугунги кунда унинг майдони –131934,3 га ташкил этади.

Оқсув-Жабағли давлат табиий қўриқхонаси икки давлат – Қирғизистон ва Ўзбекистон билан чегарадошдир, қўриқхона ери Жанубий Қозоғистон вилоятининг Тулкибош, Тўлабий, Байдибек туманлари ҳамда Жамбул вилоятининг Жували туманлари ҳудудларини қамраб олган.

Қўриқхонадаги энг баланд тоғ чўққиси – Сайрам деб аталиб, унинг баландлиги денгиз сатҳидан 4238 метрни ташкил этади. Қозоқ халқи бу тоғни «Оқ туя ўлган» деб аташган, чунки тоғнинг кўриниши худди жонсиз ётган туяга ўхшайди.





Қўриқ ўртасидаги баланд, музли Буғитурган чўққиси ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Буғили деб аталишининг сабаби бу тоғни буғилар макон этган. Тянь-Шань буғилари қорли чўққиларда яшайди, шу ерга мослашган...

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Матнни ўқинг, расмларга диққат қилинг ҳамда фикр-мулоҳаза юритинг.



Муҳокама қиламиз

2. Оқсув-Жабағли давлат табиий қўриқхонаси нима мақсадда қурилган?
3. Ажратиб ёзилган сўзлар нима учун бош ҳарфлар билан ёзилганлигини шарҳланг. Қандай ясалганига диққат қилинг ва фикр билдиринг.



Ёзамиз

4. Матн мазмуни бўйича оддий режа тузинг.



Ўқиймиз



Мулоқот



Ёзамиз

19-машқ. Матнни ўқинг. Матн мазмунини ёритиб берувчи 2-3 жумлани аниқланг ва кўчириб ёзинг.

Қозоғистоннинг бепоён далаларидаги печакгуллар, ёввойи бўлишига қарамай, улар энг ақлли ва қувноқ гуллардир. Улар эрталаб **күёшни** ҳаммадан ортиқ яйраб қарши олади. Бошқа ўтларга тонг нима, тун нима, барибир. Печакгуллар эса, кун илиши биланоқ кўз очади, кулиб **боқади**. Олдин бир кўзини, кейин иккинчисини очади, шундан сўнг бағридаги **барча** гуллар бирин-кетин очила бошлайди. Оқ, оч кўк, бинафша ва яна ҳар хил рангда... Агар уларнинг олдида **сукут** сақлаб ўтирсанг, гўё бу гуллар уйқудан уйғониб, алланималар ҳақида шивирлашаётгандек туюлади. Чумолилар ҳам буни сезади. Улар эрталабдан печакгуллар ҳузурига чопиб, күёш нурларидан кўзларини қисиб, гулларнинг ўзаро нималар ҳақидадир шивирлашаётганига **қулоқ солади**. Балки кўрган тушларини сўзлашаётгандир...



Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Матндан кўчма маъноли сўзларни топинг.
2. Ажратилган сўзларнинг маънодошларини топинг.
3. Парча қайси асардан олинганини аниқланг.



Ўқиймиз



Ёзамиз

20-машқ. Матни ўқинг. Топшириқларни бажаринг.

Оқсув ва Жабағли дарёлари қўриқнинг асосий дарёларидир. Оқсув – энг узун дарё, 120 км-га чўзилган. Май ойида Оқсув кўкимтир рангда бўлса, ёз ойида эса, дарё тўлиб-тошиб оққан пайтда, унинг



ранги оппоқ сутга ўхшайди. Унинг номи ҳам шунга асосан атаб қўйилган.



Кичик Оқсув билан Катта Оқсув қўшилган ерида ажойиб кўринишдаги теран тик анҳор – тоғ орасида, харсанг **тошлар** ўртасида эса сув йўли ҳосил бўлган. Бу жойлар ажойиботларга, мафтункор манзараларга эга. Осмони мусаффо, ҳавоси тоза. Бу ерларга келган одамлар олган таассуротларини ҳеч қачон **ёдидан** чиқармайдилар.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Матни ўқиб, расмларга диққат қилинг ва ўз фикрингизни билдинг.
2. Ажратилган сўзларнинг шаклдошларини топиб, улар иштирокида гап тузинг ва ёзинг.



Гуруҳда ишлаймиз



Тақдимот

3. Маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзларни гуруҳларда ёдингизга туширинг ва тақдимот тайёрлаб, синфда ҳимоя қилинг.



Ёдда сақланг!

Сўз гапнинг маъно ва грамматик хусусиятга эга бўлган энг кичик қисмидир. Тил элементи сифатида сўз маъно англатувчи бирликдир. Сўзнинг борлиқдаги нарса, предмет ёки ҳодисани ифодалаши унинг маъносидир. Масалан, *китоб, тош гул* маълум предметларни англатса; *яхши, катта, белгини; ўқимоқ, юрмоқ, ишламоқ* ҳаракат маъноларини англатади.



Мустақамловчи савол ва топшириқлар



Гуруҳда ишлаймиз

1. Сўзларнинг шакл ва маъно жиҳатидан турлари ёдингиздами? У ҳолда, уч гуруҳ ташкил этиб, қуйидаги саволларга ўз жавобларингизни тайёрланг, жавобларингиз, албатта, мисоллар орқали исботланиши лозим.
2. Нутқда фикрни аниқ ва мақсадга мос ифодалаш вазифасини бажариб, фикрда ортиқча сўз такрорини олдини оладиган, адабий тилни бойитадиган сўз шакли – қайси сўз?
3. Қайси сўзлар ёрдамида бадий адабиётда тазод санъати ҳосил бўлади?
4. Бадий адабиётда *туюқ жанрини* вужудга келтирадиган сўз қайси сўзлар?



*Бир маънога эгаману, шаклим ҳар хил,
Синоним сўз дегайларким, мени халқим.
Шаклим бир хил, лекин маъно ҳар хилдир,
Омонимман, менга мисол от, ўт, тилдир.
Маъноси бир-бирига зид бўлган,
Антонимман, қаршиликларга тўлган.*

5. Она тили хонасидан бир ва кўп маъноли сўзларга мисол бўладиган буюмлардан топиб, дафтарингизга ёзинг.
6. Намуна бўйича “Чандишлар” ўйинини ўтказинг.

Масалан:

- | | |
|-----------------------|--------------------------------------|
| – Карим қаёққа кетди? | – Бақа кўлга учади. |
| – Ола таёққа кетди. | – Балли! |
| – Салим қаёққа кетди? | – Тулки совун ейдими? |
| Қизил бўёққа кетди. | – Тулки товуқ ейди. |
| – Какку кўкка учдими? | – Илон узум ейдими? |
| Какку кўкка учади. | – Илон узум ейди. |
| – Бақа кўкка учдими? | – Э, э... <i>Аҳмоқ шундай дейди.</i> |



7-дарс. САЙРАМ-УГАМ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ БОҒИ МУЪЖИЗАЛАРИ



Ўқиймиз

21-машқ. Берилган матни ўқинг, таассуротларингиз билан ўртоқлашинг. Сизга ушбу маскан танишми?

Сайрам-Угам Давлат Миллий боғи

Сайрам-Угам Давлат Миллий табиий боғи ҚР Ҳукуматининг қарорига кўра 2006 йил 26 январда барпо этилди.


Сайрам-Угам Давлат Миллий боғининг ҳудуди Ғарбий Тянь-Шань тизмасининг шимолий-шарқий томони ҳамда Угам, Қаржантов ва Буралдайтов, шунингдек, Талас-Олатовнинг шимолий-ғарбий тоғ тизмаларини қамраб олади. Миллий боғ ҳудудидан Угам, Сайрамсув, Қасқасув, Бургулук, Бодом, Машат ва Кўкбулоқ дарёлари оқиб ўтади.

Боғ майдони 7 табиий зоналардан иборат: тепаликлардан тортиб баланд тоғликларгача чўзилган. У ерларда 1635 ўсимлик тури, ҳайвонларнинг 59 тури ва қушнинг 300 тури учрайди. Боғ ўсимликлари таркиби жуда хилма-хилдир.

Миллий боғда Қозоғистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ўсимликларнинг 240 дан ортиқ тури ўсади.

Айниқса, Ғарбий Тянь-Шаннинг энг диққатга сазовор хусусияти шундаки, бу ерда олма, нок, олхўри, узум, ёнғоқ, пиёз ва лолаларнинг хилма-хил ёввойи





навлари кенг тарқалган. Турфа хил ҳайвонот олами ҳам бундан мустасно эмас. Айиқлар, бўри, тўнғиз, тоғ эчкилари, буғу, бўрсиқ ва жайралар – боғнинг доимий яшовчи жониворлари. Хушқад тоғ архарлари баҳор пайтлари Буралдайтоғнинг жанубий томонларида кўзга тушиб қолади. Боғнинг энг эҳтиёткор соҳиблари: қорли барс ва Туркистон силовсинини жуда кам учратиш мумкин.

Ғарбий Тянь-Шань тоғлари – бу ёввойи табиатнинг бетакрор олами. Сайрам чўққиси (денгиз сатҳидан 4238 метр баландликда) алоҳида ажралиб турган баланд-баланд тоғ чўққилари, баланд тоғдаги мовий кўллар ва уларнинг орасидаги Угам маржони – Мақпал кўли(2100 м), дарё ва булоқларнинг тиниқ ва зиллол сувлари, Қирққиз номли ғаройиб қоя тошлари, Грейг лолалари ва жуда кўп ажойиботларга бой маскандир.

Тоғлар бир миллиондан ортиқ одамлар истиқомат қилувчи улкан ҳудуднинг “яшил юраги”дир.

Тоғлар Шимкент аҳолиси ва унинг атрофидаги туманларни сув ресурслари ва биринчи навбатда, тоза ичимлик сув билан таъминлайди.. Ушбу қимматли табиат тухфасига Қозоғистоннинг даштли ва қуруқликдан иборат ҳудудлар аҳолиси ҳамда сайёрамизнинг юз миллион сонли одамлари муҳтож бўлиб, улар ичимлик сувларини харид қилиб, истеъмол қилишга мажбурлар.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Матнни ўқиб, расмларга диққат қилинг ва ўз фикрингизни билдиринг.
2. Ажратилган сўзларнинг шаклдошларини топиб, улар иштирокида гаплар тузинг ва ёзинг.



Гуруҳда ишлаймиз



Тақдимот

3. Матн таркибидан тагига чизилган сўзлар асосида маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзларни гуруҳларда талқин қилинг, жуфтини ўзингиз топиб ёзинг ва тақдимот тайёрлаб, синфда ҳимоя қилинг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

22-машқ. Қуйидаги топшириқларни бажаринг.

АКТ-дан фойдаланиб, қўриқхона, Миллий боғлар ҳақида видеолавҳалар томоша қилинг, топшириқларни бажаринг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Қўриқхона, миллий боғлар нима учун керак?
2. Шундай табиат қўйнига чиққанмисиз, қандай таассурот олдингиз?



Ёзамиз

Олган маълумотларингиз, таассуротларингиз асосида газетага мақола ёзинг.



Ўқиймиз



Ёзамиз

23-машқ. Берилган гапларни ўқинг, топшириқларни бажаринг.

Чархи кажрафторнинг бир шеvasидан доғман,

Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур (*Фурқат*).

Юраги тоза инсонлар, кимсага ёмонлик қилмайдилар. Қалб амрига бўйсуниб келдим. 3. Гулчеҳранинг очиқ чеҳрасини кўриб, онаси хурсанд бўлди. Юзлари лов-лов ёнган қизнинг қувончи ичига сиғмас эди, чунки имтиҳонларни “аъло”га топширди. 4. Йўл бошида турган одам қаёққа юришини билмай, боши қотди. Йўлнинг ўнг томонидаги кўм-кўк ўтларни, очилган сап-сарик момақаймоқларни кўрган қизча дарҳол шу томон ўтди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Берилган гаплардаги сўзларни шакли ва маъносига кўра гуруҳларга ажратинг ва жадвалга ёзинг, сўзлар қаторини давом эттиринг.

қ/с	Маънодош сўзлар (синоним)	Зид маъноли сўзлар (антоним)	Шаклдош сўзлар (омоним)
1.			



Гуруҳда ишлаймиз

1. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар ҳамда иборалар ҳақида фикрингизни мисоллар ёрдамида баён этинг.
2. Биринчи гап, яъни шеърый мисрада қандай сўз шакли мавжуд?



*Кўп маъноли сўзлар – сафдошлар,
Йўқ, сафдош эмас, гўё сирдошлар.
Бир-бирингизга жуда ўхшайсиз,
Сиз аслида энг яқин қариндошлар.*

Лексик таҳлил тартиби

1. Сўзнинг лексик маъноси. Бир маъноли ёки кўп маъноли сўз.
2. Асл маъносида ёки кўчма маънода қўлланиши
3. Синоним ва антонимлари.
4. Услубий хослиги. (Сўзлашув, бадийий ёки услубий нейтрал (бетараф) сўз ҳк.)

Лексик таҳлил намунаси

Яхши сўз – қаймоқ,

Ёмон сўз – тўқмоқ.

Яхши – белгини билдиради, кўп маъноли сўз, яхши иш, яхши тилак, яхши ҳосил олинди, ўз асл маъносида ишлатилган, синонимлари: тузук, соз, эзгу; антоними – ёмон, услубий нейтрал сўз.

8-дарс. ЭРТАСИ БУГУНИДАН ҲАМ КЎРҚАМРОҚ ШИМКЕНТИМ!



Ўқиймиз



● **Топшириқ. Матни ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг.**

Сиз 5-синфда сўзнинг маъно томони билан танишдингиз. Сўзларнинг аташ маъноси, бир маъноли ва кўп маънолилиги, шаклдошлиги, маънодошлиги ва зид маънолилиги каби тушунчалар ҳақида тасаввурга эга бўлдингиз.

Сўзларнинг борлиқдаги маълум нарса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатларни билдириши, уларнинг аташ маънолари ёки луғавий маънолари дейилишидан, тилшуносликнинг аташ маъноларини ўрганувчи бўлими эса лексикология эканлигидан хабардорсиз.

Сўзлар аташ маъноси билан бирга, маълум грамматик маъно ва уни ифодаловчи шаклга ҳам эга бўлади. **М а с а л а н:** *олмаларни* сўзи «мевали дарахт» ва «олма дарахти меваси» маънолари билан бирга, «кўплик», «келишик» маънолари ва бу маъноларни ифодаловчи кўплик шакли (-лар) ҳамда келишик шаклига (-ни) ҳам эга. «Мевали дарахт» ва «олма дарахти меваси» маънолари бу сўзларнинг аташ маъноси, қолган маънолар эса грамматик маъно саналади.

Ҳар қандай грамматик маъно маълум грамматик шакл орқали ифодаланadi. Грамматик маъноларни ифодаловчи воситалар грамматик шакл ҳисобланади.

Сўзларнинг грамматик маънолари ва уларни ифодаловчи грамматик шаклларни ўрганувчи тилшунослик бўлими **морфология** саналади. **Морфология** юнонча – *morphe* – “шакл”, *logos* – “сўз”, “таълимот” сўзларидан олинган бўлиб, сўз шакллари ҳақидаги таълимот маъносини англатади.

Кўринадики, лексикология билан морфология орасида узвий алоқа мавжуд. Ҳар иккисида сўз ўрганилади. Лексикология сўзнинг аташ маъносини, морфология эса унинг грамматик маъносини ва бу маъноларни ифодаловчи воситаларни ўрганади.



● **Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.**

1. Лексикологияда сўзнинг қайси жиҳати ўрганилади?
2. Сўзнинг аташ маъноси деганда нимани тушунаси?
3. *Қарамоқ, боқмоқ, кўрмоқ* сўзларининг аташ маъносини айтинг.
4. *Чаққон, нур* сўзларининг маъносини айтинг.
5. *Тут* сўзининг шаклдошларини айтинг.
6. *Морфология* сўзнинг қайси томонини ўрганади?
7. *Йўл* сўзининг аташ ва грамматик маъноларини айтинг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

24-машқ. Матни диққат билан ўқинг, топшириқларни бажаринг.



Жанубий Қозоғистон вилоятининг маркази Шимкент шаҳри йил сайин гуллаб-яшнаб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, камол топиб келмоқда. Аҳоли сон жиҳатидан ҳам ўсиб бормоқда, элимизнинг турмуши кундан-кунга равнақ топмоқда. Элбошимиз Жанубий Қозоғистонга қилган сафарларида Шимкентнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратди: “Шимкент – чиройли шаҳар. Тарихда ўз ўрни бор. Астана, Алматидан кейинги Қозоғистоннинг учинчи шаҳри бўлади деб аввалда ҳам айтганман, ҳозир ҳам айтаман. Халқининг сони бир миллионга еттулик шаҳарнинг кўрки бугунгисидан ҳам кўркамроқ бўлади!”– деган эди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги Шимкентга юксакроқ нуқтаи назар ташласангиз, шаҳарнинг тўрт тарафида бунёдкорлик, қайта қуриш, яратувчанлик, кўкаламзорлаштириш, ободончилик ишлари амалга оширилаётгани дилларга ҳузур бахш этади.

Миллий ва замонавий меъморчилик услубларини ўзида мужассам этган бу мухташам бинолар қалбимизда ифтихор ҳиссини уйғотади. Ахир шаҳардаги «Ҳасрат», «Шон-шухрат» мемориаллари, «Мустақиллик» истироҳат боғи, Шамши аллеяси, “Наврўз” майдонлари фақатгина дам олиш масканлари эмас, миллий



қадриятларимизнинг қадр-қимматини танитадиган, ёш авлодни **ватанпарварлик** руҳида тарбиялайдиган умумий мажмуа эканлиги ойдай равшан. Чиройли Шимкентимизнинг эртаси янада кўркамроқ, янада гуллаб-яшнаши келажак авлод қўлидадир.

Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Сўзлаймиз

1. Матнни ўқинг, мазмунини қайта ҳикоя қилинг.



Ёзамиз

2. “Мен туғилган юрт ҳаммасидан аъло” мавзусида эссе ёзинг.
3. Тагига чизилган сўзларни маъноли қисмларга бўлиб, уларга изоҳ беринг.



Ёдда сақланг!

Сўз таркиби асос ва қўшимчалардан иборат.



Билиб олинг!

Морфология – сўзларнинг тузилиши (ўзак ва қўшимча), ўзгариши (алоқа-муносабат шаклларини қўлланилиши) ва сўз туркумларини ўрганади.

Морфологиянинг муҳим вазифаларидан бири сўзнинг таркибий қисмларга бўлинишини ўрганишдир.

Сўзнинг таркибий қисмлари морфемадир.

Сўзнинг энг кичик маъноли, бошқа маъноларга бўлинмайдиган қисми морфема – ўзак дейилади.

Масалан: китобхонлар сўзида китоб – сўзнинг ўзаги, -хон – сўз ясовчи қўшимча, -лар – шакл ясовчи қўшимча.

Сўз	Ўзак	Сўз ясовчи қўшимча	Шакл ясовчи қўшимча	Сўз ўзгартирувчи қўшимча
Китобхонларнинг	Китоб	- хон	- лар	-нинг



Кўчқор ота

Кўчқор ота – тоза ва зилол сувига эга дарё бўлиб, халқ орасида шундай деб аталади. Ушбу дарё сарчашмаси шаҳарнинг қоқ ўртасида бўлиб, сув булоқ кўзидан сизиб чиқиб, бора-бора кўпайиб Шимкент шаҳрининг бутун ҳудудлари бўйлаб оқиб ўтади.

Ривоят қилишларича, Кўчқор ота ўз замонасининг ниҳоятда машҳур ва донишманд, мўътабар инсони бўлган экан. Ҳақиқатгўй, адолатпарвар бўлиб, ўз ҳаёти давомида инсонларга фақат эзгулик қилиш, ёрдам бериш истаги, ҳиммати, саховатлилиги билан одамлар орасида маълум ва машҳур бўлган қария барчанинг ҳурмат-эъзозига сазовор бўлган экан.

Шимкент шаҳрида булоқ сувидан пайдо бўлган ушбу ажойиб дарё номини ушбу қариянинг мўъжизавий куч-қудрати ҳамда сувнинг шифобахш хусусияти билан боғлашади.

Айтишларича, Кўчқор ота жудаям саводи ўткир бўлиб, Қуръон ва ҳадисларни мукаммал билар, ҳатто халқ орасида қозилик ҳам қилган экан. Айнан, мана шу касбида адолатпарварлиги билан шуҳрат қозонган экан. У ўзини Аҳмад Яссавийнинг шогирди деб билар, унга ҳурмати чексиз бўлиб, унинг асарларини қунт билан ўрганар, таҳлил қилган экан.

Афсоналарнинг бирида сўзланишича, Кўчқор ота ўзининг укаларидан бирига ҳассасини беради-да, шу ердан сувни Туркистонга, Ҳазрати устозига етказишни топширади:

“Ҳазрати устозим меҳнаткаш қўллардан сув ичиб, чанқоғини қондирсин”, деб тилайди-да, зинҳор-базинҳор ортига бурилмаслигини тайинлайди. Аммо иниси бироз вақт йўл босгач, ваъдасини унутиб, ортига бурилиб қарайди. Етказиши керак бўлган сув эса тўкилиб кетади. Халқ орасида ушбу жой “Сув сачраган” жой деб аталиб кетган дейишади.





Дарё ёқасида жойлашган Қўчқор ота мақбарасини зиёрат қилиш ҳар бир мусулмон учун муқаддас бурч ҳисобланади. Шу билан бирга, Октябрь тўнтарилишигача баҳор пайтларида ўзгача бир байрам – “Қўчқор ота сайли” нишонланиб келинган экан. Ҳозир ҳам шимкентликлар мазкур булоқ сувининг ўзига хос шифобахш хусусияти бор эканлигига ишончлари комил. Уни бир марта ичиб кўрган одам яна қайта Шимкентга келишни орзу қилади.

Дарё шаҳар марказидан бошланиб, булоқ кўзлари 200 метрдан кейин суви кўпайиб, эни 14 метрга тенг келадиган дарёга айланади. Кексалар қачонлардир ушбу дарё суви шаффофдек тиниқ бўлганлигини сўзлашади. Ҳозирги кунда эса фақат булоқ кўзидангина сув ичиш мумкин.

Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Матн мазмунини қайта ҳикоя қилинг. Матн тезисини топинг.



Гуруҳда ишлаймиз

2. Энг сўнгги абзацни қайта ўқиб, мазмунини муҳокама қилинг. Нима учун ҳозирги кунда суви фақат булоқ кўзидангина ичиш мумкин? Нима сабабдан? Далиллар билан исботланг.




Ёзамиз

3. Муҳокамада билдирган фикрларингизни дафтарингизга ёзиб олинг. Сўнгра синфга постер орқали тақдим этинг.



Суҳбатлашамиз

4. Қандай ўйлайсиз, қуйидаги расм қандай расм? Шарҳланг.



Ўқиймиз



Тинглаймиз

26-машқ. Шеърни ифодали ўқинг.

Боқиб кўзим тўймайди, дурдона Чимкентим бор,
Ёзмасам ҳеч бўлмайди, нурхона Чимкентим бор.
Туғилиб ўсдим озод, чекмадим бир он фироқ,
Улғайдим бағрида мен, ўз она Чимкентим бор.

Чанқасам қимиз дерман, очиққанда қўй гўшти,
Қази-қарта мезоним, шоҳона Чимкентим бор.
Гул териб даста-даста, мастланурман бўйидан,
Кўзларим ял-ял ёнар, гулхона Чимкентим бор...

Етказиб неча-неча олиму фузалолар,
Илм сари чорлаган, мардона Чимкентим бор.
Гар келиб боқса биров, ҳуснига мафтун бўлиб,
Гўзалликда тенги йўқ, ягона Чимкентим бор.

М.Рўзиматов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Суҳбатлашамиз

1. Шеърини матн мазмунини оғзаки баён қилинг. Матн нима ҳақда?



Ёзамиз

2. Шеърини матннинг мазмунини насрий матнга айлантириб ёзинг.
3. Матндаги жой номини билдирган сўзларни аниқланг ва тушунтиринг.



9-дарс. ТУРКИСТОН – ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ БЕШИГИ



Топшириқ. Юқоридаги СМАРТ жадвал билан ишланг, кўрсаткичига эътибор беринг, хулосангизни мисоллар билан тасдиқланг.



Билиб олинг!



Ёдда сақланг!

Асос сўзларнинг асосий маъносини ифодалаб, мустақил қўллана оладиган қисмдир.

Мустақил қўллана олмайдиган, асосга қўшилиб, унга янги ёки қўшимча маъно юклайдиган, шунингдек, сўзларни боғлашга хизмат қиладиган **қисм қўшимчадир.**



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

27-машқ. Матни диққат билан ўқинг, топшириқларни бажаринг.

Туркистон – боболаримизнинг қўҳна шаҳри. У Қоратоғ ва Сирдарё дарёсининг ўртасида, Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган. Қадимий шаҳарга турнадай тизилиб, қўнғироқларини шақиллатиб карвонлар Шарқдан ҳам, Ғарбдан ҳам келар эди. Аввалда шаҳар Шабғар деб, сўнг Ясси деб аталган. Мўғуллар босқинчилигидан кейин шаҳар Туркистон деб ном олди. Бир ярим минг йилдан ортиқ тарихи бор Туркистон Ўтрор, Тараз шаҳарлари каби юртимиздаги қўҳна шаҳар саналади. Туркистон “Турклар макони” деган маънони англатади. Шу даврларда Ўтрор, Тароз, Туркистон каби шаҳарлар барпо этилган. Шаҳарларда эса болаларни ўқитиш учун мадрасалар очилган. Шундай ажойиб мактаб-мадраса Туркистонда эди. Мадрасанинг етакчи муаллими Хожа Аҳмад Яссавий бўлган.



Улуғ мутасаввуф шоир, олим, файласуф, тарбиячи, авлиё Хожа Аҳмад Яссавий кўхна шаҳар – Исфижобда (ҳозирги Сайрам) туғилган. Аҳмад Яссавий тахминан 130 йил умр кўрди.

Аҳмад Яссавий ёзади:

*Одамлардан файзу шукуҳ ололмадим,
Юз йигирма бешга кирдим, билолмадим.*

А.Яссавий бобомиз туркий халқларнинг улуғ шоиридир. Унинг минглаб инсонлар учун муқаддас бўлган зиёратгоҳи Туркистон шаҳрида жойлашган. Туркий халқлар учун Туркистон бу яхлит, улкан Ватанни ҳам англатади. Аҳмад Яссавий мақбараси – Туркистон шаҳрида XIV асрнинг охирида Соҳибқирон Амир Темурнинг буйруғи билан барпо этилди. Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбараси – ўрта асрлик меъморчиликнинг кўриниши. Қозонли бўлмасида 2 тонналик мисдан қуйилган Той қозон қўйилган. Бу қозонга еттига отнинг гўшти сиғади. Қозоннинг муаллифи қарноқлик Абдулазиз деган инсон бўлган.



Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Матнни ўқиб, сарлавҳа қўйинг ва мазмунини қайта ҳикоя қилинг.



Жуфтликда ишлаймиз

2. Матндан жой номларини билдирган сўзларни топиб кўчинг, имлосига диққат қилинг, нима учун бош ҳарф билан ёзилишини тушунтиринг.

3. Матндан ясама сўзларни топиб, ясалишига таъриф беринг.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Сиз ҳам ўзингиз турадиган шахрингиз ҳақида мақола ёзиб кўринг.



Жуфтликда ишлаймиз

2. Ўз ўлкангизнинг қандай ўзига хос, кўпчиликка маълум бўлмаган хусусиятларини, қирраларини биласиз? Бўлса, мақолангизда улар ҳақида ахборот беринг.
3. Матн таркибидан ясама сўзларни топиб кўчиринг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

28-машқ. Берилган сўзларни маъноли қисмларга ажратинг. Бу сўзлар учун умумий бўлган қисмни айтинг.

Ишни, ишла, ишсиз, ишчи, ишга; *тинч, нотинч, тиним, бетиним, тинмоқ, тинчлик; беақл, ақлсиз, ақлли, ақлий* (меҳнат) сувчи, тракторчи, сотувчи, ўқувчи, ўқитувчи



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Сўзларнинг маъноли қисмлари қандай аталади? Шарҳланг.
2. Ўзакка қандай қўшимчалар қўшилганда янги сўз ҳосил бўлади ва у қандай аталади?



Ўқиймиз




Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

29-машқ. Жадвални сўзлатинг.



Асосга қўшилиб, янги маъно ҳосил қилади

М-н: *дўппи+* *дўз,*
сер+қатнов,
фойда+ли,
тақсим + ла.



тертим+чи, иккита сўз ясовчи қўшимча мавжуд, *тер-феъл,* *терим-от,* *теримчи-от;* *тер-ҳаракат,* *терим-жараён,* *теримчи* шахс.

Сўз ясовчи қўшимчалар тилнинг луғавий бойлигини (диалект ва шева сўзлар билан биргаликда) бойитувчи ички манба ҳисобланади.



Ўқиймиз

30-машқ. Матни ўқиб, топшириқларни бажаринг.

Она табиат



Дунё бўйлаб қалин ўрмонларнинг камайиб бориши, катта-катта қўриқхоналарда ноёб ҳайвонларнинг қирилиб бориши, ичимлик сув муаммолари, завод ва фабрикалар, автомобиль ва турли техникаларнинг ҳаддан зиёд атмосферани заҳарлаши каби муаммолар жуда кўп. Зарарли ҳашаротларни қуритиш мақсадида сепатган химикатлар таъсирида қанчалар фойдали ўсимликларнинг чанг-ланишига ҳисса қўшаётган ҳашаротлар қирилиб кетяпти.

Одамлар табиатга зарар келтиргани учун табиат одамдан ўч олиши мумкин. Бу муаммоларнинг олдини олайлик, табиатни асрайлик!

Одамзот табиат билан ҳамкор, ундан қувват олади, гўзалликдан завқланади. Тирик вужуд борки, бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Атроф-муҳитни сақлаш – бизнинг бурчимиз, чунки атроф-муҳит тирик бўлса, инсон учун хизмат қилади.

Н. Қосимова



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Ўйлаб кўринг, нима учун матн “Она табиат” деб номланган? Фикрингизни баён этинг.



Суҳбатлашамиз

2. Она табиатни асраш учун Сиз, ўқувчилар, нима ишлар қиляпсиз?
3. Табиатни нима учун асраш керак? Оғзаки жавоб беринг.



Ёзамиз

4. Матнни кўчириб, феълларни аниқлаб, тагига чизинг.



Ўқиймиз

31-машқ. Матнни кўчиринг, сўз ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг ва изоҳланг.

Замонавий билимга эга, одобли, илмли, баркамол ва шижоатли фарзандлар бизнинг келажагимиздир. Истеъдодли, билимдон ёшлар ўқиш учун чет элларга юборилмоқда. Уларда шижоат, янгиликка интилиш бор. Ёшларимизни жисмоний бақувват ва маънавий етук қилиб тарбиялаш шу куннинг бош вазифасидир.

(Газетадан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Сиз қандай ўйлайсиз, билимли бўлиш кимга ва нимага боғлиқ?
2. Сўз ясовчи қўшимчалар қандай сўз ҳосил қилади? Ўйланиб жавоб беринг.



II бўлим МИЛЛИЙ ВА ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР



Қадрият – табиий ва ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган, одамлар томонидан қадрланадиган, улар учун фойдали, аҳамиятли, моддий, маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий, миллий, ижтимоий омиллар йиғиндиси.





1-дарс. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ОИЛА



Ўқиймиз

32-машқ. Матни ўқинг. Топшириқларни бажаринг.

Ҳар қандай миллатнинг маънавиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг дунёқараши, энг соф ва покиза туйғулари оилада, ота-она, бобо-буви, ака-ука, опа-сингил таъсирида шаклланади, ўзгаради, ривожланади.

Айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади. Чунки яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топади...

Газетадан





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Матни диққат билан ўқинг ва ижодий давом эттиринг.
2. Маънавият деганда нимани тушунасиз, фикрингизни қисқача ёзма равишда баён этинг.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

3. Матндаги мустақил сўз туркумларини топиб, соф ва ясама сўз туркумларига ажратинг ҳамда қандай ясалганини гуруҳда муҳокама қилиб, изоҳланг.



Ёзамиз

4. Сўз ясовчи қўшимчаларини аниқланг, тагига чизинг.



Топшириқларни бажаринг!

1-топшириқ. *Бошлиқ, бошла, бебош, бошсиз* сўзларини бир-бирига таққосланг. Уларнинг бош сўзидан фарқини айтинг.

2-топшириқ. *-боз, -чан, -ла* қўшимчалари ёрдамида янги сўзлар ҳосил қилинг.



Билиб олинг!

Таркиби асос ва ясовчи қўшимчаларга бўлинмайдиган сўзларга туб сўзлар дейилади.

• Масалан: *тош, темир, қуёш.*

Ўзакка сўз ясовчи қўшимчалар қўшилиши орқали ҳосил қилинган янги асос содда ясама сўзлар дейилади.

• Масалан: *тошлоқ, темирчи, темирчилик, серқуёш.*

Бир умумий асосга эга бўлган сўзлар ўзакдошдир. Сўзнинг шакл ясовчи қўшимчаларсиз қисми ўзак саналади.

• Масалан: *гүлдон, гүлзор, гүлчи, гүлли.*



Меҳр уруғи

Қадим замонда бир бадавлат одам бўлган экан. У бир куни туш кўрибди. Тушида бозорда юрган эмиш. Бир дўконнинг ичига кирибди. Сотувчи чол унга пешвоз чиқиб, нима кераклигини сўрабди. Ҳалиги одам:

– Мен бой-бадавлат одамман, ҳеч нарсага ҳожатим йўқ, шунчаки айланиб юрибман, – деб жавоб берибди. Сотувчи эса:

– Эй ўғлим, бу дунёда ҳамма нарсаси бор одам бўлмайди, ҳатто бадавлат одамларга ҳам нимадир етишмайди, – дебди. Ҳалиги одам ўйлаб туриб:

– Тўғри айтасиз, отахон, лекин менга керак нарсалар бозорда сотилмайди-да, мен уларнинг нархини ҳам билмайман, – дебди.

– У нарсалар нима экан, балки менинг дўконимда бордир? – сўрабди сотувчи чол.

– Отахон, улар дўстлик, муҳаббат ва оқибат, – дебди ҳалиги одам. Шунда сотувчи чол:

– Ўғлим, бу нарсалар жуда арзон, лекин шунга қарамасдан ўта камёбдир. Буни қарангки, дўконимга кириб адашмасиз, бизда шу нарсалар бор, сизга беришим мумкин, – дебди.

– Ростданми, қани бир кўрай-чи! – дебди.

– Чол пештахта остидан бир қутича олибди ва ўша одамнинг олдига қўйибди.

– Шуми?! – ҳайрон бўлибди одам ва қутичани очиб қарабди. Унинг ичида уч дона уруғ бор экан.

– Булар уруғлар-ку, уларни нима қиламан? – сўрабди одам.

– Ҳа, булар меҳр-оқибат ва муҳаббат уруғлари, уларни ҳар бир одам ўзи учун ўзи экиши ва парвариш қилиши керак. Ахир сиз дўст-ёр ва қариндошларнинг бировники эмас, ўзингизники бўлишини хоҳлайсиз-ку, тўғрими? – деб сўрабди чол.

– Тўғри, лекин мен уларни қаерга экишни ва қандай парвариш қилишни билмайман-ку! – дебди одам.

– Гап шундаки, сиз уларни ерга экмайсиз, бир қултум сув билан ютиб юборасиз, қандай парвариш қилишни эса қалбингиз ўргатади, фақат сиз унга қулоқ солсангиз бўлди, ишни орқага сурмай, ҳозирдан бошлайверинг, – деб чол пиёлада сув узатибди.

– Ҳалиги одам сув билан уруғларни ютиб юборибди ва шу пайт чўчиб уйғо-ниб кетибди, кўрган туши ҳақида ўйлай бошлабди. Ўша он бирдан кўзига қари онаси кўрингандай бўлибди, уни анчадан бери зиёрат қилмаганини эслаб, шу бугуноқ боришни жазм қилиб ўрнидан турибди.



Эй фарзанд, билгинки, беғараз ҳурмат талаб қилинмайди, балки қозонилади.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матннинг асосий мазмунини ёритиб берувчи 2 жумлани кўчириб ёзинг.
2. Матнда қандай муаммо кўтарилган? Фикр-мулоҳазаларингизни жамлаб синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.



Муҳокама қиламиз

3. Матндан туб ва ясама сўзларни топиб, икки гуруҳга ажратиб ёзинг.
4. Туб ва ясама сўзлар деб нимага айтилади? Таъриф беринг, фикрингизни матндан олинган мисоллар орқали асосланг.
5. Матннинг услуби, типини аниқланг.



Мулоқот

6. Матнда ва қуйидаги расмда кўтарилган масала юзасидан диалог тузинг, жуфтликда синфга тақдим этинг.





2-дарс. МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР



• **Топшириқларни бажаринг ва изоҳланг.**

1-топшириқ. Сўзларни маъноли қисмларга ажратинг. Қўшимчаларнинг асос маъносига таъсир қилаётгани ёки қилмаётганини айтинг.

Тоҳиржон, Ҳалимжон, қаламим, дафтарлар, расмга, китобча

2-топшириқ. *Сувчи* ва *сувга* сўзларидаги қўшимчаларнинг вазифасидаги фарқини тушунтиринг.



• **Билиб олинг!**

Асосга қўшилиб, унинг маъносига қўшимча маъно юклаш ёки ўзи қўшилаётган сўзни бошқа сўзга боғлаш вазифасини бажарувчи қўшимчаларга шакл ясовчи қўшимчалар дейилади.



Ўқиймиз

34-машқ. Берилган матни ўқинг, топшириқларни бажаринг.

Ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Маънавий меросларимиз ўтмишнинг ютуғи. Уни тўла, одилона эгаллаш ва ривожлантириш эса ҳозирги авлоднинг вазифасидир. Бувижониси ёнида ўтирган Раънохон, Гулчеҳрахон, Лола-хонлар миллий қўл меҳнатига ўрганишни ўзларига одат қилганлар. Ўз маданий меросини, қадриятларини билмаслик ёки менсимаслик манқуртликдир. Уларни бойитиб, юксак даражага кўтаришга интилмаслик эса миллат ва унинг истиқлоли учун фожиадир. Маънавияти юксак даражада ривожланган инсонгина истиқлол, ватанимизнинг улуғ бир келажаги учун





меҳнат қилишга ўзида куч ва қудрат топа олади. Шахс маънавияти дастлаб оила шароитида шаклланади ва жамият маънавиятини белгиловчи мезон сифатида намоён бўлади. Шу боисдан, маданий меросдан, бугунги кун қадриятларидан тўғри фойдалана олиш, маънавий қадриятларига, ахлоқига, турмуш тарзига танқидий кўз билан қарай олиш – мустақилликни мустақамлашнинг муҳим маънавий асосидир.

С. Усмонов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

Маънавий бойлик деган сўзни қандай тушунганлигингни шарҳланг.



Тақдимот

“Ўз маданий меросини, қадриятларини билмаслик ёки менсимаслик манқуртликдир” гапининг маъносини гуруҳларда талқин қилинг ва тақдимот тайёрланг.



Ёзамиз

Матндан шакл ясовчи қўшимчаларни топинг ва изоҳ беринг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

35-машқ. Матн билан танишинг ва фикр-мулоҳаза юритиб, ўртоқлашинг, матнга сарлавҳа қўйиб кўчиринг.



Ўзбек миллий ахлоқий тарбияси маълум одоб ва эътиқод, ишонч ва меҳр-муҳаббатнинг мажмуаси бўлиб, киши ўзини қандай тута билишида намоён бўлади. Жумладан, илгари ёшлар мактабни тугатиш билан баробар, бирор бир касбни (масалан, ўғил бола ота касбини, қиз бола она касбини ёки бошқа бир касбни) эгаллаш анъанаси бўлган. Бошқача айтганда, касб ўрганиш тарбиянинг узвий қисми ҳисобланган. Ёшлар-



да ўқишга, касб ўрганишга қизиқишнинг юқори бўлиши уларнинг келажагини таъминлайди. Бу эса миллий анъаналаримизга хосдир. Одилжон ва кичкина Мансурбеклар оталари касбини қунт билан ўрганадилар ва ёрдам берадилар. Ахир кулолчилик ҳам катта маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Гўзалликни тушунган одамгина ҳақиқий санъаткор бўлиши мумкин.

Айниқса, отадан болага, боладан неварога ўтиб бораётган кулолчилик, дурадгорлик касбларида ҳам миллий анъаналаримиз ўз аксини топган...

Г. Ҳожимурадова



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

Сиз халқ амалий санъатининг қайси бирига қизиқасиз? Қўли гул усталарнинг иши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?



Жуфтликда ишлаймиз

Отадан болага, боладан набирага ўтиб келаётган бундай санъат миллат фахридир, деган тушунчани қандай англадингиз? Ўз ўйларингиз билан жуфтликда ўртоқлашинг.



Гуруҳда ишлаймиз

Матндаги ясама ва туб сўзларни ҳамда шакл ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни синфда гуруҳларда аниқланг ва шарҳланг.




Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



36-машқ.  **Матнолди топшириқлар.** Матнини ўқиб, топшириқларни бажаринг. Берилган расмларни диққат билан кузатиб, «*Меҳнатсеварлик – энг яхши одат*» мавзусида ўзаро мунозара ўтказинг.

Меҳнатсеварлик – энг яхши одат. Агар сиз уйда ота-онангизга, мактабда синф раҳбарингиз ишларига ёрдам берсангиз, бажараётган ишингизни тоза қилиб, сабр билан охирига етказсангиз, қилган ишингиз сизга қувонч олиб келади. Бажарган ишингиздан ота-онангиз, синф раҳбарингиз хурсанд бўлиб, сизга ўз миннатдорчиликларини билдирадилар. Ўзингиз ҳам қилган ишингизнинг катталарга фойдаси борлигини





билиб, катталарга ёққанлигини сезиб, себиниб кетасиз.

«Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат», деганлари шу. Агар сиз бошлаган ишингизни охирига етказсангиз, қилган меҳнати-нгиздан роҳатланасиз, севина-сиз. Хонани тозалашда, чиройли дастурхон ёзишда ота-онангизга ёрдам берсангиз, сиз билингки, меҳнатсевар, одобли бола экансиз. Меҳнатсевар, катталарга ёрдам берадиган болалар одобли болалар ҳисобланадилар. Меҳнат қилган-

да аҳиллик билан ишлаш, иш қуролларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, ишни охирига етказиш лозим. Ана шунда сиз одамларнинг раҳматига сазовор бўласиз.



● **Мақоллар:** Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик. Меҳнатдадир кўп ҳикмат.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Матнни ўқинг, расм юзасидан қандай ўй-фикр пайдо бўлди? Матн мазмуни билан таққосланг ва бир хулосага келиб «Меҳнатсеварлик – энг яхши одат» мавзусида мустақил ижодий ҳикоя ёзинг.



Жуфтликда ишлаймиз

2. Матндаги гапларнинг ўзаро боғланишига диққат қилиб, ўз мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.



Ёзамиз

3. Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар тагига икки тўғри чизиқ чизинг.



3-дарс. ОТА-ОНА – ОИЛА ТАЯНЧИ



Ўзбек тилида **меъёр**
ҳисобланади.

Ўзак + сўз ясовчи + шакл
ясовчи+ сўз ўзгартирувчи
қўшимчалар қўшилиши.




Суҳбатдошларимиз

сўзи таркибига кўра
суҳбат-ўзак, **-дош** – сўз
ясовчи, **-лар** – шакл
ясовчи, **-имиз** – сўз
ўзгартирувчи
қисмлардан ташкил
топган.



Уларни шартли
белгилар орқали
шундай кўрсатиш
мумкин



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

37-машқ.



Матнолди топшириқлар. «Ота-онага ҳурмат – фарзанднинг бурчи»

мавзуси устида синфда муҳокама юритинг.

Ота-она биз учун дунёдаги энг азиз, энг мўътабар инсонлар. Улар фарзандни дунёга келтирадилар, умр бўйи фарзанд деб яшайдилар. Шундай экан, ҳар бир бола ўз ота-онасини ҳурматини жойига қўйиши, уларга салом беришни қанда қилмаслиги лозим. Ота-она насиҳатларига қулоқ солиш, уларни ҳурмат билан ўриндан туриб қарши олиш ҳам бизнинг вазифамиздир.

Ота-онанинг суҳбатини бузмаслик, қилаётган ишлари-





га кўмаклашиш, уларга тўрдан жой бериш, қўлларига сув қуйиш, сочиқ тутиш, йўл бериш, йўлларини кесиб ўтмаслик ҳам бизнинг бурчимиз. Ота-онангиз руҳсатисиз узоқ жойларга кетманг, уларга ёлғон гапирманг, ахир фарзанд ўзининг яхши одоби билан ота-онасига раҳмат келтириши керак, одоб-ахлоқ меъёрларини билишимиз лозим.

Халқимизда: “Ибратли бола – элга манзур”. “Она билан бола – гул билан лола” деган мақоллар бежиз айтилмаган. Қ.Муҳаммадийнинг “Ойижоним” шеъри фикримизнинг далилидир:

Укам ётганда доим,
Алла айтади ойим.
Ухла, қўзим аллаё,
Шакар сўзим аллаё.
Алла айтади ойим,
Қўшиқлари мулойим...

Г. Ҳожимурадова



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Расмга қараб тасаввурларингизни ёзма равишда баён этинг.
2. Матнни ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан таққосланг ва “Ота-онага ҳурмат – фарзанднинг бурчи” мавзусида муҳокама матн ёзинг.
3. Сиз оилангизда кимларни кўпроқ ҳурмат қиласиз? Нима учун?
4. Матндаги асос ва ясама сўзларни топинг ҳамда уларни шарҳланг.



Ўқиймиз

38-машқ. Матн мазмунини тушуниб ўқинг, топшириқларни бажаринг.



Халқимизнинг ахлоқ, андиша, шарм-ҳаё, ҳалоллик ва покизалик, инсон қадр-қиммати тўғрисидаги тасаввурлари ҳар бир оилада шаклланган. Яна бир ажойиб удумимиз – ўзбекнинг саломи тўғрисида икки оғиз гапириш жоиздир. Ўйлаб қаралса, ўзбекнинг «Ассалому алайкум» деган каломида бир олам маъно борлигини кўриш мумкин. Албатта, салом бериш ва меҳмондўстлик барча мил-



латларда ҳам озми-кўпми бор. Аммо танишга ҳам, нотанишга ҳам салом бериш, танишни ҳам, нотанишни ҳам ўрни келганда уйга таклиф этиб, бир пиёла чой, бошпана бериш фақат бизнинг миллатимизга хос бўлган гўзал одат эди, десак нотўғри гапирмаган бўламиз.

Таниш-нотанишга салом бериш, меҳмондўстлик кўрсатиш, асли инсон қадр-қимматини юқори қўйиш натижасида келиб чиққан одатдир.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Оилангизда катта ва кичиклар қандай саломлашадилар?
2. «Ассалому алайкум» ҳамда «Ваалайкум ассалом» деган сўзнинг маъносини айтиб беринг.



Ёзамиз

3. Матнни кўчириб ёзинг ва ажратилган гапни гап бўлаги юзасидан таҳлил қилинг.



Ўқиймиз

39-машқ. Матнни ўқиб, топшириқларни бажаринг.

Қариси бор уйнинг париси бор

Кексалар уйнинг файзи, хонадонларимиз кўркидир. Улар бор уйда барака бор. Уларнинг ҳамиша оила бошида туришлари, бизларни ҳар ишда қўллаб-қувватлаб, дуога қўл очишларининг ўзи катта бир давлатдир.





Оилаларимизнинг тинч-тотув бўлишида, оила аъзоларининг аҳил-иноқлик ила ҳаёт кечиришларида бобо ва момоларимизнинг ўрни ниҳоятда катта. Уларнинг борлигидан кўнглимиз тоғдай кўтарилади. Кексаларимизнинг айтган ҳар бир сўзи, панд-насихатлари аслида ҳаётий ҳақиқатлар, айтганлари эса катта ҳаётий тажрибанинг маҳсулидир. Улардан ибрат олмоқ бугун биз, ёшларнинг, бурчимиздир.

Юртимизга муносиб, баркамол ва етук бўлиб камол топишимиз эртанги кунимизга қўйилган пойдевор эканлиги тенгдошларимнинг қалбига нур бўлиб инмоғи керак. Айти кунда юрт ишқи билан ёниб яшаётган, кўнглига улкан умидларини туккан, эзгу мақсадлар йўлида ўқиб-ўрганаётган ҳар бир ўғил-қиз авлодларимиз, ота-боболаримиз босиб ўтган шарафли йўллардан ибрат олиши лозим. Бугун хонадонларимиз тўрида савлат тўкиб ўтирган, тилларида шукроналик, тиллари, диллари дуода бўлган пиру бадавлат отахон ва онахонларимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Ҳ. Ҳотамов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Матн мазмунини ёритувчи калит сўзлар (3-4та) топинг.
2. Калит сўзлар ёрдамида оддий режа тузинг.



Жуфтликда ишлаймиз

3. “Қариси бор уйнинг париси бор” деган гапни қандай тушунасиз? Жуфтликда муҳокама қилинг.



Гуруҳда ишлаймиз

4. Кексаларни ҳурматини нима учун жойига қўйишимиз керак?



Ёзамиз



Тақдимот

5. Гуруҳда муҳокама қилиб, тақдимот тайёрланг ва синф олдида ўз тақдимотларингизни ҳимоя қилинг.



4-дарс. ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

40-машқ. Матнни ўқиб сарлавҳа қўйинг, қўйдаги топшириқларни бажаринг.

Ўзбекларда болаларни тарбиялашда дастурхон атрофи энг қулай жой саналган. Бу ерда катталар ёшларга панд-насиҳатлар қилиб, нима яхши-ю, нима ёмонлигини уқтириб боришган. Бундан ташқари бизда миллий тарбия асрлар мобайнида диний тарбияга қўшиб олиб борилганлиги ҳам сир эмас. Ота-она насиҳатини бажармаслик катта гуноҳ ҳисобланган, шунинг учун болалар нима қилиб бўлса-да, уни бажаришга интилганлар. Ёшлар оқар сувни булғамасликни, дарахт ўтқазишни, нон-ошни тўкмай, исроф қилмай ейишни, жониворларга озор бермасликни ота-оналаридан ўрганишган.



Тарбияда ота-онага муносабат алоҳида ўрин тутган. Масалан, отага тик боқма (у қиблагоҳ), охиратинг қўйиб кетади; она – волида, уни рози қилиш керак, деб уқтириб борилган.

(«Тарбия сирлари»)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Оила аъзоларингиз билан биргаликда ўтиришни яхши кўрасизми, нега?
2. Катталарнинг панд-насиҳатини эшитиб, унга риоя қиласизми?



Ёзамиз

3. Матн ҳақида фикрингизни ёзма равишда баён этинг.
4. Матндаги тагига чизилган сўзларни сўз таркиби юзасидан таҳлил қилинг.



Муҳокама қиламиз

5. Матннинг услубини аниқланг.



Ўқиймиз

41-машқ. Матни ўқиб, қайта ҳикоя қилинг. Юқорида бажарган 38-машқ топшириқлари бўйича берган жавобларингиз билан солиштиринг.

Ҳа, азиз болажонлар, одобнинг боши – салом. Инсонлар бир-бирларини кўрганларида «Ассалому алайкум», дейишлари бежиз эмас.

Ассалому алайкум дегани, “Сизга соғлиқ-саломатлик, тинчлик тилайман!” дегани. Биз ҳам эрта тонгда уйқудан туриб, юз-қўлларимизни совунлаб ювиб, сочиққа артиниб келиб, аввал оиламиздаги катталарга: буви, буважонларга, ота-оналаримизга, ака, опаларимизга қўлимизни кўксимизга қўйиб салом берамиз.

Саломлашишнинг ҳам қоидалари бор: Хонага кирган киши биринчи бўлиб ўтирганларга “Ассалому алайкум!” деб салом беради.

Алик олувчи «Ваалайкум ассалом» деб жавоб қайтаради. Катта кишиларга ёшлар биринчи бўлиб ҳурмат билан салом берадилар.

«Ваалайкум ассалом» дегани “Сизга ҳам соғлиқ-саломатлик, тинчлик тилайман” дегани. Саломлашганда чеҳрангиздан нур таралсин.

Одобнинг боши – Ассалому алайкум. Кимда-ким биринчи бўлиб салом берса, унинг одобли инсон эканлиги билинади. Саломлашганда ҳушмуомалалик билан саломлашинг. Одамлар билан гаплашганда илиқлик билан, меҳрибонлик, ғамхўрлик билан гаплашинг.

Кўча-куйда, қўни-қўшниларни кўрганингизда, учраган нотаниш кишиларга, албатта, ўнг қўлни кўксингизга қўйиб, олдинга сал эгилган ҳолда тавозе билан саломлашинг.

Ҳар кун тонгда тураман,
Дилдан қувнаб юраман.
Қуёш, майса ўтлоқда,
Яйраб десам Ассалом,
Завқ оламан бир олам...

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Берилган сарлавҳалардан бирини танлаб, матн тузинг.
«Одоб саломдан бошланади», «Одобнинг боши – салом», «Салом бермоқ ҳам қарз, ҳам фарз»
2. Матн ва шеърдаги қўшимчаларга диққат қилинг ва тартибини шарҳланг.
3. Қўйидаги мақоллар билан танишиб, маъносини англанг ва бир-бирингизга ту-



шунтиринг: *Яхшилардан ибрат ол. Ёмонлардан йироқ бўл. Ўзинг яхши – олам яхши.*



Билиб олинг!

Ўрганиш учун олинган турли нарса, воқеа-ҳодисалар мажмуаси *тўплам* дейилади. Тўпламни ўхшаш ва фарқли томонлари асосида ички гуруҳларга, турларга ажратишга *тасниф* дейилади.



Ўқиймиз



Ёзамиз

42-машқ. Матнни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

Бир олимнинг уч ўғли бор экан. Олим уларни ўқитиб вояга етказибди. Уч-ласи ҳам илмли бўлиб етишибди.

Бир куни отаси ўғилларини имтиҳон қилмоқчи бўлибди. У катта оқ қоғозни олиб, четига бир томчи сиёҳ томизибди ва ўғилларига кўрсатиб:

– Бу нима? – деб сўрабди.

– Доғ, – дебди катта ўғли.

– Сиёҳдоннинг доғи, – дебди ўртанча ўғил.

– Сиёҳ, – дебди учинчи ўғил.

– Уларнинг жавобини эшитган ота бирдан йиғлаб юборибди. Ўғиллар ҳайрон бўлиб отасидан йиғи сабабини сўрашибди. Шунда ота:

– Сизларни олим қилибман-у, одам қилолмабман. Учалангиз бир четдаги кичкина доғни кўрдингиз-у, катта оқ варақни кўрмадингиз, – деб жавоб берибди.

(Тарбия китобидан)



Оламга яхшилик кўзи билан боққан инсонгина ундаги гўзалликларни илғай олади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Сўзлаймиз

1. Инсонни сифатловчи сўзларни топиб, “Кластер” усули асосида изоҳланг.



Мулоқот

2. Матн асосида синфдошингиз билан диалог тузинг.



5-дарс. КАТТАГА ҲУРМАТ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗ



Ўқиймиз

43-машқ. Матнни кўз югуртириб ўқинг ва сарлавҳа қўйинг.

– Бир неча йил аввал шифохонада даволандим. Мен билан бир хонада қария отахон ҳам даволанди. Бир-биримиздан кўнгил сўрашиб, анча қадрдон бўлиб қолдик. Отахоннинг тўрт нафар фарзанди бор экан. Лекин улардан ҳеч бири отахондан хабар олмади. Отахон кетадиган куни ўғилларидан бирига телефон қилдилар:

– Ўғлим, мен тузалдим, олиб кетмайсизларми?

Кўнглимдан бир нима сидирилгандек бўлди. Отахон фарзанд кўрганида қанчалар қувонган, элга ош берган, халқ дуосини олган. Фарзандим қариганимда белимга қувват бўлади, деб хурсанд бўлган. Фарзандларининг ҳар бир ютуғидан кўнгли тоғдек кўтарилган. «Ўғлим» деб кўксини керган. Фарзанди учун ҳамма нарсага, ҳаттоки жонини қурбон қилишга ҳам тайёр бўлган. Кексайганимда кўзимга нур, белимга қувват, кўлимга қанот бўлади деб ниёт қилган. Афсуски, тошмехр фарзандлар ўзлари билан овора, ўз отасига вақт ажратиш хаёлида йўқ: биттаси фирма иши билан чет элда бўлса, иккинчиси данғиллама ҳовли қуриш билан овора, яна бири бирини икки қилиш пайида, эртаю кеч савдода, бошқаси эса тўйга тайёргарлик билан банд...

Лекин... шифохонада яна бир отахонни кўрдим. Биргина ўғли бор экан. Ишидан рухсат олиб, эртаю кеч қимирламай, отасининг хизматида бўлди. Отахон тинмай ўғлининг ҳаққига дуо қилади:

– Илоҳим фарзандларингдан қайтсин, фарзандларингнинг роҳатини кўр, Аллоҳ рози бўлсин!

(Эсдаликлардан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Матн мазмунини гуруҳда муҳокама қилинг. “*Ақлий ҳужум*”. Ўз оталарини шифохонада унутган фарзандларга нима деган бўлардингиз?



Ёзамиз

2. Ўз қарашларингизни ёзма равишда баён этинг.
3. Матндан мустақил сўз туркумларини аниқланг ва изоҳ беринг.



4. Матндан қайси сўроққа жавоб бўлишига кўра сўзларни танлаб жадвалга жойлаштиринг.

Ким?	Нима?	Қандай?	Неча? Қанчаси?	Қайси?	Нима қилмоқ?



1. Мустақил сўзлар.
2. Ёрдамчи сўзлар.



Билиб олинг!

Маълум бир сўроққа жавоб бўлиб, бирор гап бўлаги вазифасида келадиган сўзлар мустақил сўзлар саналади: феъл, от, сифат, сон, олмош ва равишлар мустақил сўзлардир.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

44-машқ. Матни ўқинг, унга сарлавҳа қўйиб кўчиринг.

Ташқи гўзаллик бу шаклдир, ҳодисадир. Ички гўзаллик эса мазмундир, моҳиятдир. Табиат ва жамиятда, инсон тафаккурида ва бутун жабҳада мазмун шакли, моҳият эса ҳодисани белгилашлигини унутмаслик керак. Шарқ халқларининг тушунчаси бўйича ҳақиқий гўзаллик меҳнатда, ширинсуханликда, ички, кенг маънавий бойликда, одобли ва ахлоқли бўлишдадир.

Албатта, миллий маданиятни ва тарбияни мутлақо ўзгармай турадиган нарса деб тушуниш ярамайди. Макон ва замондаги барча ўзгаришлар тарбияга, умуман, маданиятга ҳам тааллуқлидир. Аммо бунда миллий ўлчовни унутмаслик керак...



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Матнни ўқиб, мазмуни бўйича ўзингизнинг шахсий фикрингизни ёзма баён этинг.
2. Матндан **Нима? Нима қилди?** сўроғига жавоб бўлган сўзларни топинг ва шарҳланг.



Ўқиймиз

45-машқ. Берилган матнни ўқинг.

Қуш ини

Бир куни эрталаб қариб қолган икки қуш инларидан учиб чиқа олмасликларига кўзлари етибди. Емиш топа олмай, тезда кунлари битишини билиб, инни тарк этмай, биргаликда ҳаётдан кўз юмишга қарор қилишибди. Лекин шу ердан учиб ўтиб кетаётган уларнинг бир боласи ота-онасини кўриб ёнларига келибди. Аҳволни билиб бошқа ака-сингилларига хабар бериш учун учиб кетибди. Тез орада икки қушнинг ҳамма болалари бирин-кетин учиб кела бошлабди. Уларнинг ҳар бири тумшуғида ота-онаси учун егулик олиб келибди. Болалари олиб келган овқатларни еб икки қуш анча қувватга кирибди, лекин барибир уча олишмабди. Шундай қилиб, икки қушнинг болалари энди полапонлари қаторида ота-оналарини ҳам боқа бошлабди. Бунинг учун улар энди кўпроқ учишлари ва кўпроқ егулик топишга ҳаракат қилишлари керак эди. Улар тонгдан то шомгача тинишмас ва қаттиқ чарчашар, лекин ота-онасини ташлаб қўйишга кўзлари қиймас эди.

Бир куни қушлардан бирининг полапонлари учирма бўлди ва отасига эргашиб қари қушларнинг уясига учиб келди. Отасининг уларга овқат бераётганини кўриб:

– Булар кимлар? Нега уларга овқат бeryапсиз? – деб сўрабди. Дадаси:

– Булар менинг отам ва онам. Мен ҳам сен каби кичиклигимда улар мени худди шундай боқишган, – дебди.



Эй фарзанд, донишмандлар “қуш инида кўрганини қилади”, дейишган. Сен ота-онангга қандай муносабатда бўлсанг, хатти-ҳаракатингни кузатиб турган фарзандинг эртага худди шу муомалани сенга қайтаради.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Калит сўз ёки сўз бирикмаларини (3-4та) топинг, уларга таянган ҳолда матннинг асосий фикрини аниқланг.
2. Матннинг услуби ва типини аниқланг.
3. Матн таркибидан иш-ҳаракатни билдирувчи сўзларни топинг, сўроқ беринг, изоҳланг.



Ёдга туширамиз!

Феъллардан англашилган ҳаракат ва ҳолат маълум шахс ёки нарса томонидан бажарилади. Ана шу шахс ёки нарса ҳаракатнинг бажарувчиси саналади.



Билиб олинг!

Нима қилди?, нима қиляпти?, нима қилади?, нима қилмоқчи? каби сўроқларга жавоб бўлиб, шахс ёки нарса-буюмларнинг ҳаракат, ҳолатини ифодалаган сўзлар туркуми феъл дейилади.



6-дарс. БАРҚАМОЛ ФАРЗАНД – ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

46-машқ. Матнни ўқинг ва олдинги матнга боғлиқлигини аниқланг.

Боғда ёнғоқ, шафтоли ва олма дарахтлари ёнма-ён ўсишар эди. Ёшгина шафтоли дарахти ёнғоқ дарахтига қараб ўзича:

– Нега унинг мевалари меникидан кўп бўлиши керак экан? Менинг ундан қаерим кам? – деб ҳасад қилибди. Унинг гапларини эшитиб турган қари олма дарахти эса:

– Сен бировга ҳасад қилма, ўз ишингни бил, ёнғоқ – танаси пишиқ дарахт, бунинг устига у бизга қараганда анча бақувват, – дебди.

Лекин шафтоли унинг гапларига қулоқ солмабди. Баҳор келганда ҳамма шохлари ғуж-ғуж гуллабди. Гуллар тўкилиб, тез орада мева тугибди. Энди шафтоли ҳам меваларининг кўплиги билан фахрланибди.

Орадан кунлар ўтиб, мевалар сув олиб етила бошлабди. Шафтолининг кундан кунга шохлари ерга эгилиб борибди. Олма дарахтининг унга раҳми келиб, шохларининг бир қисмини устига олибди.

Бир куни шафтолининг катта шохи меваларининг оғирлигини кўтара олмай, синиб кетибди. Пишиб етилмаган шафтолилар ерга тўкилибди. Шафтоли уларни сақлаб қололмаганига ачиниб йиғлабди. Шунда олма уни юпатиб:

– Йиғлама, ҳали ёшсан, яна шохларинг ўсиб чиқади. Бу эса сенга дарс бўлди, – дебди.



Эй фарзанд, ёшлар катталарнинг насиҳатларига қулоқ солмаса, мана шундай аҳволга тушиб қолишлари ҳеч гап эмас.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Матнни ўқиб сарлавҳа қўйинг. Мазмунини айтиб беринг.



гуруҳда қилинғ, матнга сарлавҳа қўйинг. Асосий ғоясини аниқланг. Хулоса чиқаринг.



Ёзамиз

Матндан шахс-сон қўшимчалари билан тусланган сўзларни топиб, кўчиринг.



Билиб олинг!

Феъллар нимани атаб келишига кўра, ҳаракат феъллари ва ҳолат феълларига бўлинади.

Шахс ва нарсаларнинг жисмоний фаолияти натижасида рўй берган ҳаракатни билдирувчи феъллар *ҳаракат феъллари* саналади. Шахсларнинг ички кечинмалари нарсаларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш жараёнини ифодаловчи феъллар эса *ҳолат феъллари* ҳисобланади.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

47- машқ.



Матнолди топшириқлар. Матн сарлавҳасига кўра унинг мазмуни

нима ҳақда эканлигини тахминлаб кўринг.

Боғбон ва ниҳол

Қадим замонда бир боғбон бўлган экан. Унинг якка-ю ягона фарзанди бўлиб, жуда тантиқ экан. Боғбон боласига танбеҳ берса, онаси ўртага тушиб: “Қўяверинг, катта бўлса, эси кириб қолади”, дер экан.

Боғбон хотинининг гапи хато эканини тушунтириш учун шундай йўл тутибди: боққа иккита бир хил мевали дарахт ниҳолини ёнма-ён экибди. Уларни бир вақтда суғориб, бир хил ўғит солиб парваришлабди. Лекин ниҳоллардан бирининг ортиқча шохларини кесиб, иккинчисига эса умуман тегмабди.

Орадан уч йил ўтибди, ниҳоллар дарахтга айланиб, мева берадиган пайти келибди. Шохлари кесиб турилган ниҳол баланд ва чиройли дарахт бўлиб, мевалари ҳам кўп экан. Қайчи тегмаган ниҳолнинг шохлари эса ҳар томонга тарвақайлаб, қийшиқ бир дарахт бўлибди. Бир-икки меваси эса майдалигидан кўзга ташланмас экан.

Боғбон хотинини чақириб, дарахтларни кўрсатибди ва тушунтирибди: “Мана бу дарахтнинг ортиқча шохларини кесиб турганим учун бутун кучи асосий шохларига бориб, серҳосил бўлди. Буниси эса ўз ҳолига ташлаб қўйганим учун мева бермайдиган, фойдасиз дарахт бўлди. Унинг ортиқча шохларини энди кесган билан фойдаси кам. Тўғри парваришни ниҳоллигида қилиш керак эди”.





Эй фарзанд, ота-онангининг сенга берган танбеҳлари худди ниҳолнинг ортиқча шохларини кесиб ташлаганга ўхшайди. Шунда сен вақтингни бефойда нарсаларга сарфламай, керакли илм ва ҳунар ўргансанг, келажакда жамиятга фойдали одам бўлиб етишасан.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Матннинг типини аниқланг.
2. Матнда қандай муаммо кўтарилган?
3. Нима учун дарахт парваришини ниҳоллигида қилиш керак? Ушбу мисолнинг тарбияга қандай алоқаси бор деб ўйлайсиз?
4. Тантиқлик, эркаликнинг болага қандай зиёни бор?
5. Одобли болага хос фазилатларни атанг.



Ёзамиз

6. Энг сўнгги жумлани кўчириб ёзинг ва шарҳланг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

48-машқ. Матнни ўқинг.

Ростгўйлик

Қадим замонда бир кичкина бола ўғирлик қилибди. Унинг ёшлигини инобатга олиб жазо беришмабди, лекин шаҳар қозисининг олдига олиб келиб, болага насиҳат қилиб қўйишни сўрашибди. Қози бола билан узоқ гаплашибди, аммо суҳбат пайтида бирор марта ҳам унинг қилган ўғрилиги ҳақида гапирмабди. Гурунг охирида қози болага насиҳат қилибди, болакай эса ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка ваъда берибди. Қозининг олдидан чиққач, бола жазодан қутулиб қолганига хурсанд бўлибди.

Орадан бир неча кун ўтибди, болада яна ўғрилик қилиш истаги пайдо бўлибди ва бозорга йўл олибди. Дарвоза олдида тасодифан ҳалиги қозини учратиб қолибди. У бозор қилиб қайтаётган экан. Қози ундан ҳол-аҳвол сўраб, нима иш билан юрганини суриштирибди. Бола эса:

– Уйга у-бу харид қилиш учун келдим, – дебди. Қози бозордан чиқиб кетибди, аммо бола унинг “Қўрқоқларгина ёлғон гапиришади, сен мард болага ўхшайсан, шунинг учун ёлғон гапирма”, деганини эслабди ва қўрқиб ёлғон гапириб юборган.



ни учун ўзидан жаҳли чиқибди. Энди қўрқоқ эмаслигини ўзига исботлаш учун у-бу харид қилиб уйига қайтибди.

Эртасига яна ўғирлик ниятида уйдан чиқаётганда ойиси:

– Қаёққа кетяпсан? – деб сўрабди. Бола эса:

– Шунчаки айланиб келаман, – дебди. Берган ваъдаси яна эсига тушиб, шунчаки кўчани айланиб қайтибди.

Шундай қилиб, орадан кунлар ўтибди. Бола авваллари ёлғон ҳам гапирарди, ўғирлик ҳам қиларди. Энди эса ёлғон гапирмаслик уни ўғирлик қилишдан тўсибди.



Эй фарзанд, агар қилаётган ишингни одамларга айтишдан уялсанг, унда уларга айтаётган ишларни қил.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

Топшириқ. Берилган мақол ва сўзлардан фойдаланиб эссени яқунланг.

Ёлғончилик ва ўғирлик бу –

Халқимизда бор.

Матнни ўқиб,тушуниб етдим.

Дунёда қадрини англаб яшамоқ керак.

Хулоса қилиб айтганда

асрайлик, орттирайлик, кўпригини мустаҳкамлайлик.

Фойдали иборалар: жиноятга бошловчи йўл, ёлғончиликнинг оқибати, ростгўйлик ва ҳалоллик, мардлик ва эркинлик, қозининг тадбиркорлиги ва донолиги, тақдиринг ўз кўлингда.



7-дарс. МИЛЛИЙ БАҲАРАРЛИК – АСЛ МАҚСАДИМИЗ



Ўқиймиз

49-машқ. Матнни ўқинг ва хулоса чиқаринг.

Китоб ўқиш руҳни соғайтиради

Китоб ўқиш инсоннинг фикрлаш қобилиятини ошириши ҳамда хотирага ижобий таъсир кўрсатиши олдиндан маълум. Демак, сўз ва китоб инсон соғлиғи учун ҳам муҳим воситалардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.

Сўз инсонга берилган улуғ неъматлардан бири бўлиб, у орқали инсон фикрлари жамланиб, китобларда муҳрланади ва халқ мулкига айланади. Демак, оламнинг етти мўъжизаларидан бири саналган китоб инсоннинг энг бебаҳо мулкларидан биридир.



“Бешикдан то қабргача илм изла!” дейилади ҳадисларда. Улуғ аجدодларимиз бу ҳикматга қатъий амал қилиб, китобни ҳар қандай бойликдан устун қўйганлар. Узоққа бормайлик, қомусий олим, буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино ҳаёти билан боғлиқ бир воқеани ҳаммамиз яхши биламиз, яъни нақл қилишларича, улуғ бобокалонимиз йигирма ёшида Бухоро ҳукмдори Нух ибн Мансурни оғир хасталикдан даволаб, оёққа турғизгач, ҳукмдор ундан: “Тила тилагингни!” деб сўраган. Бўлғуси аллома: “Ҳукмдорим, менга ҳеч қандай бойликнинг кераги йўқ, сарой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат берсангиз, бас”, – деган экан.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Матнни ўқинг ва мазмунига диққат қилинг.
2. Алломанинг жавобини шарҳланг.
3. Матн тури ва типи, жанрини аниқланг.
4. Матн мазмунига таяниб, интервью учун саволлар тайёрланг ҳамда синфдошларингиздан суҳбат олинг.
5. Матндаги феъл сўз туркумларини аниқлаб, гаптаги вазифасини тушунтиринг.



Билиб олинг!

Феълдан англашилган ҳаракат ва ҳолат билан унинг бажарувчиси ва предмети орасидаги муносабатлар *феъл нисбатлари* дейилади.

Ҳаракат, ҳолат билан уни бажарувчи (субъект) ва предмет (объект) орасидаги муносабатлар ҳар хил. Масалан, феълдан англашилган ҳаракат предметга ўтади: *Болалар китобни ўқиди*, предметга ўтмай субъектнинг (эга) ўзига қолади: *Болалар ювинди*; ҳаракат бажарувчиси ноаниқ бўлади: *Китоб ўқилди*, ҳаракат бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилади: *Болалар баҳслашди*, ҳаракат бошқа шахсларнинг таъсирида бажарилади: *Ўқитувчи болаларга китоб ўқитди* каби шаклларда юзага келади.

Феъл нисбатлари бешта: 1) *аниқ нисбат*, 2) *ўзлик нисбати*, 3) *мажҳул нисбат*, 4) *биргалик нисбати*, 5) *орттирма нисбат*.



Ўқиймиз



Ёзамиз

50-машқ. Матнини ўқиб, кўчириб ёзинг ҳамда мулоҳаза юритинг.

Китоб – буюкликка элтувчи муҳим восита



Мамлақати зиёли, олиму дониш бўлган халқ буюкликка ҳақлидир. Буюк келажакни эса соғлом авлод яратади.

Фойдали машғулотлардан бири яхши китоблар ўқиб, ундан баҳра олишдир. Шифокорларнинг айтишича, ҳатто бемор кўп мутолаа қилса, китобдаги жасур қаҳрамонлар билан бирга дардини унутади, асабига дам беради ва энг муҳими, асар қаҳрамони сингари нафақат дардга, балки ўткинчи қийинчиликларга ҳам сабрли

бўлишни ўрганади. Янада муҳимроғини мутахассислар қайта-қайта таъкидлаб айтишмоқдаки, китоб руҳни соғломлаштиради. Шу боис ҳам, у ҳамманинг энг яхши йўлдоши, дўстидир. Чунки яхши китоб хиёнатни, алдашни билмайди, ҳаётда фозил устоз сингари яхшилардан сабоқ олишга чақиради.

Биз тарихан китобни қадрлаган, уни боламиз бешигида ҳам сақлаган халқмиз. Шундай экан, уни кўзимизга суртамиз ва фарзандларимизни ҳам китоб билан вояга етишларини тилаймиз.

Н. Аҳмадалиева



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

Матнни ўқиб қандай хулоса чиқардингиз?



Гуруҳда ишлаймиз

1. Интернет билан китоб орасида қандай фарқ ва афзалликлар бор? Ўйлаб кўринг ва тақдимот тайёрланг.
2. Матндаги феъл нисбатларини аниқланг, изоҳ беринг.



Билиб олинг!

Аниқ нисбат. Бу нисбат эга томонидан бажарилиши аниқ бўлган ҳаракат ва ҳолатни билдиради. Аниқ нисбатни ҳосил қилувчи қўшимча йўқ. У феълнинг негизи орқали ифодаланади. Феълнинг бундай қурилиши фаол қўлланилади: **ёзди, ухлади** каби.



Ўқиймиз

51-машқ.

Ҳунарда ҳалол насиба бор

Мансуржон ота-бобосининг касби – ёғоч ўймакорлигининг сир-асрорларини Мурод бобосидан кунт билан ўрганди.

Яқинда биз ҳам Мурод отанинг устахонасида бўлдик. Эғнида иш кийими ўзига ярашиб турган Мансуржоннинг ишларини кузатдик. Унинг бутун диққат-эътибори навбатдаги буюртмани ниҳоясига етказишга қаратилганди. Устахона саҳни саранжом-саришта, тоқчаларга зарур асбоб-ускуна ва ҳунармандчилик буюмлари





тартиб билан терилган. Ўртада ёнғоқ дарахти бир неча бўлакларга ажратилиб, рандалаб чиқилган. Тайёр буюмларни кўрганингизда ёғоч ўймакорлигининг барча машаққатларини ҳис қилавермайсиз. Аслида бу жуда нозик, ўта эътибор талаб ишдир. Ҳунармандчиликнинг бу тури билан шуғулланувчи ҳам рассом, ҳам уста бўлиши керак. Замонавийлик ва қадимийлик уйғунлашиб ажиб манзара касб этган бежирим буюмларни кузата туриб, забардаст қўлларга тасаннолар айтасиз. – Ҳунар хонадон тўкинчилигини таъминлайди, – дейди Мансуржон. – Ҳунармандчилик буюмлари қадр-қимматини ҳеч қачон йўқотмайди. Қалб қўри билан яратилган бу санъат асарлари умрбоқийдир.

А. Саидов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Матнда ифодаланган ҳунар тури сизга танишми?
2. Сиз қандай ҳунар турига қизиқасиз? Отангиз қайси касб эгаси, сизга отангиз касби ёқадими, нима учун?



Ёзамиз

1. Матндаги аниқ нисбат феълларини топиб, изоҳ беринг, тагига чизинг.
2. Феъл – сўз туркумини шарҳланг.

Феъл сўз туркумини таҳлил қилиш тартиби

1. Феълларни топинг ва уларнинг сўроқларини аниқланг.
2. Феъл шаклларини топинг.
3. Ўтимли ва ўтимсиз феълларни аниқланг.
4. Бўлишли ва бўлишсиз феълларни топинг.
5. Феълларнинг замонларини аниқланг.
6. Феъл нисбатларини топинг.
7. Феъл майлларини аниқланг.
8. Феълнинг гапдаги қайси сўз билан боғланишини аниқланг.

Таҳлил намунаси

Ўқувчилар берилган топшириқларни аниқ, пухта бажардилар.

1. Ушбу гап грамматик шаклланган, нисбий тугалланган оҳангда ўқилади ва хабар мазмунини билдиради.

2. Содда ёйиқ гап.

3. **Бажардилар – феъл**, нима қилдилар? сўроғига жавоб бўлади; бош шакли *бажармоқ*, *бажар* – ўзак; *-ди* – замон қўшимчаси, *-лар* III шахс кўплик қўшимчаси; содда феъл-кесим, аниқ нисбатда, бўлишли, ўтимли, ўтган замон феъли. Гапда эга вазифасида келган **Ўқувчилар** сўзи билан боғланиб, кесим вазифасини бажаради (**Ўқувчилар бажардилар**) ҳамда иш-ҳаракатнинг бажарилиш белгисини билдирган **аниқ**, **пухта** – *қандай?* сўроғига жавоб бўлиб, ҳол вазифасида келган равиш сўз туркумига оид сўзлар билан боғланган.



8-дарс. УСТОЗНИ ОТАДЕК УЛУҒЛАШ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗ БЕЛГИСИ



Ўқиймиз

52-машқ. Матнни ўқиб сарлавҳа қўйинг, қуйидаги топшириқларни бажаринг.

Устоз. Ким бўлишидан қатъий назар, бу сўзни эшитганимизда қўнглимиздан фақат илиқ туйғулар, ёрқин хотиралар ўтади. Кўз ўнгимизда қўлимизга қалам тутқазиб, илм оламига етаклаган биринчи устоз – муаллим гавдаланади. Шунингдек, қалбимизда унутилмас из қолдирган қадрдон мактабимиз ва унинг қучоғида кечган беғубор йилларимизни, бизга таълим берган, инсонийлик фазилатларини ўргатган меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимизни ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз.



«Устоз – отангдек улуғ», деган мақол бежиз айтилмаган. Бунда бир олам маъно бор, яъни, ота-она фарзандни дунёга келтириб, едириб-кийдирса, уни камолга етказадиган, етук инсон қиладиган бу – устоздир! Шу боис, касблар ичида энг хайрлиси, энг гўзали илм ўргатиш, тарбия этиш орқали инсонга яшамок мазмунини англантишдир. Бу эса устоз-муаллимларга насиб этган бахтдир. Ўқитувчилик ва мураббийлик касбининг қанчалик шарафли ва машаққатли эканлиги барчамизга аён. Ёшларнинг келажақда ҳар томонлама етук, баркамол бўлишларида, айнан, шу касб эгаларининг хизматлари ниҳоятда катта. Айниқса, дунё шиддат билан ривожланиб, навқирон авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора авж олиб бораётган бугунги кунда устоз-мураббийлар тутган мавқени бирон бир мезон билан ўлчаш мушкул. Шунинг учун уларни эъзозлаш, меҳнатини қадрлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

М. Абдуллаева



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз Муҳокама қиламиз

Нима учун “Устоз – отангдек улуғ” дейилади? Биргаликда фикрларингизни баён этинг.



Якка тартибда ишлаймиз

Сиз синф раҳбарингизни нима учун ҳурмат қиласиз ва эъзозлайсиз?



Ёзамиз

1. Матндан ўзлик нисбатли гапларни кўчириб ёзинг.
2. Феълнинг яна қандай нисбат шаклларини биласиз? Жавоб беринг.

III бўлим ДУНЁНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ



Дунёда сонлар билан боғлиқ турли афсоналар юради.
Кўпгина халқларда эса 7 сони хосиятли рақам ҳисобланади.
Аслида бу ҳеч нарсани ҳал қилмаса-да ва ҳеч қандай илоҳий
мантиққа эга бўлмаса-да, ҳаётда шу сон билан боғлиқ бир қанча
ажойиботлар мавжуд.

7 кун, 7 мўъжиза, 7 хазина, 7 авлод, 7 иқлим, 7 ранг, 7 сайёра,
7 денгиз, 7 фарз...



1-дарс. БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА – МИСР ПИРАМИДАЛАРИ. ЭҲРОМЛАРНИНГ ЭНГ ЮКСАГИ – ФИРЪАВН ХУФУ (ХЕОПС) ПИРАМИДАСИ



Матнолди топшириқлар.

Қуйидаги ҳавола бўйича видеосаёҳат уюштиринг.

https://www.youtube.com/watch?v=F1hinc9xl_w



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

53-машқ. Матни ўқинг, топшириқларни бажаринг.

Қадимги мисрликлар Ўрта ер денгизи атрофидаги мамлакатларда бунёд этилган ва ўз салобати, гўзаллиги билан ўша замон одамларини ҳайратга солган иншоотлардан етти тасини “Дунёнинг етти мўъжизаси” деб атаганлар. Миср эҳромлари дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланади. Миср пирамидалари эски ва ўрта даврларда Миср фиръавнлари қабрлари устига қурилган обидалардир. Ўрта ва Жанубий Америкада Майялар, Ацтеклар ва Инкалар томонидан ўхшаш бинолар қурилган бўлса-да, ҳақиқий эҳромлар Мисрда. Шу сабабли Миср – Эҳромлар ўлкаси деб аталади.



Юнончадан “pyramis” сўзидан келиб чиққан пирамида, асосан, тош ёки ғиштдан бино этилган. Тўртбурчак асосида тепага қараб йўналган учлар энг тепада учбурчак шаклида бирлашган.

XIII асрда яшаган сайёҳлардан бири бу эҳромларни кўриб: «Дунёда ҳеч бир нарса вақтга дош беролмайди, лекин бу эҳромлардан вақт ҳам ҳайиқади», – деган эди. Чиндан ҳам бу улкан сағаналар бугунги кунда ҳам худди қадимгидай салобат билан турибди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матн асосида дунёвий мўъжизалар ҳақида жуфтликда муҳокама қилинг.
2. Ўзингиз яна қандай мўъжизалар ҳақида биласиз, фикрингиз билан ўртоқлашинг.



Ёзамиз

3. Берилган матндаги феълларни топиб, нисбатини аниқланг, гапдаги вазифасига кўра тагига чизинг.



Билиб олинг!

Мажҳул нисбат. Ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ бўлади. Масалан, **Китоб ўқилди** гапида китоб сўзи эга шаклида келган, ҳаракатнинг бажарувчиси эса ноаниқ.

Мажҳул нисбат ҳам феъл негизига **-н (-ин), -л (-ил)** қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади: уй **кўринди**, сим **уланди**, хат **ёзилди** каби.



Ёдда сақланг!

Ўзлик ва мажҳул нисбатлар айнан бир хил қўшимчалар билан шаклланган бўлиб, феълнинг қайси нисбатда эканлиги гапнинг мазмунидан англашилади. Агар ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бўлса, ўзлик нисбати: **Рустам ювинди**, ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ бўлса, мажҳул нисбат: **кийим ювилди** бўлади. Мажҳул нисбат ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради: **кий-ўтимли**, **кийин-ўтимсиз**.



Ўқиймиз

54-машқ. Матнни ўрганиб чиқинг, топшириқларни бажаринг.

Эҳромларнинг энг юксаги **фиръавн Хуфу (Хеопс)** пирамидасидир. Унинг баландлиги 147 метр, бундан қарийб 5 минг йил илгари, яъни милоддан аввалги XXVIII асрда қурилган.

Хуфу эҳромининг ҳар бир томони 233 метрга тенг, атрофини бир марта айланиб чиқиш учун бир километрга яқин йўл босиш керак.

Пирамида кимнинг номига қурилган бўлса, унинг мумиёси турган хонага йилига 2 марта қуёш киради.



Ҳар бири 20 тонна оғирликдаги тошлардан бино этилган.

Пирамида ичида сут бир неча кун бузилмайди ва бузилмасдан қатиқ ҳолига келади.

Мумиёларда радиоактив модда бўлганлиги сабабли мумиёларни биринчи бор топган 12 олим рақдан вафот этган.

Пирамида ичида қолган сувни 5 ҳафта тургандан кейин юз лосьони сифатида ишлатиш мумкин.

Ифлос сув пирамида ичида бир неча кун қолса, уни тозаланган ҳолда кўриш мумкин.

Яралар, вужуддаги куйган ерлар пирамида ичида тез тuzалади.

Ўсимликлар пирамида ичида жуда ҳам тез ўсади.

Овқат қолдиқлари ҳеч бузилмасдан пирамида ичида мумиёлашади.

Пирамида ичи ёзда совуқ, қишда иссиқ бўлади.



Д. Тожалиев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Матнда гап нима ҳақида кетаётганлигини ўз мулоҳазаларингиз билан айтинг.
2. Дунё мўъжизалари ҳақида билиш нима учун керак, деб ўйлайсиз?
3. Пирамиданинг баландлиги, ҳажмига эътибор бердингизми? У ҳақда нима дея оласиз?



Ёзамиз

Матндаги феъл сўз туркумларини топинг ва изоҳ беринг.

2-дарс. ЕТТИ «МУЪЖИЗА»НИНГ ИККИНЧИСИ – СЕМИРАМИДАНИНГ САМОВИЙ БОҒЛАРИ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

55-машқ.



Матнолди саволлар ва топшириқлар.

Расмни диққат билан кузатинг, ҳеч бир тафсилотлари назарингиздан четда қолмасин.



Бу боғлар қадимги Шарқнинг энг катта ва бадавлат шаҳари – Бобилда (ҳозирги Ироқ давлати ҳудудида) бўлган. Самовий боғларнинг яратилиши ривоятларда аёл подшо Семирамида (Шаммурамат) номи билан боғланади.

Аслида эса улар подшо Навуходносор фармойиши билан милoddан аввалги VI асрда бунёд этилган. Подшо ўз саройини баланд сунъий майдон устига қурган. Майдонга қават-қават айвонлар орқали чиқишган. Ҳар бир қават айлана-қубба шаклида бажарилиб, уларни баланд тош устун тутиб турган.

Бу боғларни суғориш учун сувни Фрот дарёсидан олишганлар. Сувни тепага кўтариб берадиган чарм идишлар ўрнатишган, улкан чархпалакни юзлаб қуллар кечаю кундуз айлантириб туришган. Бобилдаги самовий боғлар шу даражада гўзал эдики, уни етти иқлимда йўқ «**Боғи Эрам**» деб мадҳ этишар эди. Афсус, ҳозирги замон сайёҳлари бу боғларни кўра олмайдилар. Фрот дарёсининг даҳшатли сув тошқини уни вайронага айлантирди. Ҳозир у боғлар ўрнида минорача айвонларнинг харобалари қолган, холос.

Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Матннинг мазмунидан хулоса чиқаринг. Қадимдаги аجدодларимиз ҳам ана шундай ижодкорликка, меъморчилик билимига эга бўлганлар...
2. Нима учун ҳозирги сайёҳларимиз бу санъат намунасини кўра олмайдилар?



Жуфтликда ишлаймиз

3. Ўтмишдан сақланган ёдгорликларни асраш кимнинг вазифаси? Ўйланиб, биргаликда жавоб беринг.



Ёзамиз

4. Матндан биргалик нисбат феълларини топинг ва гапдаги вазифасини аниқланг.



Билиб олинг!

Биргалик нисбати. Бу нисбат ҳаракатнинг бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилишини билдиради.

Биргалик нисбати **-ш (-иш), -лаш** қўшимчалари билан ясалади: **боришди, келишди, гаплашди, суҳбатлашди.**



Ёдда сақланг!

Биргалик нисбатидаги феъллар қуйидаги маъноларни англатади:

1. Ҳаракатни бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилишини. Бундай гапларда эга кўпинча кўплик шаклида бўлади.

Масалан: Нормуродга қарашли бошқарма ходимлари эса уни ваҳимали бир сукут билан кутиб олишди. (О.Ё).

2. Кўмаклашиш маъносини билдиради: *Ўктам укасининг ишига ёрдамлашди.*

3. Ҳаракатнинг галма-гал бажарилишини. *Обидов билан Латофат баравар ўғирилиб қарашди. (О.Ё).*

4. Биргалик нисбатнинг қўшимчалари феъл негизига икки марта қўшилиши мумкин. *Сўрашишди, кўришишди, баҳслашишди, гаплашишди* каби.



Ўқиймиз

56-машқ. Матнни ўқинг, топшириқларни бажаринг.

Бугун озод ва обод юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, ҳатто, олис гўшалари ҳам бетакрор кўрку таровати билан кишини ўзига мафтун этиб, қалбларда гурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда. Бу қайси мўъжизадан кам...

Кўклам сепини ёйган айни баҳор пайтларида табиат қўйнига сайру саёҳатга чиқсангиз, юртимизнинг нақадар гўзал ва мафтункор эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ер шарининг энг кўркам жойларидан бири Ақмўла вилоятининг ҳудудида «Бурабай» миллий давлат табиий оромгоҳи фикримизнинг далилидир. Бу оромгоҳда минглаб катталар ва болалар дам оладилар.



“Дарё сувини баҳор тоширар”, деганлари рост экан. Баҳор кунларида ҳудуддаги барча сой ирмоқлари тўлиб-тошиб оқмоққа бошлайди. Улар дарё ўзанларига келиб қўшилгунига қадар, кўплаб шаршаралар пайдо қилганки, ҳар бирини ҳеч иккиланмасдан “табиат мўъжизалари”, деб аташ мумкин.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матнни ўқиб, расмларни кузатинг. “Мўъжизага бой – она юртим менинг” мавзусида эссе ёзинг.
2. Эссе ёзиш жараёнида кузатишларингиз, табиат қўйнига қилган саёҳатларингизни ёдга туширинг.
3. Матндаги феълларни топиб, қайси нисбатга тааллуқли эканлигини изоҳланг.
4. Феълларнинг гапдаги вазифасини тушунтиринг.



Ўқиймиз

57-машқ. Матнни ўқиб, сарлавҳа қўйинг.

Дунёда мўъжизалар кўп. Инсоннинг табиат билан боғлиқлиги ҳам бор гап. Буни биз «сув», яъни сувнинг инсон организмидаги роли ҳақида илмий асосланган фактларга кўра бир мисол билан келтириб ўтмоқчимиз. Бир гуруҳ тадқиқотчиларимиз сўз билан сувга таъсир ўтказиб, унинг таъсирланиш даражасини аниқлашган.

Натижада, учта сув тўлдирилган идишга бир сиқимдан гуруч солишган. Бир идишга оҳисталик билан сўзлаб ўтган, иккинчисига ёмон сўзларни айтган, учинчисига эса умуман эътибор бермай ўтган. Маълум вақт шу тарзда ҳар куни сувга таъсир ўтказган. Яхши эътибор билан қаралган идишдаги



гуруч унган, иккинчиси қорайиб кетган, учинчиси эса ўшандай ҳолатда сасиб кетган экан. Бундан хулоса қилишиб, сув томчисига қўпол, мулойим сўзларни товуш ва кўйларни таъсир эттириб тажриба ўтказишди. Натижада, инсон организмидаги сув тирик, у сўзлар ёрдамида мия билан алоқага чиқиб, ўзининг функцияларини бажаради, деган хулосага келишган.

Ўзингизни омадсиз деб ҳисобласангиз, ичингизда ўз-ўзингизни койийсиз, касалингиз ҳақида ўйлаб хуноб бўласиз. Дори-дармонларни вақтида ичиб, шифокор тавсияларига амал қилмайсиз. Ёхуд таваккалчилик қилиб, нима бўлса бўлар, деб такрорлайверсангиз, танангиздаги сув уни эшитади ва шунга кўра иш тутади. Бунинг унутмаслик керак.

Сиз сўз қудрати билан сувни бошқаринг. Шундай қилингки, у сизни хурсанд этсин ва сиз ўзингизни бахтиёр ҳис этасиз.

Дори-дармонларсиз ҳам ўзингизни даволашнинг имкони бор. Фақат бунга амал қилсангиз кифоя.



Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

Ҳаётда мўъжизалар кўп эканлигига ишонч ҳосил қилдингизми?



Жуфтликда ишлаймиз

1. Инсон ҳам ўзи мўъжиза ярата оладими? Қандай? Партадошингиз билан ўйланинг, кузатишларингизга асосланган ҳолда ёзма равишда жавоб тайёрланг.
2. Ёзган жавобларингизда биргалик нисбатдаги феъллар иштирок этсин.



Ёзамиз

Феъл – сўз туркуми ҳақида билганларингизни ёзма равишда баён этинг.



3-дарс. ЭФЕС ШАҲРИДАГИ ЮНОН МАЪБУДАСИ – УЧИНЧИ «МЎЪЖИЗА»



Билиб олинг!

Орттирма нисбатдаги феъллар бошқа бирор шахснинг таъсири билан бажариладиган ҳаракатни билдиради.

Бу нисбат қуйидаги қўшимчалар билан ҳосил бўлади:

-т: ўқит, ишлат, тўхтат

-дир, -тир: ёздир, олдир, келтир

-дир қўшимчаси жарангли ундош ва сонорлар билан тугаган бир бўғинли сўзларга: **чиздир, кулдир, ўрдир**, -тир қўшимчаси кўп бўғинли сўзларга қўшилади: **қувонтир, суюнтир, кийинтир** каби.

-тир қўшимчаси **-т, -дир** қўшимчаси орқали ясалган орттирма нисбатдан яна орттирма нисбат ҳосил қилади: **ўқиттир, ёздиртир**.

-газ, -гиз, ғиз, -каз, -қиз, -қаз: кўргаз, юргиз, турғиз, ўтказ, кетгиз, ютқаз.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

58-машқ.



Матнолди саволлар ва топшириқлар.

1. Расм асосида мулоҳаза юритинг, берилган матн билан танишинг.
2. АҚТ материалларидан фойдаланиб, мавзунини давом эттиринг.

Кичик Осиёнинг Эфес шаҳридаги юнон маъбудаси Артемида ибодатхонаси дунё «мўъжизаси»нинг учинчиси ҳисобланади.



Бу ибодатхона мармардан ишланган бўлиб, қарийб 120 йил давомида қурилган ва милоддан аввал 550 йилга яқин тугалланган. Қошона ғоят ҳашаматли қилиб безатилган, пештоқига ноёб ҳайкалчалар ишланган.

Британия музейидан Жон Вуд 1863 йили ибодатхонада тадқиқотлар бошлади. 1869 йили 6 метр чуқурликда, лойлар орасида ибодатхона асосларини топди. Топган ҳайкалларини ва баъзи топилмаларни Британия музейига олиб кетди. 1904 йили яна шу музейдан Д.Г.Хограт



бошчилигидаги бир гуруҳ археологлар қазув ишларини давом эттирдилар ва бу ерда бир-бирининг устига иншоот этилган 5 ибодатхонани кашф этдилар. Бугун келган туристларга ибодатхона жойини билдириш учун ботқоқлик ҳолида бўлган ерга фақатгина бир дона устун тикилган.

Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Бу ноёб ёдгорлик сизда қандай таассурот қолдирди? У қандай безатилган экан?



Жуфтликда ишлаймиз

2. Бизда ҳам шундай ноёб меъморий ёдгорликлар борми? Қаерда?



Ёзамиз

3. Фикрларингизни жамлаб, ўзингиз яшаётган шаҳар, вилоятдаги қадимий ёдгорликлар ҳақида кичик эссе ёзинг.
4. Ёзган ёзма ишларингиздаги феълларни аниқлаб, унга тўлиқ изоҳ беринг.



Ёдда сақланг!

Орттирма нисбат ўтимсиз феълни ўтимлига айлантиради: **ухла-ўтимсиз, ухлат-ўтимли; кел-ўтимсиз, келтир-ўтимли.**

Феъл негизига ортторма нисбат қўшимчалари ҳам бирдан ортиқ қўшилади. Бу шакл ортторма нисбатнинг мураккаб шаклидир: **ўқи-ўқит-ўқиттир, ют-ютқаз-ютқаздир.**

Орттирма нисбат қўшимчалари бир-бири билан маънодош бўлади: **юрит-юрғиз, битказдир-битиртир.**

59-машқ.



Матнолди топшириқлар.

1. Берилган гап жуфтликларидаги феъллар англатган ҳаракатларнинг бажарувчиларини аниқланг.
2. Гаплар орасидаги маъно фарқларига эътибор беринг.

Шаҳноза дугонасининг гапидан кўнгли тўлди, шекилли, чеҳраси очилди. Дугонаси Шаҳнозанинг кўнглини тўлдирди ва унинг чеҳрасини очди. 2. Ширин сўздан инсон кўнгли илиди. Ширин сўз инсон кўнглини илитди. 3. Очилган қўриқ тезда яшнади. Инсон қўли қўриқ ерни яшнатди. 4. Феруза опа билан қизлар ўйин-кулгини бошлаб юбордилар. Феруза опа қизларга ўйин-кулгини бошлатиб юборди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Орттирма нисбатли феъллар қандай ясалади?
2. Юқоридаги гап жуфтларидан орттирма нисбатли феъллари бор гапларни кўчириб ёзинг ва гап бўлаги юзасидан таҳлил қилинг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

60-машқ. Матнни ўқинг ва хулоса чиқаринг.

Ранги совуқ бўлса ҳам, у ҳам табиат мўъжизаси...

Илон... Бу сўзни эшитганда камдан-кам одамнинг эти сесканмайди, қўрқувга тушмайди. Уни кўрганда эса дарҳол ўзини четга олишга, имкони бўлса, ўлдиришга ҳаракат қилади. Бунга илоннинг ташқи кўринишининг ниҳоятда совуқлиги, хунук овози ва энг асосийси, ғанимига заҳар солиши сабаб бўлса керак.

Шу билан бирга, кишилар судралувчилар султони бўлган бу махлуққа маккорлик ва донишмандлик, ақл ва заковат тимсоли сифатида ҳам топинганлар. Хусусан, эрамиздан олдинги иккинчи асрда хитойликлар сув ва ёмғир маъбудаси сифатида унга сиғинганлар. Корея, Японияда халқ байрамларида “Илонлар ракси” ижро этирилган. Мисрликларнинг бош кийимидан бу жонивор эмблема сифатида жой олган. Ҳиндистон ва Бирма аҳолисининг айрим табақалари ҳозирги кунда ҳам илонга илоҳий махлуқ сифатида топинадилар.

Қозоғистон ва Ўзбекистонда Илонбузган, Илонсой, Илондара, Илонбош, Аждартепа каби ана шу жониворлар билан боғлиқ бўлган жой номлари ҳозир ҳам сақланиб, аҳоли ўртасида бу ғаройиб ва афсонавий махлуқлар ҳақида кўплаб ривоятлар юради.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Матн ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг. Улар ҳақида қандай ривоятлар биласиз?
2. Илоннинг фойдаси борми, қаерда ва нимага?



Ёзамиз

3. “Табиатда ҳар бир жонзотнинг ўз ўрни бор” мавзусида кичик матн яратинг.
4. Феъл ва феъл нисбатларига изоҳ беринг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

61-машқ. Матнни ўқинг ва топшириқларни бажаринг.

Илон табиб

Луқмони Ҳакимнинг табиблик маҳорати етти иқлимга таралган кезлар экан. Шундай кунларнинг бирида унинг ҳузурига кўп йиллардан буён оғир ётган бир беморни олиб келишибди. Ҳаким хаста кишини обдон текширгач, умрида илк бор узоқ хаёлга чўмибди. Ниҳоят, бошини кўтариб оҳиста дебди:

– Дардингиз ниҳоятда мушкул. Ҳозирча бир нарса қилишга ожизман. Эртага келинг. Балким бирор муолажасини...

Бемор тушкун ҳолатда уйига қайтгач, чуқур қайғуга чўмибди.

Етти иқлимга машҳур Луқмони Ҳакимки даволай олмади, демак энди ҳаётдан нажот йўқ. Қийналиб яшагандан кўра, ўлганим минг маротаба дурустроқ. Қани энди ўлишнинг осон йўлини топсам-у...

Шундай дея, бошини хиёл кўтариб қараса, сал наридаги косадан қандайдир илон сув ичаётган эмиш. Бемор дарҳол таёғини кўтариб махлуққа таҳдид қилибди. Илон норози бўлгандек бошини кўтариб сувга заҳарини солибди-ю, инига ўрмалаб кириб кетибди. Хаста киши фурсатни бой бермасдан эмаклаганча бориб, косадаги суюқликни охирги томчисигача сипқорибди. Сўнг тўшагига қайтиб, ўлимни кутиб ётаверибди. Аммо шундай мўъжиза рўй берибди. Бироз дақиқа ўтар-ўтмас бемор юз-кўзидан шаррос тер ёғилганича, танасининг аста-секин дарддан фориғ бўлаётганлигини ҳис қила бошлабди. Эрталабгача бориб эса, тамоман соппа-соғ ҳолда ўрнидан турибди. Турибди-ю, Луқмони Ҳакимнинг ҳузурига шошибди ва табибга бўлган воқеани ипидан-игнасиғача айтиб берибди.

Дардингизга илоннинг заҳри даво бўлишини билар эдим, – дея тан олибди донишманд ҳаким. – Аммо ўша заҳардан сизга қанча миқдорда ичириш кераклигини билмасдим. Қаранг, илон бу борада мендан кўра ўткирроқ табиб экан...

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Нима учун матн “Илон табиб” деб аталган?
2. Луқмони Ҳаким ким экан, сиз илгари у инсон ҳақида катталардан эшитганми-дингиз?
3. Феъл нисбатлари деганда нимани тушунасиш? Матнда феълнинг қайси нисбатлари мавжуд? Изоҳ беринг.



Якка тартибда ишлаймиз

Матндаги ажратилган қисмни кўчириб ёзинг ва феълларни аниқлаб тагига чизинг.



4-дарс. ДУНЁНИНГ ТЎРТИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ – ҚУЁШ ХУДОСИ – ГЕЛИОСНИНГ ТАСВИРИ



Ўқиймиз

62-машқ. Матни ўқинг, мазмунини шарҳланг.

Майдондаги Родослик Колоснинг баландлиги 37 метрли бронзадан ясалган. Унинг бақувват оёқлари сал керилган, ўнг қўлининг кафти эса кўзлари рўпарасига қадар олдинга кўтарилган. Қадини бир озгина орқага ташлаб, нигоҳини узоқ-узоқларга қаратган. Боши атрофга нур сочиб турган гулчамбар билан безатилган. Бу Қуёш худоси – Гелиоснинг тасвири бўлиб, орол аҳолиси бу худони ўзларининг ҳомийлари деб ҳисоблашган. Ривоятларга қараганда, Родос ороли дастлаб денгиз остида экан, уни ёруғликка Қуёш худоси Гелиос олиб чиққан эмиш. Шу сабабли Родос оролини Гелиос ороли деб ҳам атайдилар.



Д. Тожалиев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Матнда тасвирланган Қуёш худоси – Гелиос сизда қандай таассурот қолдирди? Ривоят дегани нима?
2. Дунёда яна қандай мўъжизалар бор? Интернетдан фойдаланиб, маълумот тўпланг ҳамда уйда реферат тайёрланг.



Ёзамиз

3. Матндаги феълларни топиб, нисбатларини ва нисбат ясовчи қўшимчаларини аниқланг, изоҳ беринг.



Билиб олинг!

Кўпгина феъллар таркибида биргалик нисбатининг **-ш, -иш, ўзлик нисбатининг -н, -ин** қўшимчалари феъл ўзаги ёки феъл ясовчи **-ла** қўшимчаси билан яхлитланиб, бир бутунлик ҳосил қилади. Бу қўшимчалар феъл ўзаги билан яхлитланса, феълнинг маъноси аввалги маъносидан ўзгариб кетади: **қарамоқ – қарашмоқ, кўрмоқ – кўришмоқ, келмоқ – келишмоқ, етмоқ – етишмоқ, тортмоқ – тортинмоқ, севмоқ – севилмоқ, куймоқ – куйинмоқ**



Ёдда сақланг!

-ш ва -н қўшимчалари -ла феъл ясовчи қўшимчаси билан яхлитланса, ўтимсиз феъл ясовчи -лаш ва -лан қўшимчалари ҳосил бўлади: *гўзаллашмоқ, оммалашмоқ, ҳазиллашмоқ, ўртоқлашмоқ, жонланмоқ, фахрланмоқ, одатланмоқ, ҳаракатланмоқ, завқланмоқ.*



Ўқиймиз

63-машқ. Матни ўқинг, топшириқларни бажаринг.

Колизей – бу ҳам қадимий мўъжиза.

Қадимги римликларнинг сеvimли томошаларидан бири гладиаторлар жанги бўлган. Аксарият гладиаторлар қуллар ва жиноятчилар бўлишган. Уларга махсус ёпиқ мактабларда таълим беришар, сўнгра бир-бирлари билан олишишга, томошабинлар кўнглини хушлашга мажбур қилишар эди. Ҳар бир гладиаторнинг ҳаёт-мамоти томошабинлар хоҳиш-истагига боғлиқ эди. Жанг сўнгида томошабинлар енгилган гладиатор тирик қолиш-қолмаслигини ҳал қилишар эди. Агар томошабинларнинг кўпчилиги ўнг қўлининг бош бармоғини юқорига кўтарса, енгилган гладиатор тирик қолган, аксинча пастга қаратишса, уни томошабинларнинг кўз ўнгида ўлдиришарди. Жанглар улкан тош стадионлар, амфитеатрларда бўлиб ўтарди. 50 минг томошабин сиғадиган Колизей энг катта амфитеатр бўлган.



Д. Тожалиев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Қадимги римликларнинг қандай сеvimли томошалари бўлган экан? Тарих китобингиздан фойдаланиб, жавобларингизни тўлдиришларингиз мумкин.
2. Аҳамият беринг, расмда қандай бино тасвирланган?



Ёзамиз

3. Матндаги гапларни йиғиқ гап тариқасида кўчириб ёзинг ва кесимлари қандай сўз туркуми эканлигини аниқланг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

64-машқ.



Матнолди топшириқлар

Расмни диққат билан кузатинг ва матнни ўқиб, хулоса чиқаринг. “Колизей”нинг ички кўринишини таърифланг.

Колизей – “колоссей” (лотинча “Colosseus” – улкан, баҳайбат) меъморий ёд-горлик Рим марказида жойлашган эллиптик амфитеатрдир. Иморат Рим империяси пайтида милодий 72-80 йилларда император Веспасиан, кейинчалик эса Тит Флавий томонидан қурдирилган. Зилзила ва қароқчилик туфайли бинонинг кўп қисми бузилиб кетган. Амфитеатрга дастлаб Флавийлар номи берилади. Бироқ омма орасида у Колизей номи билан шуҳрат қозонди. Бунга император Неронга қўйилган баҳайбат ҳайкал ҳам сабаб бўлди. Колизей сўзи “баҳайбат” деган маънони англатади. Деворлари оҳақтош блокларидан кўтарилган. Колизей шимолий фасади уч қанотли аркдан иборат бўлиб, тўртта йўлак амфитеатр саҳнаси томон олиб чиққан ва томошабинлар атиги 10 дақиқа ичида рақамланган жойларга чиқишган. Колизей 50 мингдан зиёд кишини ўз бағрига сиғдира олган. Амфитеатрга кириш бепул бўлган ва кирганлар нон билан сийланган. Колизейнинг энг юқори қаторида лифт қурилмасини бошқариб турувчи қуллар ўтирган. Лифтлар сони ўшанда 36 тани ташкил қилган. Колизейнинг очилиш маросими сал кам 100 кун давом этган ва ана шу вақт ичида Африкадан келтирилган 5 мингга яқин ёввойи ҳайвон, юзлаб гладиаторлар қурбон бўлган. Ҳайвонлар олишуви Колизейда VI асргача давом этган.

XIV асрдан бошлаб, XIX аср охиригача Колизей диний маросимлар ўтказиладиган ибодатхона сифатида руҳонийлар измига ўтди.

Д.Тожалиев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Бир қараганда бу иншоот нимага ўхшайди, ҳозирги стадионларимизга қиёслаш мумкинми?
2. Колизейда қандай маросимлар ўтказилган экан?



Ёзамиз

3. Ажратилиб берилган матн қисмини кўчириб ёзинг ва сўз туркумлари юзасидан таҳлил қилинг.



5-дарс. ДУНЁНИНГ КЕЙИНГИ БЕШИНЧИ

“МЎЪЖИЗАСИ” – ИСКАНДАР МАЁҒИ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

65-машқ. Матни ўқинг. Расмдаги тасвир билан қиёсланг.

Дунёнинг кейинги бешинчи “мўъжизаси” Искандар маёғининг лойиҳасини ўз замонасининг машҳур ва талантли меъмори Книдли Сострат яратган. Маёқ минора шаклида қурилган. У уч қаватли бўлиб, баландлиги 120 метр эди. Маёқ пойдевори квадрат шаклида, ҳар бир томони 30,5 метрга тенг эди. Уни дастлаб харсанг плиталар билан ишлаб, иккинчи қаватини саккиз қиррали тошлардан қуришган ва ажойиб мрамор плиталар билан пардоз беришган. Миноранинг қирралари саккиз томондан эсадиган асосий шамол йўналишларига мўлжаллаб қурилган. Учинчи қавати эса юмалоқ қуббали минора шаклида бўлиб, унинг устига денгиз худоси Посейдоннинг бронзадан ишланган улкан ҳайкали ўрнатилган эди.



Д.Тожалиев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Нега дунёнинг бешинчи “мўъжизаси” – Искандар маёғи деб аталган экан? Ўзингизнинг шахсий қарашингизни баён этинг.



Муҳокама қиламиз

2. Аждодлар маҳорати сизни қойил қолдирдими? Нега?
3. Феълларни аниқланг, ясалишини тушунтиринг.



Билиб олинг!

Феъллар гапда бошқа сўзлар билан боғланиб, кесим, эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол вазифасида келиши мумкин. Феълнинг гапда бирор гап бўлаги вазифасини бажариш учун мосланган шакллари хосланган шакллар дейилади.



Гапда маълум бир вазифа бажариш учун хосланган бундай шакллар феълнинг вазифа шакларидир.

1. Феълнинг вазифавий шакллари тўрт хил:
2. *Соф феъл* (кесим вазифаси)
3. *Равишдош* (ҳол вазифаси)
4. *Сифатдош* (сифатловчи-аниқловчи)
5. *Ҳаракат номи* (эга, тўлдирувчи)



Ёдга сақланг!

Хосланган шакллар билан биргаликда феъл асосан икки вазифавий шаклда бўлади:

1. Кесимлик шаклидаги феъллар: *соф феъл, замон, шахс-сон, майл, бўлишли-бўлишсизлик* ифодаловчи феъллар.
2. Нокесимлик шаклидаги феъллар: *равишдош, сифатдош, ҳаракат номи*. Булар феълнинг равиш, сифат, от вазифасида қўлланувчи шакларидир.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

66-машқ. Матнни ўқинг ва қайта ҳикоя қилинг.

Озодлик ҳайкали ҳам дунё мўъжизасидир



Озодлик ҳайкали Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳридаги Озодлик оролида жойлашган.



Франциялик ҳайкалтарош лойиҳалаштирган ушбу ёдгорлик Густав Эйфел билан биргаликда яратилган. Эркинликка бағишлаб ишланган ҳайкал Америка мустақиллиги учун Франция халқидан совға сифатида тақдим этилган. Нью Йорк бандаргоҳида қад ростлаган Озодлик ҳайкали 1886 йилда очилган бўлиб, ўша даврдан бошлаб Америка Қўшма Штатлари томонидан миллионлаб иммигрантлар самимий кутиб олина бошланган. Ҳайкал XIX асрда яратилган янги кўринишдаги жуда катта ҳайкалтарошлик намунаси.



Ҳайкалнинг ички темир шакли жуда мустаҳкам ва қурилиш жиҳатидан мураккаб ясалган. Бундан ташқари, бинонинг асоси бетондан ишланган, деворлари эса мослашувчан пардага ўхшаш ва ҳайкалнинг қўлидаги машғал электр қуввати ёрдамида ёритилади.

Бундай қурилиш архитектураси муҳандислик, архитектура ва санъатнинг келажакдаги йўналиши ҳақида хабар беради.

Мазкур ёдгорлик дизайни ясалишида рамзий маъно ҳам акс этган, масалан Озодлик ҳайкалининг чап қўлида АҚШ Мустақиллик декларацияси турибди, бу эса кишанлар олиб ташланганлигини билдиради. Америка Қўшма Штатларининг мустақилликка эришишининг тимсоли бўлган 93 метрли улкан ҳайкал инсониятнинг руҳиятини ўзида акс эттирувчи санъат асаридир.

Ёдгорлик ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхати таркибига киритилган. Озодлик ҳайкали эркинлик, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, қулликни тугатиш, демократия ва кенг имкониятларни ҳам кўрсатиб беради.



Д.Тожиалиев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матн мазмуни билан танишиб, нима учун ҳайкал “Озодлик ҳайкали” деб номлангани ҳақида фикр юритинг. Матндаги калит сўзларни топинг.
2. Топган калит сўзларни ва матндаги асосий фикрни сақлаган ҳолда кичик эссе ёзинг.
3. Ёзган ишингиздаги феъллар ва феъл шаклларини аниқлаб, тўлиқ изоҳ беринг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз



67-машқ. Матнини ўқинг, топшириқларни бажаринг.

Эйфел минораси – Парижнинг рамзи

1889 йил 25 октябрь кuni қуриб битказилган Эйфел минораси Парижнинг рамзи ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу минора дунёнинг энг машҳур ва диққатга сазовор жойларидан бўлиб, уни томоша қилгани турли давлатлардан миллионлаб сайёҳлар келади.

Баландлиги 300 метр бўлган бу иншоот ўша вақтда жаҳондаги энг баланд бино бўлган. Минора 1889 йилги Бутунжаҳон кўргазмасига атаб қурилган. Бу пўлатдан тикланган қурилма ўз даври меъморчилигининг анъанавий қоидаларини ўзида мужассам этган. Эйфел минорасининг лойиҳаси махсус танловда бошқа лойиҳалар ичидан энг маъқули сифатида ажратиб олинди. Лойиҳа муаллифи,



юқори даражали темирйўл кўприклари қуриш тажрибасига эга бўлган муҳандис Густав Эйфел эди. Жамоатчилик фикри иккига бўлинди: минора баъзиларга жуда ёқиб тушди, айримларнинг эса аксинча, уни кўрарга кўзи йўқ эди. Кўпчилик, эртами-кечми, Эйфел минораси қулаб тушишига ишончи комил эди. Густав Эйфелга минора мустаҳкамлигини шахсан тушунтириб беришга тўғри келди. Эйфел минораси уч қаватли: биринчи қаватнинг баландлиги 57 метр, иккинчиси 115 метр ва учинчиси 276 метрга тенг. Бугунги кунда минора Парижнинг катта қисми учун телевизион узатгич вазифасини ҳам ўтамоқда. Унинг антеннасининг баландлиги 320 метрдир.

Эйфел минорасининг олдида беш қаватли ер ости иншооти қурилиши мўлжалланмоқда. Энди барча бадиий кўرғазмалар ўша ерда ўтказилади. “Париж кўрки”нинг маъмурияти шу йўл билан ҳар куни минора олдида пайдо бўладиган узундан узоқ навбатларга чек қўйишга умид билдирмоқда.

Эйфел минораси мана бир неча ўн йилдирки, жаҳондаги туристлар энг кўп ташриф буюрадиган жойлардан бири бўлиб келмоқда. Уни кўриш учун ҳар йили 8 миллионга яқин одам келади.

(Энциклопедия маълумотларидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Инсон қўли билан яратилган бу жаҳон мўъжизаси ҳақида фикр юритинг. “Мен ҳам муҳандис бўлсам...” мавзусида ижодий иш ёзинг. Мақсадингизни далил ва исботлар орқали баён этинг.
2. Матнда берилган феъл ва феъл шаклларини топинг, уларга изоҳ беринг.





6-дарс. ДУНЁНИНГ КЕЙИНГИ ОЛТИНЧИ “МУЪЖИЗАСИ” – “ТОЖ МАҲАЛ” (ҲИНДИСТОН)



Билиб олинг!

Ҳаракат ва ҳолатнинг номини билдириб, гапда отга хос вазифаларни бажарадиган феъл шакли: *ишламоқ, куюнмоқ* каби. Ҳаракат номи *-ш (-иш), -в (-ув), -моқ* қўшимчалари орқали ҳосил бўлади.

Ҳаракат номи феъл каби мазмунан ҳаракат ва ҳолатни билдиради, ўтимли-ўтимсиз бўлади, нисбат шаклларида бўлади ва бошқа сўзни бошқаради. Масалан, Ахир бугун одамлар чўлга кетишади. (С.А.) гапидаги *кетишади* сўзи ҳаракатни ифода этади, ўтимсиз, биргалик нисбатида, чўл сўзини бошқарган.



Ёдга сақланг!

Ҳаракат номи отлар сингари келишик, эгалик қўшимчаларини олиб қўлланилади. Гапда от каби эга, тўлдирувчи, аниқловчи вазифаларида келади.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз




Видеолавҳа томоша қиламиз

Интернет манбаларидан мавзу бўйича видеолавҳани томоша қилинг. Матн билан солиштиринг.

68-машқ. Матнни ўқинг, расмга диққат қилинг.

Уч асрдан зиёд Ҳинд ярим оролида ҳукмронлик қилган бобурийлар подшоҳлиги маҳаллий халқлар ҳаётининг барча жабҳаларида ўчмас из қолдирган. Айниқса, Мовароуннаҳрдан Ҳиндистон диёрига олиб кирилган боғдорчилик, ободончилик каби яратувчанлик соҳалари алоҳида таҳсинга сазовордир. Бобурийлар даврида яратилган улкан меъморий ёдгорликлар бугунги кунда ҳам ўз салобатини дунё аҳлига кўз-кўз қилмоқда. Деҳлидаги Қизил Қалъа ва Жомъе масжиди, Аградаги Тож Маҳал,





Фотиҳпур Секридаги Панч Маҳал, Лоҳурдаги Жаҳонгир мақбараси ва Шалимар боғи ҳар куни неча юз минг сайёҳларнинг қадам ранжида қиладиган диққатга сазовор иншоотлардир.

Иншоотлар орасида энг жозибалиси – бу Тож Маҳал. Тож Маҳал Мумтоз Маҳал васияти, илтимосининг ижросигина эмас, балки Шоҳ Жаҳоннинг Мумтоз Маҳалга чексиз муҳаббати, садоқати рамзидир. Шунинг учун ҳам уни севги достони, муҳаббат ва мусибат кошонаси, Оқ мармар достони каби номлар билан таърифлайдилар. Дарҳақиқат, қарийб 20 йил давомида 22 минг ишчи, қурувчи, ҳунармандлар кучи сарфланган бу муаззам мақбара учун Шоҳ Жаҳон умрининг катта бир қисмини, бутун дунёсини бағишлайди. Мақбара тарҳини яратишда Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Ўрта Осиё, Арабистон, Ярим Оврўпо давлатларининг меъморлари, уста ҳунармандлари, рассомлари узоқ бош қотиришади. Дид-фаросати юксак, санъатни нозик ҳис этувчи Шоҳ Жаҳон тарҳларнинг ҳар бир чизигини синчиклаб кўрмоқ истагида олдиға чақирар, кўнгли тўлмамай қайтарарди...

Бугун Ҳиндистонга бу меъморий мўъжизани кўриш учун ҳар йили 4 миллион нафар сайёҳ келмоқда.

Д. Тожалиев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Тож Маҳал ким томонидан, кимга аталиб солинган мақбара?
2. Бу мақбара нимаси билан машҳур?
3. Шоҳ Жаҳон ким? Юқори синфдаги опа-акаларингиздан сўраб, ўз билимингизни бойитинг.
4. Матндаги феъл шаклларини топинг ва турини айтинг.



Ёзамиз

Матннинг тагига чизилган қисмини кўчириб ёзинг, бир гапни сўз туркуми юзасидан таҳлил қилинг.



Билиб олинг!

Ҳаракат номи **-ш (-иш), -в (-ув) -моқ** қўшимчалари орқали ҳосил бўлади. Бу қўшимчалар ўзаро маънодош бўлиб, **-моқ** шакли феълга яқин. Шунинг учун бу шакл феълнинг ноаниқ шакли (бош шакли) деб қабул қилинган. Луғатларда феъллар **-моқ** шаклида берилади: **ўқимоқ, ишламоқ.**

-ш (-иш), -в (-ув) қўшимчалари билан ҳосил бўлган ҳаракат номи отга яқин.

-ш (-иш) қўшимчали ҳаракат номи эгалик ва келишик қўшимчалари билан қўлланади: **айтишим** (керак), **айтишга** (келдим) каби.

-в (-ув) қўшимчали шакл кам қўлланилади. Бу шакл отга кўчган: **айтишув, келишув.** Бу шаклдаги айрим сўзлар эса бутунлай от туркумга хос: **ўқув, ёзув, учрашув** каби.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

69-машқ. Матни ўқинг ва муҳокама юритинг.

Шоҳ Жаҳоннинг омади – Тож маҳал...



Шоҳ Жаҳон ўз суюкли ва вафодор, ҳаётида ҳамиша ҳамдам ва ҳамдард бўлган соҳибжамол рафиқасининг хотирасига чиндан ҳам дунёда ўзи каби тенги йўқ обида – ёдгорлик қурдиришни ният қилган эди. Шоҳ ва малика ақлу фаросатда, ҳусн-малоҳатда ҳам бир-бирларига жуда мос эдилар. Шунинг учун ҳам ҳинд тадқиқотчиси Б.Луния: “Тож Маҳал – Бобурийлар санъатининг гўзал гулдастаси, дунёда Шоҳ Жаҳон – Мумтоз Маҳал муҳаббати, аҳиллиги ва садоқати шаънига

бунёд этилган энг гўзал, энг мумтоз обидадир,”– деб ёзган тарих китобларида битилишича, Тож Маҳал учун дунёнинг қайси мамлакатидан бўлмасин, энг қимматбаҳо қурилиш ва безак ашёлари топиб келтирилган. Масалан, зумрадни олис Россиядан, ҳақиқни Бағдоддан, гранитни Нилдан, ёқутни Бадахшондан, ферузани Тибетдан, садафни Шри-ланкадан, марваридни Ҳинд океанидан олиб келишган. Бу ишларга йигирма йил мобайнида ишчи кучи, маблағни бир тасаввур қилиб кўринг. Лекин шуниси диққатга сазоворки, давлат хазинаси шу даврда бойликка тўлиб тошган, бундай катта ва кенг кўламли қурилишга ҳар қанча маблағ сарфланса ҳам, халқ манфаатига асло зиён етмаган. Зеро, Шоҳ Жаҳоннинг омади ҳам шунда эди.

Д. Тожалиев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Сўзлаймиз

Матни ўқинг ва қайта ҳикоя қилинг.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матннинг услубини аниқланг. 68-машқ мазмуни билан солиштиринг.
2. Сўз бирикмалари ва асосий (калит) сўзларга таянган ҳолда матннинг асосий фикрини аниқланг.
3. Диққат қилинг, бу муҳташам мақбаранинг қурилишига хом-ашёлар қаерлардан келтирилган?
4. Матнда берилган мустақил сўз туркумланини топиб, изоҳ беринг.
5. Қайси феъл шаклланини аниқладингиз? Улар қандай ясалганини тушунтиринг.



70-машқ. Матни ўқинг ва топшириқларни бажаринг.

Маклеод Ганжи денгиз сатҳидан 3600 метр баландликда жойлашган табиат мўъжизаси. Тибет ўзининг мафтункор манзараси, аҳолисининг очиқ кўнгиллиги, табибларининг зукко ва билимдонлиги билан сайёҳларни ҳар доим ўзига ром этиб келган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, илк бор сайёҳлар Ҳимолай тоғининг энг юксаклигида аҳоли яшайдиган қишлоқларига ўн олтинчи асрда қадам ранжида қилган. Тибет халқи, унинг урф-одатлари ҳақида ўшанда дастлабки ёзма маълумотлар пайдо бўлган экан. Унинг пойтахти Лхас Швейцариядаги қорли Алп тоғларидан ҳам юқорида жойлашган.

Тибет ҳақида батафсил маълумотлар 1930 йилда инглиз ёзувчиси Жеймс Хилтон томонидан яратилди. Шундан сўнг катта дунёдан ажраб қолган Тибет саёҳат ишқибозларини янада кўпроқ жалб этди.

... Қанча қийин бўлмасин, Ҳиндистон Тибети марказига етиб келганингизда барча йўл қийинчиликлари бир зумда унутилади. Сиз арчазорлардан анқиган хушбўй тоғ ҳавоси, бир чети оқсоч Ҳимолайга туташ қуюқ ўрмон манзараларига мафтун бўлиб қоласиз.

Бу ерда тибетликлар ҳиндулар билан иноқликда яшайдилар. Ҳиндистон Тибетига дунёнинг барча қитъа мамлакатларидан халқ табобатидан баҳраманд бўлиш мақсадида кунига ўн минглаб сайёҳлар оқиб келмоқда. Уларга транспорт, меҳмонхона, банк хизмати кўрсатадиган, едириб-ичирадиган, эсдалик совғалари сотадиган, асосан, Ҳимолай ҳиндуларидир. Демак, аҳиллик, диний





бағрикенглик ҳар икки халқ учун ҳам биринчидан ҳаётий зарурат, иккинчидан иқтисодий манфаатдир.

– Тилимиз, эътиқод маъбудларимиз бошқа-бошқа. Лекин ҳеч қачон маҳаллий халқ бизни камситмаган. Ўзим ҳинд тилини ўзлаштиришга ҳаракат қилиб анча-мунча гаплашишни ўрганиб олдим. Ҳиндулар ҳам биз муомалада кўп ишлатадиган сўзларимизни биладилар.

– Бу ернинг об-ҳавоси, табиати Ҳимолайнинг Хитой томонига жуда-жуда ўхшаш, – деди кекса лама Лавсан, хорғин боқиб.

– Шундай бўлса-да, фарзанд, набираларимга ўз Тибетимизда яшаш насиб этишини ҳар кун мўъжизакор Буддадан сўрайман.

Ҳиндистон Тибетига келган ҳар бир сайёҳ бу халқнинг маънавий етакчиси ДалайЛаманинг Маклеод Ганжидаги қароргоҳи ва бош ибодатхонани кўрмай кетмайди.

(Қизиқарли маълумотлардан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Матн сизда қандай таассурот уйғотди?
2. Ҳимолай тоғининг Ҳиндистон тарафини нега “Ҳиндистон Тибети” деб атайдилар?
3. Далай Лама ким, у нима учун Маклеод Ганжидан ўзига қароргоҳ топди?
4. Матндаги етакчи фикрларни аниқлаб, тушунчаларингизни қисқача ёзма баён этинг.
5. Ҳаракат ва ҳолатнинг номини билдириб, гапда отга хос вазифаларни бажарадиган феъл шакли нима дейилади? Матндан феъл шаклларини аниқланг.





7-дарс. ДУНЁНИНГ ЕТТИНЧИ «МУЪЖИЗА»СИ – АРТЕМИСИЯ МАҚБАРАСИ



Билиб олинг!

Предметнинг белгиси бўлган ҳаракатни билдириб, гапда асосан сифатловчи- аниқловчи вазифасида келадиган феъл шакли – сифатдошлар феълнинг сифатга яқин шаклидир. Шунинг учун сифат сингари отга боғланиб келади: **ўқиган бола, бўлар иш.**

Сифатдошлар феълга хос қуйидаги хусусиятларга эга:

а) барча феъллар сингари ўтимли-ўтимсиз, бўлишли-бўлишсиз, замон маъноларига эга: **ўқиган-ўтимли, бўлишли, ўтган замон;**

б) сифатдошлар тусланади: **борганман, боргансан.**



Ёдда сақланг!

Сифатдошлар отлашганда от сингари келишик, эгалик қўшимчаларини олади ва гапда от бажарадиган вазифаларни бажаради. Кўпни ёмонлаган кўмувсиз қолар (эга). **Бўлинганни** бўри ер (тўлдирувчи).



Ўқиймиз

71-машқ. Қуйидаги топшириқларни бажаринг.

Дунёнинг еттинчи «мўъжиза»си **Кичик Осиёда**, унча катта бўлмаган Кария подшолиги пойтахти – Галикарнас (Туркиянинг ҳозирги Бодрум шаҳри)даги подшо Мавсол ва унинг хотини Артемисия мақбарасидир. Ниҳоятда муҳташам бўлган бу мақбара милоддан аввалги IV аср ўрталарида қурилган. Мақбара биноси уч қаватдан иборат бўлиб, биринчи қавати зинасимон пойдевор шаклида оқ мрамрдан ишланган. Бу қаватда подшо ва унинг рафиқасининг қабрлари қўйилган. Иккинчи қаватда чиройли мрамар устунлар билан безатилган хоналар бўлиб, бу хоналар подшо ва малика шарафига турли маросимлар учун мўлжалланган эди.

Ҳа, бу мўъжизалар ҳақида ҳозиргача фақат китобларда ўқиб ҳайратланасиз, холос. Унинг гўзаллиги сақланиб қолган қадимги ёдгорликлар, кўҳна обидалар мисолида кўришимиз мумкин. Дунёни теран англай десанг, тарихга назар сол. Ана шундагина кишини лол қолдирадиган мўъжиза-ю кашфиётлардан бохабар бўласиз.



Д. Тожалиев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. “Дунёни теран англай десанг, тарихга назар сол”. Бу гапни қандай тушундингиз?
2. Матнни ўқиб, жуфтликда муҳокама қилинг ва фикрларингизни баён этинг.
3. Артемисиё мақбараси нега мўъжиза дейилади?
4. Феъл ва феъл шакллари аниқланг ва шарҳланг.



Билиб олинг!

Сифатдошлар қуйидаги қўшимчалар билан ясалади:

-ган (-кан, -қан): ўқиган, эккан, чиққан.

-вчи, (-увчи): ишловчи, айтувчи.

-диган, -ётган: ўқийдиган, бораётган.

-р (-ар): ўқир, ёзар.

-гай: боргай.

-жак (-ажак): айтажак, боражак.

-гуси (-ғуси): келгуси, бўлғуси.

Сифатдошлар замон маъносига кўра уч хил:


1. Ўтган замон сифатдошлари **-ган (-кан, -қан)** қўшимчалари билан ҳосил бўлади: *ўқиган, келган.*
2. Ҳозирги замон сифатдошлари **-вчи (-увчи), -ётган** қўшимчалари билан ҳосил бўлади: *ишловчи, ўқиётган.*
3. Келаси замон сифатдоши **-р (-ар), -диган, -гай, -жак (-жак), -гуси** қўшимчалари билан ясалади: *борар, борадиган (эди), боргай, боражак, боргуси.*



Ўқиймиз

72-машқ. Матнни ўқинг. Сарлавҳа қўйинг.

Бир мактабда “Дунёнинг етти мўъжизаси” мавзусида дарс ташкил этилди. Ўқувчиларга нимани мўъжиза деб ҳисоблашса, энг муҳим еттитасини ёзиш вазифаси топширилди. Ҳамма дафтарларини топширди, фақат бир қизча ҳали ҳам ёзишни тугатмаган эди. Ўқитувчи: “Сенга кўмаклашворайми, қизим?” деб сўради ундан. Қизча: “Дунёда мўъжизалар шунақанги кўплигидан қайси бирини танлашни билмай кўп ўйландим”, деб





жавоб берди. Шунда устози: “Қани, танлаганларингни ўқиб бер-чи”, деди унга. Қизча бирмунча вақт иккиланиб турди-да, сўнг ўқишга киришди: “Мен учун дунёнинг етти мўъжизаси:

1. Кўриш.
2. Эшитиш.
3. Ҳаракатланиш.
4. Англаш
5. Ҳис қилиш.
6. Кулиш.
7. Яхши кўриш”.

Бутун синфга сукунат чўкди. Ҳеч биримизни шундай мўъжизалардан айир-масин.

Сиз бунга нима дейсиз?



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Сўзлаймиз

1. Сиз учун мўъжиза нима? Қизнинг фикрига қўшиласизми?
2. Шу мавзуда синфдошларингиздан “Иссиқ микрофон” усулида интервью олинг.



Ёзамиз

1. Матнни диққат билан ўқинг, матн асосида тушунчаларингизни ҳамда эшитганларингизни хулосалаб, фикрингизни ёзма равишда баён этинг.
2. Ажратилган гапни морфологик таҳлил қилинг. Феълларнинг тузилиши ҳақида маълумот беринг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

73-машқ. Матнни ўқинг ва гуруҳда муҳокама юритинг.


Қадимги дунёнинг етти мўъжизаси ҳали-ҳануз инсониятни ҳайратга солиб келиш билан бирга янги обидаларни бунёд этишга ҳам ундаб келмоқда. Қуйида дунёнинг янги етти мўъжизаси сифатида эътироф этилаётган иншоотлардан бири ҳақида сўз боради.

Дунёдаги энг баланд минора бўлмиш Бурж-Халифа ёнида дунёдаги энг йирик савдо маркази – Дубай Молл жойлашган. Бу ерда савдо марказида бўлиши лозим бўлган барча нарса мужассам. Савдо марказида нақд 1200 та дўкон жойлашган.

Бу ердаги **тамадихоналардаги** таомлар кичикроқ мамлакат аҳолисини боқишга етади. Марказда беш юлдузли **меҳмонхона** ва бешта ресторан ҳам бор.

Маскандаги аквариум шу даражада улканки, унинг томоша майдони “Гиннеснинг рекордлар китоби”га киритилган. Фавворалар шоусини 20 километр





узокликдан ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, кўнгилочар истироҳат боғ ва хоккей майдончаси ҳам ташриф буюрувчилар хизматида. Марказда ҳаттоки 155 миллион йил илгари яшаган диплодок динозаврининг скелети ҳам бор.

Дубай Моллнинг умумий майдони бир миллион квадрат метрдан зиёд бўлиб, бу иккита Ватикан давлатининг майдонига тенг. Ва ниҳоят, яна бир хабар: ушбу марказни кенгайтириш режалаштирилмоқда, чунки у етарли даражада катта эмас экан.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Матн таркибидан феъл шаклларини топиб, тагига чизинг ва изоҳланг.
2. Ажратилган сўзларни маъноли қисмларга бўлинг ва тушунтиринг.



Ўқиймиз

74-машқ. Матнни ўқинг ва мулоҳаза юритинг.

Сирли ғор

Болалигимда Хонимқиз энам билан Буойша момоннинг гапларига қулоқ солиб ётишни яхши кўрардим. Айниқса, қиш кунларида мактабдан келиб сандалда ётиб, икки кампирнинг ҳикояларини мароқ билан тинглардим. Бола онгимда ўша ҳикоялардан айримлари сақланиб қолган. Буларни ёзишга қарор қилдим.

– Булоқбошидаги Сарвонтепа қишлоғи шундоққина тоғнинг этагида жойлашган. Тоғнинг этагидан пахтазор, экин майдонлари бошланади. Ана ўша қишлоқда Раҳматилла деган бир қариндошимиз яшайди. Содда, деҳқон йигит. Бирам мўмин-қобил, қўяверасиз. Шу йигитни тоғ этагидаги бедазорга қоровул қилиб қўйишибди. Бедалар энди барқ уриб, бир қарич-бир ярим қарич бўлган баҳор пайтида бир куни Раҳматилла бедазорга борса, бир уйнинг ўрнича жойдаги бедани қўйми, молми еб кетганмиш. У ҳайрон бўлибди. Одатда янги бедани одамлар қўй-молларига едиришмайди, чунки ҳайвон дамлаб нобуд бўлади. Раҳматилла шуввало излаб яқин ўртадан биронта ҳайвон учратмабди. Эртасига борса, худди ўша жойда яна беда ейилган. Атрофда эса ҳеч қандай ҳайвон йўқ. “Биров кечаси қўй боқибди-да, шу кеча қўлга тушириб бир изза қилмасамми”, деб қасд қилибди Раҳматилла.

Эртасига ҳали сўфи азон айтмасдан Раҳматилла тўнини кийиб бедазорга йўл олибди. Бедазорга келиб, бир тутнинг тагида пойлаб ўтирибди. Бир пайт



қараса, тоғдан бир оқ от тушиб келибди-да, кечаги жойга бориб беда ея бошлабди. “Тоғда чўпонлар бор экан-да, шуларнинг оти бўлса керак”, ўйлабди Раҳматилла ва отни чўчитиб юбормаслик учун секин-секин унга яқинлашаверибди. От ҳам одам шарпасини сезиб, бошини кўтарибди ва қаршисидаги одамни кўриб, аста бурилиб тоғ томон кета бошлабди. Раҳматилла ҳам унинг ортидан шошилмай бораверибди. От шундоқ тоғнинг ёнбошидаги ғорга кириб кетибди. “Чўпонлар шу ерда экан-да”, деган ўйда қоровул ҳам ғорга кириб борибди. Ғор ичига ўн-ўн беш қадам ичкари кириб борса, бир оқсоқол одам кетмон сопига ўхшаган таёқни суйри билан йўниб ўтирганмиш.



– Ассалому алайкум, ота, – дебди Раҳматилла, – бу от сизники экан-да. Анови беданинг озроқ жойини еб қўйган экан, шунга олдингизга чиқувдим, отни бойлаб қўясизмикин. Менга ишонишиб қоровул қилиб қўйишганди. Айбга буюрманг, ота, хизматчилик. Бир оғиз айтиб қўймасам бўлмайди.

– Э, бедапоя сизникимиди, ўғлим, майли, отимни энди бойлаб қўяман, сиз хафа бўлманг. Беданинг ҳақиқа буни олинг, – чол олдидаги қириндилардан икки ҳовуч Раҳматилланинг тўнини этагига солиб берибди. Шу билан Раҳматилла бир оғиз сўз демай ташқарига бурилибди. Беш-олти қадам юргач, “Қизиқ одам экан, отингиз бедани еб қўйибди десам, менга ёғочнинг қириндисини берди, нима қиламан буни”, дебди-ю, тўнининг этагидаги қириндини қоқиб юборибди. Бу маҳал ташқарида қуёш чиқиб, чароғон бўлиб ётганмиш. Йўлда кетаётиб бундоқ этагига қараса, ялт-юлт қилармиш. Этагига осилиб қолган гугурт чўпидек нарсани олиб қараса – тилла, ялтираб турганмиш-да. Гап нимадалигини англаб қолган йигит ортига югурибди. Аммо на ғорни топибди, на чолни.

Қаранг, оламда не-не сир-синаотлар бор, – дейди Буойша момом.

(“Ғаройиб ҳодисалар”дан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Матнни ўқинг ва матн бўйича ўз фикрингизни билдилинг.
2. Раҳматилланинг хатти-ҳаракати орқали бу йигитга қандай баҳо берасиз?
3. Чол унга нима учун тилла берди?
4. Матндан феъл ва феъл шаклларини топиб, жадвални тўлдилинг.

Соф феъллар	Ҳаракат номлари	Сифатдошлар	Равишдошлар



IV бўлим АСТАНА – МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МАРКАЗИ



**Ишим дарё соҳили сенга макон,
Қўрғалжин, тенгиз кўли – сўлим маскан.
Мустақил Қозоғистон пойтахтисан,
Евроосиё – марказий нуқта шаҳрим,
Улғаявер, Астана – гўзал шаҳрим.**





1-дарс: АСТАНА – НУРЛИ УФҚ...



Ўқиймиз



Тинглаймиз

75-машқ. Шеърни ифодали ўқинг.

Астанам мафтункор, дилрабо шаҳар,
Мустақил элимнинг асрий орзуси!
Дуога қўл очган бобом ҳар саҳар,
Ёш шаҳар Астанам, юрак кўзгуси!

Илмга ташна юрт, қонган чанқоғим.
Заковат мактаби зўр дорилфунун.
Шаҳримда ҳилпирар мовий байроғи,
Қозоғистонимга бу олам мафтун!

Бир юз ўттиз миллат яшар бахтиёр,
Яқин келажакни кўзлар халқимиз.
Ҳар бахтли он учун дилда ифтихор,
Нурли уфқни кўзлаш бизнинг аҳдимиз.

Астанам, жон шаҳрим, доимо юксал,
Нурларга ўралиб отсин ҳар тонгинг!
Қучоғингда тинглаш мен учун афзал,
Суюк мадҳиянг-у жарангдор бонгинг!

Баҳодир Собит



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Матн мазмунини ёритувчи 5та қалит сўз топинг.
2. Қалит сўзлар ёрдамида шеърини матннинг насрий баёнини ёзма равишда баён этинг.
3. Шеър қандай тарбиявий мақсадни кўзлайди? Хулоса чиқаринг.




Ўқиймиз



Сўзлаймиз

76-машқ. Ўқинг. Қайта ҳикоя қилинг.

I. “Маданият” арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳроий турмуш; иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик – кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик – шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган.



II. Астана – Қозоғистон Республикасининг сиёсий, маъмурий ва маданий маркази ҳисобланади. Президент ташаббуси билан 1997 йили Жанубий пойтахт Алматидан барча бошқарув муассасалари, Президент Кенгаши, Республика Ҳукумати ва Парламент бош шаҳар Астанага кўчирилди. Шаҳар Есил дарёсининг ўнг қирғоғида, Сариарқанинг шимолида жойлашган. Бош шаҳар элимизнинг шимоли билан жанубини, ғарби билан шарқини боғлайдиган алоҳида аҳамиятли автомобиль ва темир йўлларининг кесишган жойидан ўрин олди.



Астана – жуда йирик илм-фан марказларидан бири.

2010 йилда асос солинган Назарбаев Университети, Қозоқ миллий хореография академияси(2015й), Қозоқ миллий санъат университети (1998 й), Л.Н.Гумилёв номидаги Евроосиё миллий университети (1996 й) каби дунёнинг илғор университетлари билан рақобатбардош олийгоҳлар Астанада жойлашган. Пойтахтимиз Астана обод ва кўркем шаҳар. Кундан-кунга шундай ҳайратомуз даражага етишадиган ёш республикамизнинг пойтахтини бугун бутун дунё танийди. Шаҳардаги бугунги ободонлик ва амалга оширилаётган ишлар, албатта, минглаб ҳамюртларимизнинг самарали меҳнатидир. Қуриладиган ҳашаматли бинолар нафақат қозоғистонликларни, қолаверса, чет эл саёҳатчиларини ҳам лол қолдирмоқда. Чинакамга Астанани бепоён далада қад кўтарган, дунёдаги янги ҳаётнинг, тинчлик ва тотувликнинг, XXI аср маданиятининг маркази дея оламиз. Астана ёш шаҳар, ёшларнинг шаҳри, ёшликнинг шаҳри. Бу ерга биринчи



бор қадам ранжида қилган инсон, албатта, қайта келади, у ерда қолгиси келади. Сабаби бу шаҳар ҳар қандай мақсаду ишларга сизни интиптиради, қўллади. Қадимий тарихга эга маконнинг ўзи ҳозирги кун билан ҳамоҳанг равишда сизни тарихнинг янги кўчаларидан етаклаётгандай ҳисга чулғайди. Бу ҳис сиз кутган афсонавий, эртактлардагидек эмас, бу чин, ҳақиқат. Ватанимизнинг табиий ландшафти ўзгача. Шунинг учун бўлса керак,





пойтахтимизнинг ландшафт дизайни ҳам шундай шакллантирилганки, у йил давомида гуллаб турувчи шаҳарни эслатади. Баҳор келиши билан то кеч куз кунларигача гуллайдиган турфа олам ўсимликлар кўзни қувонтиради. Март ойидан бошлаб боғ-роғлару хиёбонларда кўз қамаштирадиган виола, лола, нарцисс, гулсафсар гуллайди. Апрель ойи охири – май бошларида атрофга майин исини тарқатади. Бир сўз билан айтганда, пойтахтимизда Президентимиз тавсия қилган “яшил дастур” доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар давом этади ва бундан кейин ҳам ўз самарасини беради.



6 июль... Бутун республика аҳли ҳар йили бу санани кенг нишонлаб келмоқда. Ушбу айём арафасида шаҳар кўчалари байрамонга тус олади. Боғ ва хиёбонларда ўтказиладиган маънавий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар, бу гўзал шаҳарни тараннум этувчи шеърларга, куй-қўшиқларга ҳамма вақт бой бўлади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Бугунги кунда “маданиятли” деганда кимни ва нимани тушунаси?
2. Астананинг маданиятга нима алоқаси бор деб ўйлайсиз?



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Замонавийлик маданиятлиликини билдирадими?
2. Маданий дид нима? Уни ким тарбиялайди?
3. Нимага қараб биз маданиятли ва маданиятсиз деган баҳо берамиз?
4. Астана шаҳри қайси дарё бўйида жойлашган? Нега Астана дарё ёқасига қурилди?
5. 1992 йилда шаҳарнинг тамал тошини қўйган ташаббускори ким бўлди?
6. «Яшил эл» дастури қандай аҳамиятга эга?



Ёзамиз

Сифатдошларни топинг, қўшимчаларини кўрсатинг.



Видеолавҳа томоша қиламиз



Сўзлаймиз

1. Астана – келажак шаҳри.

2. Қазақстан “National Geographic” мавзуларини ёритувчи видеолавҳаларни Интернет манбаларидан томоша қилинг.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

Мослаштиринг, тушунча ҳосил қиласиз!



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

77-машқ.



Матнолди топшириқлар.

1. Қизил (ранг, иш-ҳаракат ва ҳқ.) сўзига нарса-буюм номини қўшиб сўз бирикмасини ёзинг. Сўнгра сифатдошли бирикма ҳосил қилинг.

2. Қизил гул бирикмасида қизил сифати гулнинг доимий белгисини ифодаласа, қизарган гул бирикмаси гулнинг олдин қизил бўлмаганлигини, қизариш ҳаракати натижасида қизиллик белгисини олганлиги ҳақида фикрингизни айтинг.

3. Берилган тушунчани билиб олинг, хулосангизни айтинг.

Феъл каби иш-ҳаракатни англатади, ўтган, ҳозирги ва келаси замонда келади, нисбатни, бўлишли-бўлишсизликни билдиради. Мисол келтиринг ва қуйидаги намунадек ёзинг:

Қолган спортчилар олимпиада ўйинларидан сўнг ўз машғулотларини давом эттиришган эди.

Иш-ҳаракат маъноси, ўтган замон, бўлишли, биргалик нисбат

?



78-машқ.



Матнолди топшириқлар.



Ёзамиз

1. Ёзиб олинг. Шартларини мустақил тўлдиришни унутманг.

2. А қаторларида берилган сўз шакллари диққат билан таҳлил қилиб, улардаги қўшимча қачон *-кон, -кан, -ган* шаклида ёзилиши ҳақида хулоса чиқаринг. Сўзлар қаторини мустақил давом эттиринг.

3. Б қаторларда берилган сўз шакллари қиёслаб феълларга қачон ... ва қачон ... қўшимчаси қўшилиши ҳақида фикрингизни айтинг, исботланг, бўлишинг.

4. В қаторларда берилган сўз шакллари солиштириб, феълларга қачон ... , қайси ҳолатда ... қўшимчаси қўшилишини таърифланг. Сўзлар қаторини давом эттиринг. Ҳосил қилган сўзларингиз иштирокида сўз бирикмалари тузинг.

А. Экди – эккан; чекди – чеккан; тикди – тиккан; тўкди – тўккан.

Чикди – чиққан; ёқди – ёққан; боқди – боққан; уқди – уққан; қирқди – қирққан, ёғди – ёғқан.

Ёпди – ёпган; осди – осган; тилди – тилган; тилади – тилаган...

Б. Кўрди – кўрадиган, чизди – чизадиган, сузди – сузадиган, тикди – тикадиган...

Ўқиди – ўқийдиган, ишлади – ишлайдиган, таради – тарайдиган...

В. Бошлади – бошлаётган, сўради – сўраётган, пуркади – пуркаётган...

Шимди – шимаётган, бурди – бураётган, унди – унаётган, кулди – кулаётган, айтди – айтаётган...

Ботаётган қуёш, келаётган нотаниш киши, бошланаётган муаммо, сўзлаётган ўқувчи...



Жуфтликда ишлайми



Муҳокама қиламиз



Топшириқ устида ишлаймиз.

- Келаси замон: Феъл ўзагига + *-р, -ар, -а, -й* равишдош+ *-диган*
- Ҳозирги замон: *-а, -й* билан тугаган равишдош+ *-ётган*
- Ўтган замон: ўзак+ *-ган. (-қ, -г = -қан. -к, -г = -кан)*
- Сифатдошлар: айтган журналист, чиқ-чиққан чанғичи, йиғ-йиққан баллар, бук-буккан; сўзлай+ётган ҳакам, оқ+ар сув, қайна+р булоқ, борадиган спортчи, ўқийдиган мураббий...



БУ ФЙДАЛИ!

1997 йил 10 декабрда пойтахтни янги шаҳарга кўчириб келиш ҳақида қарор қабулланди. 1998 йил 10 июнда эса халқаро жамоатчилик учун янги пойтахт тақдимоти ўтди.

* * *

1998 йил 6 май куни Ақмўла шаҳрига Астана номи берилди.

* * *

1999 йил ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан Астанага “Тинчлик шаҳри” унвони берилди.

* * *

Астана шаҳрида Евроосиё Иқтисодий Иттифоқининг қатор бошқарув органлари жойлашган. Бугунги кунда шаҳарнинг халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларда ўз ўрни бор.

* * *

2016 йил 4 июлда Астана шаҳри аҳолиси бир миллион кишига етди.

* * *

Астана шаҳрида жаҳон меъморчилик санъати намуналари бўлган Байтерек, Қозоқ Эли монументи, Қозоғистон Республикаси Президенти қароргоҳи бўлган Ақ Ўрда биноси ва бошқалар кўплаб сайёҳларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда.



2-дарс: “КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ”!

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР МАРКАЗИ



Ўқиймиз



Мулоқот



Ёзамиз

79-машқ.



Матнолди топшириқлар.

Айтинг-чи, пойтахтимизда ўтказилган ЭКСПО-2017 ҳақида нималар биласиз?

10 июнь куни Қозоғистон Республикасининг пойтахти – Астана шаҳрида «ЭКСПО-2017» – Халқаро кўргазмаси очилди ҳамда ушбу Умумжаҳоний намоиш 10 сентябрга қадар давом этди. Муносиб ўтказилган Умумжаҳон намоишининг шиори “Келажак энергияси”, деб аталди. 2012 йилнинг 22 ноябрь куни Франция пойтахтида жойлашган Халқаро кўргазмалар бюросининг махсус анжуманида Қозоғистон Республикасининг пой-



тахти – «ЭКСПО-2017»-нинг ҳам пойтахти деб танланди. Бундай кўламдаги ҳамда йўналишдаги оламшумул намоиш мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Қозоғистонга насиб этганлиги улкан муваффақиятдир.

«ЭКСПО-2017» Астананинг умумий майдони 174 гектар майдондан ташкил топди. Бевосита Халқаро кўргазманинг қатнашчилари ўрин эгаллайдиган майдон 25 гектардан ортиқ. Жумладан, Қозоғистон Республикаси павильонининг майдони 5 минг квадрат метр. Қозоғистон павильонидаги кўргазманинг асосий объектига айланган “Нур-Алем” кошонаси жаҳонда энг йирик шарсимон кошона сифатида тан олиниб, баландлиги 100 метрга тўғри келади.



“ЭКСПО” Халқаро намоишларининг тарихи 1844 йилда ўз даврининг энг юқори чўққисига чиққан француз миллий кўргазмаларига бориб тақалади. Шундан кейин, Халқаро кўргазмалар бюросининг келишувига биноан, биринчи Умумжаҳон кўргазмаси 1851 йилда Англиянинг пойтахти Лондон шаҳридаги Гайд-паркда ўтказилганди. Айти муносабат билан атайлаб қурилган Биллур қаср мазкур мислсиз тантанадан ўчмас ёдгорлик бўлиб қолди. Шундан кейинги



Халқаро намоишларга бағишлаб бунёд этилган Париж шаҳридаги Эйфель ми-
нораси, Александр III кўприги (Франция), Вена шаҳридаги Ротонда кошонаси
(Австрия), Мельбурн шаҳридаги Қироллик кўрғазма павильони (Австралия),
Брюссель шаҳридаги “Атомиум” иншооти (Бельгия) ҳам турли замонларда,
турфа маконларда ўтказилган «ЭКСПО» Халқаро кўрғазмаларининг унутилмас
тимсолларига айланди. Ўзининг 166 йиллик кечмишида «ЭКСПО» Умумжаҳон
намоишлари Ер сайёрасининг турли бурчакларида 71 марта ўтказилди ҳамда
ҳар қайсиси ўзига хос оламшумул воқеалар ва янгиликларга бой бўлди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Мулоқот

1. ЭКСПО ҳақида эгаллаган маълумотлар асосида партадошингиз билан диалог тузинг.

Мулоқот учун таянч сўз ва бирикмалар: *Элбоши ташаббуси; Ўрта Осиёда биринчи; биз шундай шарафга эга бўлдик; Келажак энергияси ҳаммамиз учун, жаҳон учун; зарурат.*

Гуруҳда ишлаймиз



2. ЭКСПО-нинг эмблемасини тасвирлаб чизинг.
3. Расмларни номланг. Мантиқий фикрланг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

4. ЭКСПО – Халқаро кўрғазмалар тарихидан. Қозоғистон. ЭКСПО-гача уч йил. Ҳужжатли фильм.
5. Аввал сифат, сўнг сифатдошларни аниқланг, уларнинг бўлишли ёки бўлишсизлиги, нисбати, замонини ҳам кўрсатинг. (ўтказ+ил+аётган,-ил+ган).



Ёдда сақланг!



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

Смарт жадвалда берилган тушунчаларни ва мисолларни ўзаро мослаштиринг. Сифатдошларнинг ясалиши ҳақида хулосангизни айтинг.



Жуфтликда ишлаймиз



Мулоқот

80-машқ. Ўзингизни синаб кўринг. Сифатдошни аниқланг, бўлишсиз шаклида ўқинг.

Ўзинг билмаган, тушунмаган ишга киришма, қайси бир ишга киришмоқчи бўлсанг, ўзинг билган ақлли, тажрибали киши билан кенгаш, унинг маслаҳатига қулоқ сол, сўнгра иш бошла. Шундай қилсанг, ўзингни хатолардан сақлайсан. (Ж. Румий)



Ўқиймиз



Тинглаймиз

81-машқ. Шеърни ифодали ўқинг.

Ассалом, Астана!

Кимга ижод бахтдир, кимга бахт – сафар...
Навқирон Астана бағрига чорлар.
Шеър ёзиб мақтайин бу кун ярашар,
Ассалом, Астана, мунаввар шаҳар!



Мендай ошиқ бўлар бир кўрган киши,
Гарчанд таъби инжиқ, қаҳрли киши.
Гўзалдир бетакрор, сержилва Ишим,
Ассалом, Астана, мўътабар шаҳар!

Юртимда буғдойнинг дони қадалган,
Жаҳонга шуҳрати, номи таралган.
Бугун пойтахт бўлиб қайта яралган.
Ассалом, Астана, муҳташам шаҳар!

Мустақил, муқаддас, чўнг рубъи маскун,
Чиройинг ўзгача, айладинг мафтун.
Желтўқсон сен учун энг шарафли кун,
Ассалом, Астана, мукаррам шаҳар!

Қўриқ замин узра яралди зўр боғ,
Беназир элимга бердинг интибоҳ,
Шоиринг шаънингга дoston битар чоғ –
Ассалом, Астана, муаззам шаҳар!

З. Мўминжонов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Сўзлаймиз

Шеър мазмунини қайта ҳикоя қилинг.



Муҳокама қиламиз

1. Шеърнинг асосий ғоясини аниқланг.
2. Берилган гаплардан сифатдошларни топинг. Сифатдошларга сўроқ бериб, унга боғланиб келган сўзларни аниқланг.



Ёзамиз

-ган,-кан, -қан, -р, -ар, -ма+с қўшимчалар иштирок этган сифатдошлар ясанг, гап тузинг.

Шарти:

- а) уч замонда бўлиши.
- б) бўлишли ва бўлишсизликда кўрсатилиши;
- в) нисбатларда ҳам кўрсатилиши керак.



3-дарс: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТИНЧЛИК ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН МАНГУ ЭЛ ПОЙТАХТИ

82-машқ.



Матнолди топшириқлар.

Трансформацияланган жумлаларнинг мазмунини тузатинг, яъни тартиби бузилган гап бўлакларини ўз ўрнига қўйиб кўчиринг.

Астана қувонтирмай шаҳрининг биримизни номи дунёга таралаётгани ҳар қўймас. Мустақиллик ўзгача чирой йилларида очиб, гўзаллашаётган бу шаҳар келгусида номини жаҳон илм-фан ва маданиятининг бешиги оладиган бўлса, бу аввало, юртимиздаги барқарорликнинг тобора бораётганидандир мустаҳкамланиб. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, истиқлол туфайли асраб-авайлашимиз эришилган бу кунларни қадрлашимиз, даркор. Давр шиддат билан олға илдамлаб бораёпти. Юртимиз ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши учун бор имкониятлар ишга солинаяпти. Бунинг самараси эса яққол намоён бўлиб бормоқда. Зеро шаҳару қишлоқларимиз кун сайин обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги ошиб бораёпти. Астана айланиши эса Евроосиёнинг марказига кутилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар салмоқли эканини кўрдик. Келажак қадам сари дадил ташлаётган эканмиз, бугунги кунимиз эртага тарих бўлиб қоларкан, янада унумли этилади меҳнат қилишимиз талаб. Эл-юртимиз сақлаш эришган бу буюк ғалабаларни ишлашимиз учун тинмай тер тўкиб керак.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Сўзлаймиз

1. Матн мазмунини қайта ҳикоя қилинг. Машқнинг шарти сизга нимаси билан ёқди?
2. Равишдош, сифатдошларни аниқланг.



Муҳокама қиламиз

3. “Астана – жаҳон илм-фан ва маданиятининг бешиги” деган фикрга муносабат билдиринг, фикрингизни далилланг.
4. Юртимиз ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?
5. Фаровонлик тушунчасини “*Кластер*” усули ёрдамида очинг.





Ўқиймиз

83-машқ. Матни “Жигсо” усули орқали ўқиб, ўзлаштиринг, топшириқларни бажаринг. Матни абзацларга ажратинг.

Пирамида – тинчлик, тотувлик рамзи

“Тинчлик ва Тотувлик саройи” Қозоғистон халқларининг бирлиги, дўстлиги, ҳамжиҳатлилигининг рамзи бўлиб келмоқдадир. Аслида ёш пойтахтда Пирамида шаклида Дунёвий ва анъанавий динларнинг вакиллари, диндорлари ўзаро бирдамлик ҳақида мулоқот қиладиган “майдон” сифатида, анжуманларини ташкиллаштириш мақсадида қад кўтарган иншоотдир. Бундай ноёб, эзгуликка хизмат қиладиган иншоотни қуриш ташаббусининг муаллифи Қозоғистоннинг биринчи Президенти Н.А.Назарбаев бу ҳақда Астанада 2003 йили Дунёвий ва анъанавий дин уламоларининг I анжуманида айтиб ўтган эди. Орадан атиги уч йил ўтгач, 2006 йилда саройнинг очилиш маросими бўлди. Шунинг натижасида ХХI асрнинг оламшумул воқеаси, II анжуман Астанада “Тинчлик ва Тотувлик саройи”да ўтказилди. Шунинг учун пойтахтимиз Астанани дунёдаги инсоният учун муҳим муаммолар, низолар, келишмовчиликлар ҳал қилинадиган Евроосиёнинг юраги, Ер шарининг тотувлик маркази деб айтоламиз. Тинчлик ва Тотувлик саройи, фақат ҳашаматли қурилган биногина эмас, бу бутун жаҳон диндорларини бир думалоқ стол атрофида йиғилиб меҳр-оқибат, чидамлилиқ, матонат, сабрлилиқ, қатъиятлиқ, инсонийлик, эзгулик, камолга етиш, тотувликни топиш – умуман, толерантлилиқ ҳақида суҳбатлашадиган маскан, жой, юрт – бизнинг Ватан. Биз ҳозирги кунда милатлараро муносабатлар маданиятининг янги кўринишини бутун дунёга таратаётган “жаҳоний андаза” ҳисобланамиз. Чунки бизнинг Ватанда бундай тушунчалар, яъни толерантлилиқ тушунчаси – ўзаро ҳурмат, меҳрибонлик азалий, чуқур илдизга эга. Биз тараққиётнинг тинчлик йўлини танлаган Мангу Элмиз. Бизнинг бундай тараққиёт йўлимиз – хазина. Ва бу хазинани сақлаш, кўз қарочиғидай асраш бизнинг, сизнинг – келажак авлоднинг фарзи деб билмоғимиз даркор. Унутманг, толерантлилиқ бу – фаросатлилиқнинг намунаси. Ана шундай фаросатлилиқнинг яққол кўриниши 25 йил аввал президентимиз ташаббуси билан тузилган яна бир Қозоғистоннинг миллатлараро тотувликни насихат қилувчи “бренди”– “жаҳоншумул андаза” бўла оладиган Ассамблеядир. Қозоғистон Халқлари дўстлиги Ассамблеяси каби йирик ташкилот қайси мамлакатда бор?! Қайси мамлакатда муаммолар тинчлик йўли билан, тотувлик ҳисси билан ҳал қилинаётир?! Тарихини эъзозлаган, келажакни ўйлаган фақатгина бизнинг юртда Пирамида турк қурувчилари компанияси “Сембол Иншаат” томонидан қурилган. Пирамида майдони 28 минг кв. м. ни ташкил қилади. “Тинчлик ва Тотувлик саройи” замонавий ёритгичлар билан жиҳозланган. Унинг



кўргазма заллари, бадий галереялари, опера зали, қишки боғлари замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Опера зали 1300 кишини сиғдириб, оркестр жойи ва сахна турли кўринишлар намоиши учун мўлжалланган. Опера концерт зали очилишида дунёнинг таниқли тенори, опера санъатининг машҳур ижрочиси Монсеррат Кабалъе концерти билан очилган. “Хеопс Атриум” зали икки минг квадрат метрни ташкил этади ва бу зал тўртта катта галереяларни бирлаштириб туради, бир вақт ичида мингдан ортиқ кишиларни жойлаштира олади. Энг юқори қаватда эса “Бешик” зали шишали гумбаз шаклида ясалган. Марказда шаҳар меҳмонлари “Қуланши” ва “Шежире” галереясида маҳаллий халқларнинг замонавий санъат асарлари билан танишадилар. Бу галереяда кўргазмалар, Қозоғистон рассомларининг ижодий кечалари, Узоқ ва Яқин шарқ халқларининг ижодий кўргазмалари ўтказилади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Сизнингча, “Тинчлик ва тотувлик саройи” яна қандай тушунчаларнинг рамзи бўла олади?
2. Саройнинг архитектори ҳақида нима биласиз?
3. Саройнинг юқори қисмида рассом Брайан Кларк қайси қушларнинг кўринишини тасвирлаган ва у ниманинг рамзи?



Мулоқот

4. Пирамида шакли, шу хил қурилишлар ҳақида нима биласиз?
5. Толерантликни “кенгфеъллик” тушунчаси деб олсак, унга қарама-қарши қандай тушунчани келтирса бўлади, деб ўйлайсиз?



Ёзамиз

6. Равишдошларни аниқланг, ясалишини тушунтиринг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

3Д виртуал саёҳат уюштиринг.



Билиб олинг!



Ёдда сақланг!



Топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

Юқоридаги маълумотларни мослаштиринг, мисоллар келтиринг, хулоса чиқаринг.



Ўқиймиз

84-машқ.

А. 1. Овчи эмаклаб қушга яқинлашди. 2. Илёс югуриб кўчага чиқди. 3. Хо-нага шошиб-пишиб кирди. 4. Чопар ҳам, от ҳам ҳансираб нафас оларди. 5. Бу гуллаб-яшнаётган Ватан ҳаммамизники. 6. Уй топшириқларини бажариб, бироз мусиқа тингламоқчиман.

Б. 1. Болалар қизиқчининг нағмаларидан кула-кула тиззаларига қўлларини урар, ўринларидан сакраб кетар эдилар. 2. Йигит йўл юрса ҳам, мўл юрибди. Юра-юра бир кўл қирғоғига чиқибди. Бу ҳангомаларни эшита-эшита энсам қотган эди 3. Унинг бемаъни ваъзларини тинглай-тинглай чарчадим (О.).

В. 1. Наргиза кетди шаҳарга қараб. 2. Шерзод кириб ҳовлига шошилиб келди. 3. Иншони оққа акасига кўчириб, ўқиб берди. 4. Воқеани берди сўзлаб кула-кула. 5. Бола тинглай-тинглай қолди эртакни ухлаб.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. А топшириқда берилган гаплардан - ..., -... қўшимчали равишдошларни топинг ва қачон - ... ва қачон -... қўшимчаси қўшилиши ҳақида хулоса чиқаринг.
2. Б топшириқда берилган равишдошдан англашилган иш-ҳаракатнинг замони феъл-кесим англатган ишнинг ҳаракат замони билан қандай муносабатда бўлишини аниқланг.
3. В топшириқда берилган гаплардаги -б, -иб ва -а, -й қўшимчали бўлишли равишдошларни бўлишсиз равишдош билан алмаштириб, гапларни кўчиринг. Бўлишсиз равишдош қандай ясалишини тушунтиринг.



4-дарс: АСТАНА ЦИРКИ–ХХІ АСР

“УЧАР ЛИКОПЧА”СИ!



Ўқиймиз



Гуруҳда ишлаймиз



Ёзамиз

85-машқ.



Матнолди топшириқлар.

1. Циркда бўлганмисиз?
2. У ердан қандай таассуротлар билан қайтгансиз?
3. Матнларни “Жигсо” усули орқали ўзлаштиринг.

Цирк (лот. *circus* – айлана) – томоша санъати. Бу санъат тури Қадимги Римда отларнинг чопиши турида мавжуд бўлган. Римликлар пойтахтида Катта цирк (*Circus Maximus*) қурилган. Шунингдек, аренаalarda гладиаторлар жанглари ҳам ўтказилган. Ҳозирги циркдан мазмун-моҳияти билан катта фарқ қилган. Циркнинг ҳозирги кўринишига яқин томошалар 18 аср охирларида Францияда пайдо бўлган. Унинг асосчилари англиялик ота-бола чавандозлар бўлди. 1774 йил улар Парижда юмалоқ бино қуриб, уни цирк деб аташади ва акробатли машқлар билан отларда чопиш томошаларини кўрсатадилар. Улардан сўнг италияликлар ҳам 2700 томошабинни сиғдирувчи цирк биносини қуриб, дастурига пантомими киритадилар. Шундан сўнг цирк бутун Европага тарқалади. Ўргатилган ҳайвонлар чиқиши эса 19 аср охирларида барча цирк дастурларидан ўрин олади. Париж цирклари энг яхши ва ҳайратомуз цирклардан бўлган.

Архитектураси ўзгача Астана цирки юқори технологияли иморат ҳисобланади. Темирдан ясалган “учар лycopча” тuzилишидаги, айланаси 92,6 метрли иншоот





МДХ давлатлари орасида иккинчи ўзгача цирк (Қозон циркининг тузилиши ҳам шундай). 2005 йил ўз фаолиятини бошлаган цирк шаҳарнинг марказида Қабанбой ботир шоҳ кўчасида жойлашган. Лойиҳа муаллифи таниқли меъмор Тўлаган Абдилда. Цирк аренасининг айланаси 13 метрли бўлиб (19 асрдан бошланган дунёвий стандарт, отларнинг қулай чопиши учун), 2000 томошабинни сиғдира олади. Бино, шунингдек, муз ойдинига ҳам ўзгартирилиб, лазерли томошалар ҳам уюштирилиши мумкин. Цирк биноси замонавий талабларга жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди ва ҳақиқий ижодий устахонага, изланиш ва тажрибалар масканига айлантирилди. Пойтахт циркида шу санъатнинг деярли барча жанрлари мавжуд: акробатика, эквелибристлар, гимнастика, иллюзия (кўзни алдов), катта-кичик йиртқич ва уй ҳайвонлари дрессураси (ўргатиш), клоунада (масхарабозлик). Шунингдек, цирк тасарруфида арслон, айиқ, отлар, понилар, туя, маймун ва бошқа жониворлар “хизмат” қиладилар. Албатта цирк хизматкорлари ҳам жаҳон миқёсидаги танловларнинг “Цирк санъати” номинацияларининг совриндорларидир. Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист Б. Жумағулов бошқараётган бу циркда: Қозоғистоннинг Халқ артисти дрессировкачи Салмор Ўрманбетов ва избосар ўғли Чингиз Ўрманбетов; арслонлар дрессировкачиси хитойлик Хан Тачо; гимнастчилар мураббийси хитойлик Цай Шуци; саҳналаштирувчи-режиссёр Россия Халқ артисти Леонид Карпенко, жами 320 фидойи санъат усталари фаолият юритмоқдалар. Цирк аренасида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган артистлар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Шунингдек, бизнинг санъаткорлар ҳам ўз навбатида маҳоратларини дунёнинг энг яхши циркларида намойиш этмоқдалар. Атаб айтсак, улар гастрол сафарлари билан Россия, Ўзбекистон, Туркия, Хитой, Туркменистон, Грузия, Қатар, Эрон, Япония ва ҳк. мамлакатларнинг ареналарида томошалар кўрсатиб келишмоқда.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

“V” – биламан
 “+” – билмайман
 “–” – янги ахборот
 “?” – тушунмадим

1. Матнни “Инсерт” усулида белгилаб чиқинг.
2. Цирк хизматкорларини айтинг: рассом..., ..., ...



3. “Астана циркида” мавзусида газетага мақола ёзинг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

4. “Цирк дю солей” – “Қуёш цирки” намоишларини томоша қилинг. (2012 йили Астанада томоша кўрсатилган)
5. Циркнинг ижобий ва салбий томонларини “Т-жадвали” асосида айтинг.

ЦИРК	
Ижобий	Салбий

Баҳс-мунозара усулидан фойдаланинг. “Ёқловчилар – қораловчилар” исбот-далилингиз асосли бўлсин.



Муҳокама қиламиз

6. “Ақлий ҳужум”: Ёввойи жониворлар табиий қўриқларда яшаши керакми? Ундай бўлса, инсон нега уларни қафасда ушлайди?



Ёзамиз

7. Матн таркибидан феълларни топинг, содда феъллар иштирок этган гапларни ёзиб олинг.

86-машқ. Феълларни аниқланг.

Дорбозлик қадим тарихга эга. Баъзи манбалар Амир Темур саройида дор ўйинлари кўрсатилганини тасдиқлайди. Ўзбек дорбозлари 25–30 м баландликдаги устунларга қия қилиб тортиладиган арқон устида лангар-чўп билан боғлайдиган ўйинларни: югуриш, сакраш, оёқларга пичоқ ёки патнис боғлаб, шунингдек, кўзни боғлаб, бошга халта ёки қозон кийиб юриш, якка ва қўш чиғириқда ўйнаш каби турли-туман машқларни бажарган. Дорбозлик, дор ўйини – баланд дор устида томоша кўрсатиш санъати, цирк санъати жанридир. Унда дор устида ҳар қандай нотурғун ҳолатда ҳам гавда мувозанатини сақлаш маҳорати намоиш этилади.



Мустақил савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Аввал содда феъллар, сўнг қўшма феълларга мисоллар келтириб ёзиб олинг. Қуйидаги СМАРТ жадвални А4 русумли қоғозда бажаринг.






87-машқ.  Матнолди топшириқлар.

 Ёзамиз  Якка тартибда ишлаймиз

1. Туб феълларга мисоллар ёзинг.
2. Қуйидаги феълларни тўлдилинг ва давом этинг. Хулосангизни айтинг.

Оқ..., сув..., туз..., салом..., кўк..., гумон..., гап..., сўз..., фикр..., шод..., арра..., чоп...

 **Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.**

 Жуфтликда ишлаймиз  Ёзамиз

1. “Ассоциация” усули асосида цирк сўзига таъриф беринг.



 **Суҳбатлашамиз**

2. Астана циркига гид ролида фотосаёҳат уюштиринг. Сиз савол қўйинг, дўстингиз жавоб берсин. Шарти: ким кўп феъл сўзларини қўллайди? **Намуна:**
 - Астанада чиройли цирк бор дейишади, эшитгандирсан?
 - Эшитганман-у, лекин кўпроқ у ҳақида ўқигандим.





5, 6-дарс: ҲАЁТ ДАРАХТИНИНГ ИЛДИЗЛАРИ...



Ўқиймиз




Жуфтликда ишлаймиз



Мулоқот

88-машқ. Ўқинг. Расм асосида ишланг.

“Атамекен” – Отамакон Қозоғистон Харитаси” этномемориали 2001 йил 8 декабрда юртбоши ташаббуси билан пойтахтда очилган. Лойиҳаси “Қоздизайн” ёрдамида ишланган. Лойиҳанинг муаллифлари таниқли архитектор ва дизайнерлар Т.Сулаймонов, А.Ордабоев, С.Баиров, А.Кайнарбаев, Н.Анаркулов ва А.Кенжетаев. Харитада 14 вилоят ва 2 йирик шаҳарлар Астана ва Алмати ўрин олган. Бунда шаҳар ва вилоятларнинг табиати, жойлашиш иқлими, энг асосийси, маданий ва тарихий ёдгорликлари кўрсатилган...



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Мемориал, этномемориал тушунчаси ҳақида фикр алмашинг.
2. Отамакон сўзига муносабат билдиринг. Харита сўзини унутманг.



Гуруҳда ишлаймиз Мулоқот

3. Жуптликда олган тушунчаларингиз билан гуруҳингизда ўзаро фикр алмашинг.
4. Қозоғистон ҳудудини вилоятларга ажратинг, номини, табиатини, об-ҳавосини, таниқли мемориалларини, буюк сиймолар ҳайкалларини ва ҳк. айтинг. Матни ижодий давом эттиринг.



Якка тартибда ишлаймиз Ёзамиз

89-машқ. Смарт жадвални бажарамиз.

олди-олди, гапира-гапира...
 борди-келди, ўтди-кетди...
 олиб бормоқ, ёзиб кўрмоқ...



Якка тартибда ишлаймиз Ёзамиз

90-машқ. Шеър мисраларини жойлаштиринг. Ўқинг. А 4 русумли қоғозда бажаринг.





Муҳокама қиламиз

Ушбу шеърнинг мазмуни сизга нимаси билан ёқди? Шеър мазмунига мос халқ мақолларини биласизми?



Ўқиймиз



Ёзамиз

91-машқ. Матни хатбошиларга ажратиб ўқинг. Давомини ёзинг. Феъллардан жуфт феъллар ясаб ёзинг.

“Байтерек” мажмуаси Қозоғистоннинг тўнғич Президенти ташаббуси билан қад кўтарган мажмуалардан биридир. Оламнинг “етти мўъжизаларидан” бири бўлган бу монумент Акмурза Рустамбеков лойиҳаси билан ишланган. Бу монумент пойтахтни Алматидан Ақмўлага кўчириш рамзи бўлган эди. “Байтерек” Қозоғистон халқи ҳаётидаги мустақил, янги босқичга дадил қадам қўйиши, бутун Қозоғистоннинг бирдамлигининг рамзи сифатида бунёд этилган. Ушбу қурилма темир, бетон ва ойнадан ясалган: баландлиги 97 (умумий 105) метрли темир қурилма, оғирлиги 1000 тоннадан ортиқ бўлиб, беш тармоқли “илдиз” тирагичда туради. Байтерекнинг юқори қисмидаги диаметри 22 метрли оғирлиги 300 тоннали “хамелеон” ойнасидан ясалган шар кишини ҳайратга солади.



Гумбаз ўртасида қозоқ халқида рамзий маънони англатувчи “Меҳрибон ўнг қўл” (“Аялы алақан”), яъни Элбошининг ўнг қўли излари туширилган яна бир бадиий композиция келувчиларнинг буюк ишларга даҳлдорлигини ҳис этиши ва ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш учун катта аҳамият касб этиб келмоқда. Монумент марказида дунё динларининг бирдамлигини англатувчи жаҳоннинг 17 дин вакилларининг имзолари чекилган ёғочдан ишланган Глобус ўрнатилган. “Байтерек”нинг рамзий маъноси кўч-



манчиларнинг қадимий тарихига боғлиқ. Дарахтнинг бош қисмида ҳар йили муқаддас Семурғ қуши тухум қўяди. Бу тухум – Қуёш. Бироқ ҳаёт дарахтининг остида яшовчи ёвуз Аждарҳо (Айдаҳар) қуёшни ютиб қўяди. Шунинг билан тун ва ойнинг, ёз ва қишнинг, ёвузлик ва эзгуликнинг ўзаро абадий курашининг рамзи бўлиб қолади. “Байтерек” ёш, чидамли, жуда мустаҳкам дарахт бўлиб, янги, ёш мустақил давлатимизнинг тарихий илдизларига эгаллиги, келажак сари дадил қадам ташлаётганлигининг рамзи ҳамдир.



Астана юраги “Байтерек” атрофида катта сайилгоҳлар, байрамлар ва тадбирлар ўтказилиши мумкин бўлган хиёбонлар бор. 2010 йилда United Buddy Bears – “Айиқлар ҳамдўстлиги” номли халқаро Берлин кўрғазмаси ўтказилди. Дунёнинг ҳар хил бурчакларидан келган рассомларнинг қўлидан чиққан 125 ноёб санъат асарларининг бир майдонда – Астана юрагида бош бириктирганликлари, ўз навбатида, бу кўрғазманинг ўзгачалигидан далолат беради. Кўрғазманинг мақсади миллатлар, халқлар орасидаги меҳр-оқибатни, тотувликни ривожлантиришдир. Монумент баландлиги 97 метр бўлиши бежиз эмас, чунки...?

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

Яқунланмаган гап усули

Астанага келди-кетди кўп. Сайёҳлар.....

“Байтерек” атрофида

Кабутарлар донлаб

Боғларда.....

Ҳовузларда



Гуруҳда ишлаймиз



Мулоқот

1. Матни қандай номлаган бўлардингиз?
2. “Байтерек”нинг рамзий маънолари ҳақида қандай хулосага келдингиз?
3. Ёғочдан ишланган Глобус қандай мақсадда ўрнатилган?
4. “Айиқлар ҳамдўстлиги” кўрғазмаси инсонлар, умуман, мамлакатлар учун қандайдир аҳамият касб этадими? Нимагадир ўргатадими?



Ёзамиз

- Матн асосида очиқ саволлар тузинг, сўнг гуруҳингиздаги энг яхши саволларни ён гуруҳларга беринг, жавобини тингланг.



Жуфтликда ишлаймиз

92-машқ. Тушунчаларни ўзаро мослаштиринг. Хулоса чиқаринг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

- Ўйин ва қийин сўзларига **-а** қўшимчасини қўшилиши ва ёзилишини худди юқорида кўрсатилган СМАРТ жадвал сифатида А4 русумли қоғозга бажаринг. Хулосангизни айтинг. 3-4та гап тузинг.



Ёзамиз



Гуруҳда ишлаймиз

93-машқ. Ўзингиз мустақил матн тузинг, номланг. ЭКСПО-да қатнашиш хаёлий бўлса ҳам, вазифага жиддий ёндашинг.

Шарти: ЭКСПО-да иштирок этган мамлакатларни ёзинг, гуруҳингизда кўр-газмадан бир павильон ажратинг ва танлаган мавзуингизда тақдимот ўтказинг (экология, келажак энергияси, илмий тадқиқот ва ҳк.). Содда, қўшма ва жуфт феъллар ишлатинг.

Намуна:

Табиатни муҳофаза қилишда нефть қолдиқларини тозалаш бўйича нано-технологик сузгичларнинг роли.

Фазони ахлат жисмлардан тозалаш йўллари (лойиҳасини таништиринг).



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Гуруҳда ишлаймиз

1. Гуруҳингизда бошлаган лойиҳани ўзга гуруҳлар давом эттириши мумкин.



Якка тартибда ишлаймиз

2. Дунё пойтахтлари. Мослаштира оласизми?



Билиб олинг! Ёдда сақланг!



Қилмоқ, бўлмоқ, бермоқ, олмоқ, қўймоқ, чекмоқ каби феъллар от, сифат ва сонлар билан қўшилиб, битта маъно ифодалайди ва қўшма ёки таркибли феъллар ҳосил қилади ҳамда улар ҳамиша ажратиб ёзилади.



7-дарс. АСТАНА: БОЛАЛАРНИНГ УМИД РАНГЛАРИ



Билиб олинг!



Ёдда сақланг!

Юриш, судралмоқ, учмоқ, югурмоқ, кетмоқ, ажрамоқ, сакрамоқ, бормоқ...
Демоқ, айтмоқ, гапирмоқ, бақирмоқ, сўзламоқ, сўрамоқ, илтимос қилмоқ, таклиф қилмоқ, қичқирмоқ...
Фикр қилмоқ, ўйланмоқ, хаёл сурмоқ, тасаввур қилмоқ, хулоса қилмоқ, таъриф бермоқ...
Қурмоқ, ёзмоқ, чизмоқ, тозаламоқ, рандаламоқ, чопмоқ, олмоқ, бузмоқ, учирмоқ, пиширмоқ, қиздирмоқ, бўямоқ...
Турмоқ, ўтирмоқ, тушмоқ, қувонмоқ, ранжимоқ, қизармоқ, хафа бўлмоқ, чақирмоқ, озор бермоқ...
Айтиб берди, кўриб қолди, кузатиб турди, ўйлаб кўр, сездириб қўйди, ўқиб берди, ёзиб юрди, бажариб бўлади...

Тафаккур феъллари

Нутқ феъллари

Юриш-ҳаракат феъллари

Ҳолат феъллари

Натижали фаолият феъллари

Нутқ -ҳаракат феъллари



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

94-машқ. Матни қавс ичида берилган феъллардан мосини қўйиб кўчиринг.

1. “Думан” кўнгили кўтариш марказида оиламиз билан ... (дам оламиз, шодланамиз). 2. Марказда театр, океанариум, 3D-кинотеатри, “Жунгли” аттракционларини кўриб ... (қолдик, хурсанд бўлдик, таклиф қилдик). 3. У муҳитдан 3 минг чақирим узоқликда жойлашган дунёдаги ёлғиз океанариум эканлигини ... (тасвирлади, айтиб берди). 4. Уни қуриш учун 120 тонна денгиз тузи ... (ўйлаб кўринг, олиб келинган) 5. Дунёдаги денгизда сузувчи жонзодларнинг 2000 тури ... (бор экан, мавжуд, кўриб қолдик) 6. Биз уларни 70 метр узунликдаги ярим ойсимон тоннелдан ... (кузатиб турдик, тасаввур қилдик). 7. У ерда акулаларни(га) ҳам...(таъриф берилган, кўра оласиз), уларни овқатлантириш учун махсус тайёргарликдан ўтган сув ости сузувчилари ... (бажарадилар, ишлайдилар, сезиб қўйдилар).



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Гиднинг сўзини ёзинг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

Хабар 24.Парадный вход.(Д.Алейников)

Думандаги Жунгли, Аниматроникслар соябоги, Океанариум ва ҳк.

2. Расмлар (ёки видеолавҳа) асосида саёҳат ўтказинг. Бунда гид ролида тушунча беринг. Энг яхши гид ён гуруҳларга тақдимот ўтказсин.



95-машқ.



Матнолди топшириқ:

Ногирон болаларга кўзқарашингиз қандай? Шерингиз билан суҳбатлашинг. Матни давом эттиринг. Сарлавҳа қўйинг.

Астанада ҳар йили октябрь ойининг иккинчи якшанбасида элимизда ногиронлар куни аталиб ўтади. Шу кунлари пойтахтдаги барча имконияти чекланган ногиронларга бағишлаб турли маданий, соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади.



Астана шаҳрининг “Ёшлар” саройи майдончасида “Ногирон болалар жамияти” уюштирадиган “Кузги бал” ҳам ташкил этилади. Шунингдек, “Эзгулик ва умид ранглари” номли ёш рассомларнинг ижодий танловлари ўтказилади. “Олам болалар нигоҳида” номли болаларнинг амалий санъат намуналари



кўрғазмаси ҳамда “Спортландияга саёҳат” жисмоний беллашувлар, шахмат ва шашкадан мусобақалар бўлиб ўтади.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матнни давом эттиринг. Сарлавҳа қўйинг.
2. Матнда феълнинг маъновий гуруҳлари иштирок этсин.



Мулоқот

1. Диалог сифатида давом эттиришингиз мумкин.

Намуна:

- Дўстим, биласанми, ногирон инсонлар билан суҳбатлашсанг, ҳаётга кўзқарашинг ўзгаради,– дейдилар.
- Ҳа, гоҳида бутун дунёда ногирон болалар соғайиб кетишса эди, дея хаёл сураман.
- Улар ҳам жамиятимизнинг тўлақонли аъзолари-ку!..



Билиб олинг! Ёдда сақланг!



SMART жадвал билан ишланг. Мисоллар келтиринг.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

96-машқ. Феълларни маъновий гуруҳларга ажратинг ва белгиланг.

I. Тасвирий баённи давом эттиринг. Саёҳатчилар Биринчи Президент давлат музейини томоша қилдилар. Азаматжон масалани осонгина ечди. Мен кўчада Дилшоджонни кўрдим. Астана об-ҳавоси ўзгарувчан, бирданига осмонни булут қоплайди. У онасидан келган хатни ўқиди. Ўзбек драма театрида янги спектакль,



чипталарни сотиб олинг. Мен Астанада бўлишимдан аввал бундай биноларни кўрмагандим.

II. Ёзиб олинг. Сайёра ... бажарди. Ёмғир ... жиққа нам қилди. Гулнора опа ... уришди. Кутубхонадан ... олди. Шамол ... тарсиллатди. Биз ... боғини томоша қилдик. “Хан шатир” ... кўрганмисиз? ... биносини бориб кўрдик.

III. Ўқинг. Хулоса чиқаринг.

Ўқитувчилар ўз фикрларини билдирдилар. Ўқувчилар ҳам тез фикрлашади. Аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши. Ақл бўй билан эмас, ўй билан ўлчанади. Ақлли ишига ишонади, ақлсиз тушига. Ақлнинг қўли ишлар, ақлсизнинг тили ишлар. Биров боши билан ишласа, биров оёғи билан ишлар. Тентак тўрини бермас. Яхши-ёмоннинг фарқи бормаган, арзон-қимматнинг нархини билмайди. Қўйма ақл бўлмаса, туртма ақл кеч бўлур. Айбсиз дўст ахтарган дўстсиз қолар.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Ўқиймиз



Ёдда сақланг!

1. Тушунча ҳосил қилинг!
2. Мустақил мисоллар келтиринг, гап тузинг. Шарт: гапларингиз Астана мавзусида бўлсин.





8-дарс. ТЕАТР – ҲАЙРАТ САНЪАТИ



Ўқиймиз

97-машқ. Матнни қайта ҳикоя қилинг.

Театр – юнонча “театрон” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “томошагоҳ” маъносини англатади. Актёрларнинг саҳна ҳаракатлари орқали ҳаётни, ҳаётини ҳодисаларни бадиий акс эттирувчи санъат тури. Ёки шундай санъат намойиш қилинадиган, томошалар кўрсатиладиган бино тушунилади. Умумий маънода эса актёрларнинг саҳна орқали кўрсатиладиган томошаси, спектакль назарда тутилади. Театр санъати узоқ тарихга эга бўлиб, Юнонистон, Ҳиндистон, Марказий Осиёда милoddан аввалги IX асрдаёқ жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ҳиндистонда театр санскрит тарзида халқ театри шаклларида ҳамда “Маҳобхорат” ва “Рамаёна” дostonлари билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Драматургия ва саҳна санъати ҳақида “Натъяшастра” номли рисола яратилган. Кейинроқ театр Яқин Шарқ ва Римга ҳам ёйилган. Айниқса, Римда театрнинг янги шакли ва турлари яратилган.

Милoddан аввалги VI-VII асрдаёқ Туронда икки тоифа: кулгили ва қайғули томошалар шаклланди. Юнон Бақтрия подшолиги даврида Ойхоним, Ниса шаҳри Ғулғулада махсус театрлар бўлиб, уларда Эврипиднинг “Алкеста”, “Ипполит” каби трагедиялари кўрсатилганлиги маълум. Милoddан аввалги I асрлардан милodий IV-асрда Кушон давлатида турли театрлаштирилган томошалар мавжуд бўлган. Аста-секин Туронда театр санъати диний маросимлар қобиғидан чиқиб, дунёвий мазмун касб этади – инсон ҳаёти, ижтимоий муносабатларни тасвирлашга эътибор кучаяди. VI-VII асрларда Турон юртидан чиққан чолғучилар, актёр ва раққосалар Буюк ипак йўли орқали қўшни юртларга ижодий сафар қиладилар. Темурийлар даврида театр санъатида кескин юксалиш рўй берди. Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихоларнинг маълумотларига кўра, бу даврда пойтахт Самарқанд ва бошқа нуфузли шаҳарларда оммавий театрлаштирилган майдон томошалари уюштирилган. Анъанавий театр ва бошқа санъат томошалари айниқса, Мирзо Улуғбек даврида Мовароуннаҳрда, Ҳусайн Бойқаро даврида Хуросонда тараққий топди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Сўзлайми

1. Ён гуруҳга сўзлаб бериш учун спикер тайёрланг.
2. Спикерга эслатма! Таянч ва калит сўзларни стикерга ёзиб олишингиз мумкин. Фикрингизни айтишда далиллар асосли бўлишига эътибор беринг.



нингдек, актёрлик, режиссёрлик санъатининг ўзига хос қирраларидан воқиф бўламиз. Инсон театрга бир мартаба муҳаббат қўйса, ундан воз кеча олмайди.

II. Қозоғистон Президентининг ташаббуси билан қад кўтарган – Қозоғистоннинг энг йирик театрларидан бири – “Астана опера” Давлат опера ва балет театри 2013 йил томошабинларга эшигини очган. Бу маскан 1250 томошабини қабул қила олади. Оркестр чуқурчаси уч поғонали, у ерга 120 мусиқачи сиғади. Бино барокко ва грек-рим услубида қурилган. Лойиҳани амалга оширишда Қозоғистон, Швейцария, Россия ва Италия меъморлари фаол қатнашган. Лойиҳа муаллифи италиялик Беджет Паколли ва архитектор Ренато Аркеттилар. Ички қурилишида серак ёғочлардан ва оқ мрамрдан фойдаланилди.



I. Театр – ҳайрат санъати. Чунки биз бу масканда жонли томошани кўрамиз. Спектакль давомида актёр бизга инсон тақдири, кечинмалари, ўй-фикрлари ҳақида ҳикоя қилади. Томошабинлар ана шу лаҳзалик воқеликнинг иштирокчисига айланишади. Театрда жонли актёр, жўшқин юрак, ҳаётӣй фикр ҳамда оташин ҳиссиёт бор. Театр мўъжизаси шундаки, спектакль қандай жанрда бўлишидан қатъӣй назар, биз унда инсон тақдири, руҳӣй оламини кашф этамиз. Шу-

Театр труппасини ташкил қилишда танлов эълон қилинган. Танловда ҳакамлик қилган жаҳоннинг номдор “Ла скало”, Катта ва Мариин театрларининг намоёндалари мусиқачи, раққосалар, қўшиқчилар (тенорлар)ни Қозоғистоннинг барча театрларидан қатнашган ёш иқтидорлар орасидан танлашди. Бадиӣй етакчи сифатида Мариин театрининг прима-балеринаси Ал-



тинай Асилмуратова, етакчи дирижер сифатида Алан Бўрибоев тайинландилар. Биринчи саҳна 2013 йил 21 июнь куни Қозоқ операсининг гавҳари Муқан Толобаевнинг “Биржан ва Сара” операси билан очилди. Бу масканда яна “Қоракўз” драмаси, А.Жубанов ва Л.Хамидийнинг “Абай” операси, Вердининг “Атилла”си саҳналаштирилди. “Астана опера”нинг иқтидорли ижрочилари Италияда Карло Феличе театрининг саҳнасида ҳам маҳоратларини намойиш қилишган эди. У ерда улар Ж.Пуччинининг “Богема” операсини ижро этишди. Италияда бизнинг артистларимизни яхши ихлос билан қарши олдилар.

Саҳнадаги томошани яхши чиқишида албатта, драматург, актёр, режиссёр ва рассомларнинг хизмати биринчи ўринда дерсиз. Адашасиз, бу тўртликни тўлдириб турувчи яна бир ижодкор бу – гримчи-рассом. “Грим” французча “grime” – “ажинли”, яъни актёрнинг асар қаҳрамони қиёфасига мослаш, ижро этиладиган ролга характеридан келиб чиққан ҳолда юз, қош, кўз, бурун, соч, соқол, мўйловларни ўхшатма тарзда ўзгартиришдек ноёб санъат тури ҳисобланади. Бу касб эгаси давр талабига, қаҳрамон характерига мос образ қиёфасини жонлантириб, асар қаҳрамони яшайдиган ажиб бир дунё яратади.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Феълларни аниқланг, ясалиши ҳақида, феъл замони ҳақида хулоса чиқаринг.
2. Ёзиб олинг, остига чизинг. Шахс-сонини айтинг.
3. Юқоридаги матнларни “Инсерт” усулида белгиланг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

“Астана опера” га видеосаёҳат уюштиринг. Бирор саҳна асарини томоша қилинг. “Дон Кихот” ни маслаҳат қиламиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Билиб олинг!

99-машқ. Қуйидаги муаммони ҳал қилинг. Тушунчаларни мослаштиринг.

Сатира – юнонча сўз бўлиб, ҳаётдаги салбий ҳодисаларни, камчилик ва нуқсонларни қаттиқ масхаралайдиган, қоралайдиган ўткир ҳажвий асар.

Трагедия – ... маънони билдириб, драманинг бир тури – қарама-қарши характерлар ўртасидаги кураш, даҳшатли воқеа, мудҳиш аҳвол асос қилиб олинган ва кўпинча қаҳрамоннинг тақдири ... тугайдиган кулгили сахна асари. (Шекспирнинг “Гамлет”, Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедиялари).

Комедия – ҳаётда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва бошқа воқеаларнинг асл қиёфасини масхараловчи фожиали асар.

Трагикомедия – фожиали комедия ... ?



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

100-машқ. А4 русумли қоғозга қуйидаги сўзларни смарт жадвалга жойлаштириб ёзиб чиқинг.

Олди, келди, кийинди, мақтанди, келтир, ўқит, пишир, кўрсат, қайтар, ўтказ, кўргаз, айтилди, сўралди, тозаланди, ўқишди, айтишди, сўрашди.

Ёзди, пичди, бормади, келмади, ўқимади, яхши эмас, келган эмас, боргани йўқ.

Ўқидим, ўқияпман, ўқийман, ўқидинг, бажаргин, қарагин, ёзайлик, ўқраймангиз, борсак, ишласак, кўрсак, айтмоқчиман, бормоқчиман, юборгин.



э



V бўлим БУЮК СИЙМОЛАР



Буюк боболарнинг кўҳна сандиғи,
Асраган китоблар кўлимда бугун.
Азиз боболарим руҳин шод этиб,
Чин авлод бўлмоқни дилимга тугдим...





1-дарс. БУЮҚЛАР БИЛАН МАҚТАНМАНГ, УЛАРГА МУНОСИБ БЎЛИНГ!



Билиб олинг!

Ўтган замон.

1) **-ди** ҳаракатнинг нутқ сўзланаётган вақтгача аниқ бажарилган ифодаси: ўқидим, ўқидинг, ўқиди.

2) **-ган** ҳаракатнинг нутқ сўзланаётган вақтгача бажарилган-бажарилмаганлиги: ўқиганман, ўқигансан.

3) **-иб+миз,-иб+ман,-сан -сиз,ди(лар)** ҳаракатни кузатмаганлик, кейин хабардорлик: ўқибман(миз), ўқибсан, ўқибди(лар)

4) **сифатдош+эди, равишдош+эди, -моқда, -гувчи + эди (-ган,-иб,-ар эдим) -гувчи эди** ҳаракатнинг бажарилиш вақти “ҳозир” бўлмайди: ўқиган эдим(к), ўқиб эдим, ўқир эдинг, ўқимоқда эди, ўқитар эдим (гумон эмас), ўқигувчи.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

101-машқ.

Агар мана шу муқаддас заминимизда таваллуд топиб, вояга етган, ўз ҳаёти ва фаолияти билан нафақат тарихда, айнаи вақтда, инсониятнинг бугунги тараққиёт саҳифаларида ҳам ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир алломаларимизга таҳсинлар айтадиган бўлсак, улар ҳақида ёзилган бир неча китоб, тўғрироғи, бир неча минг китобни мутолаа қилишимиз керак. Сабаби, энг буюк намояндалар тимсолида маърифат, илму фан, маданият соҳаларининг барчасини ўзида уйғун-





лаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини бир-икки китобда жо қилиш мумкин эмас. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт.

Шу ўринда буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда: ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этган Муҳаммад Мусо Хоразмийни; ўн олтинчи асрда Ойдаги кратерлардан бирига номи берилган, Европада Аль-Фраганус номи билан машҳур бўлган Аҳмад Фарғонийни; у яшаган XI аср “Беруний асри” деб номланган – Абу Райҳон Берунийни; “Тиб қонуни” муаллифи, дунёнинг Авиценнаси – Ибн Синони; Хоразм диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан, илм-фаннинг кўплаб бошқа соҳаларида ҳам шухрат қозонган Маҳмуд Замаҳшарий бобомизни эсга оламиз.

Шу ўринда тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган сиймоларни ҳам тарих саҳифаларидан ўрганмоқ даркор. Чунки шундай “Билими-ю билаги зўр” аждодларимиз буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очдилар.

Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

Гуруҳлараро қуйидаги масалаларни баҳс-мунозара усулида кўриб чиқинг:

1. Инсониятнинг бугунги тараққиёти деган тушунчани қандай изоҳлайсиз?
2. Маърифат, илму фан, маданият тушунчаларини изоҳланг.



Ёзамиз

3. Буюк мутафаккир ва алломаларнинг ҳикматли сўзларидан намуналар келтириб ёзинг.



Ўқиймиз

102-машқ. Матнларни ифодали ўқинг.

I. ... Мангуликдан жой олган – яшар абадий,
 Мен-ку, Мангубердиман, олам билади.
 Кўкларданми, сувданми, ё ер тагидан,
 Балки сахро бағридан, тоғ этагидан,
 Бир кун пайдо бўламан шу юрт, шу ерда,
 Юрт шайдоси кўмилмас ғурбатда – гўрда.
 Улуғвор ниятларга кор қилмас ажал,
 Ким юртдан ёв қувса – мендурман ўшал...

М.Шайхзода



Муҳокама қиламиз



II. Жалолоддин Мангубердининг яқин аъёнларидан бири бўлган, машҳур тарихчи Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий буюк бобомизни шундай тасвирлаган: «...У буғдойранг, ўрта бўйли, туркий қиёфали ва туркийда гапирадиган одам эди, шу билан бирга, форсийда ҳам сўзлаша оларди. Унинг мардлиги, жасурлигига келсак, жанглардаги қаҳрамонликларини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилади. У шерлар орасида энг зўр шер эди, қўрқмас чавандоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У... жаҳлдор эмасди, ҳақоратомуз сўзларни айтмасди. У ниҳоятда жиддий эди, кулмасди, фақат жилмайиб қўярди, кам гапирарди...»



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Сўзлаймиз

1. Шеър мисралари сизда уйғотган ҳис-туйғу ҳақида фикрингизни айтинг.
2. Жалолоддин Мангуберди ҳақида қандай фикрга эга бўлдингиз? Ушбу буюк аждодингиз ҳақида илгари ҳам маълумотга эга эдингизми? Сўзланг.



Видеолавҳа томоша қиламиз



Тинглаймиз



Ёзамиз

3. Қуйидаги видеолавҳа асосида таассуротларингизни “*Тахмин тушунчалар*” усулида айтиб боринг ҳамда «*Биламан, билиб олдим, билгим келади*» жадвалини тўлдириг.

«Биламан»	«Билиб олдим»	«Билгим келади»

4. Матн таркибидаги иш-ҳаракатни билдирувчи сўзларни топиб ёзиб чиқинг. Ҳар бирининг замон, шахс-сонини, ҳаракатнинг бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги бўйича турини кўрсатинг.



Ўқиймиз  Муҳокама қиламиз

103-машқ. Матни ўзлаштиринг. Хатбошиларга ажратинг.

Темур Малик бола-чақаси билан хайрлашиш учун ҳовлисига кирди. Хизматкори Одина аравакаш билан сандиқларни соябон араваларга ортаётган эди. Ичкарида эса хотини бир яшар ўғлини кўтариб, эрининг келишини сабрсизлик билан кутиб турарди. Хотини уни кўриб йиғлаб юборди, ўғли эса ялтироқ дубулға кийган отасини танимай, қўрқиб кетди, юзини тескари қилиб, онасининг елкасини маҳкам чангаллаб олди. Темур Маликнинг ҳам кўнгли бузилиб, бўғзига нимадир қадалгандек бўлди, томоғини қириб, хотинига:

– Мен ўлмай туриб аза очаётирсанми? Кўз ёшларингни аяб қўй, кейин керак бўлиб қолар, – дея ўғлини қўлига олиб ўпмоқчи бўлган эди, бола чинқириб йиғлаб юборди.

– Ҳой, аҳмоқ бола, ўз отангни танимадингми-а?

Мен сенга ўйинчоқ олиб келдим, – деб бошидаги ялтироқ дубулғасини олиб қўйди-да, сополдан қилинган қўчқорни қўйнидан чиқариб берди. Бола ўйинчоқни олиб, овунгач, хотинига уқтирди: – Ўғлимни сен билан Одинага топшириб кетаётирман. У соғлом, мард ва ростгўй йигит бўлиб ўссин. Юртимизга ботир аскар ва аскарбошилар керак. Хайр, ўзингни эҳтиёт қил! Ўғлини бетидан ўпиб, онасига қайтариб берди-да, тезгина ташқарига чиқиб, содиқ мулозими билан қучоқлашиб хайрлашди-да, оташин хўрсиниқ аралаш чуқур-чуқур нафас олган кўйи вазмин одимлаб кетди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас йигирма минглик мўғул қўшини Хўжандга етиб келди. Мўғуллар қаттиқ жангдан сўнг шаҳарни ишғол қилдилар, бироқ дарё ўртасидаги истеҳком кўкрак кериб, уларни жангга чорлаб турарди. Манжанақлардан отилган тош ҳам, ўқ ҳам қирғоқдан узоқда бўлган қўрғонга шикаст етказолмасди. Аммо баланд қўрғон тепасидан туриб, қозонлардан шиғаб отилган юмалоқ тошлар мўғулларга кўп талафот етказарди. Қўрғон ҳимоячилари душманнинг дарё лабига келиб қозон қуришига ва катта ўқ-ёйлардан ўқ отишига имкон бермадилар. Қизилқум ичига кирган сари таъқиб этиб келаётган душманнинг сони камайиб борарди. Фақат Темур Маликнинг бошини олиб, бошлиқларидан мукофот олиш ниятида бўлган энг ашаддий каллакесарларгина изма-из келмоқда эдилар. Учқур отларга миниб олган Темур Малик ва унинг дўстлари ўқтин-ўқтин орқаларига қайрилиб ўқ узар, юз-кўзлари чангдан қорайиб кетган, оппоқ тишларини ғижирлатиб келаётган қотилларни кетма-кет қулатар эдилар.





Ниҳоят, Темур Маликнинг садоғида уч ўқ қолди. Бир ўқининг учи синиқ эди. Унинг орқасидан қувиб келаётган уч мўғулнинг бири:

– Отим Улоқ нўён, мени улуғ қоннинг ўзи танийдур. Барча улуснинг ҳукмдори Чингизхон номидан сени таслим бўлмоққа даъват этурман! - деб қичқирди.

Темур Малик жавоб ўрнига садоғидан учи синиқ ўқини олиб ёй устига қўйди-да, Улоқ нўённи мўлжалга олиб отди. Ўқ нўённинг ўнг кўзига санчилди. Ёнидаги икки мўғул унинг кўзидан ўқни тортиб олиш билан овора бўлиб турганларида Темур Малик отини тўхтатиб, орқасига қайрилди.

– Ҳой, мўғуллар! – деб заҳарханда кулди у. – Иккингиз учун садоғимда икки ўқ қолди, иккингизни ҳам сўқир қилиб қўяйми?

(Амир Темур ҳақида ҳикоялардан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матнда қандай масала кўтарилган? Гуруҳда таҳлил қилинг.
2. Темур Малик тарихда қандай ўрин олган?
3. Юртимизга ботир аскар ва аскарбошилар керак деб айтган фикрига муносабат билдиринг.



Ёзамиз

1. Кўчирма гапларни ўзлаштира гапларга айлантириб ёзинг.
2. Матн таркибида феълларни сифатдош+эди, равишдош+эди, -моқда,-гувчи + эди шаклларида ёзиб олинг.
3. Матнни аввал “**Инсерт**” усулида белгиланг, сўнг қуйидаги жадвални ёзинг.

Тушунча	Изоҳ
Юртимизга ботир аскар ва аскарбошилар керак	Келажақда Ватанини душманлардан ҳимоя қилувчи юрт ўғлонлари
Йигирма минглик мўғул қўшини Хўжандга етиб келди.	Мўғуллар урушга ўч эдилар
Манжаниқ	



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

104-машқ. Матни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Матн мазмуни нима ҳақда? Таассуротларингиз билан ўртоқлашинг. Сарлавҳа қўйинг.

Профессор дарсхонага кириб келиши биланоқ талабаларидан ажойиб бир тестга тайёргарлик кўришларини сўради. Талабалар бироз ташвишга тушган ҳолда тест бошланишини кутишар эди. Муаллим ҳар доимгидек тест қоғозини орқа ўгириб тарқатиб чиқди. Талабалар тест саволларини ўқиш мақсадида қоғозни ўгиришди. Қоғоз ўртасида битта қора нуқтадан бошқа ҳеч қандай топшириқ йўқ эди. Бундан ажабланган талабалар бир-бирларига ҳайрон қараб қолишди.



Профессор талабаларнинг юзида ажабланишни кўриши билан уларга: “Мен қоғозда нимани кўраётган бўлсангиз, шу ҳақда ёзишингизни сўрайман”, деди. Талабалар иккиланиш билан тушунарсиз шартни бажаришни бошладилар. Дарснинг охирига келиб, профессор барчадан қоғозларни йиғиб олиб, ҳар бир талабанинг ёзган жавобини улар олдида овоз чиқариб ўқий бошлади. Талабаларнинг барчаси фақатгина қора нуқта ҳақида, унинг қоғознинг ўртасида жойлашгани ҳақида ёзган, ўз фикрини баён қилган эдилар.

Жавоблар ўқиб бўлингач, орага сукунат чўмди ва бироз ўтиб профессор талабаларга: “Мен бу жавобларга баҳо қўймоқчи эмасман. Сизларни мулоҳазага чорламоқчиман, холос. Ҳеч ким ўз жавобида қоғознинг оқ қисми ҳақида ҳеч нарса ёзмапти. Барча диққат-эътиборни қора нуқтага қаратибди. Афсуски худди шу ҳолат бизнинг ҳаётимизда ҳам мавжуд. Биз ҳар доим инсонларнинг ёмон одатларига эътибор берамиз, худди қоғоздаги қора нуқта каби. Аслида қоғознинг оқ жойи қора нуқтага қараганда анча даражада кўп. Тириклик Худо тарафидан бир-биримизга ёрдам бериш, қайғуриш учун берилган совға. Ҳаётимиз хурсандчиликларга, яхшиликларга, яхши инсонларга тўладир. Тўғри, ўша қора нуқтага ҳам эътибор қаратишимиз, уни тўғрилашга ёрдам беришимиз керак. Лекин бу оқ жойларни унутмаган ҳолда бўлиши керак. Қора нуқта эса оқ жойларга нисбатан жуда ҳам кичкина, кўринмасдир”, деди.

М. Ҳасанов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Профессор талабаларига қандай вазифа берди? Унинг асл мақсади нимада эди?
2. Сиз профессорнинг фикрига қўшиласизми?
3. Оқ ва қора ранглари ниманинг тимсоли деб ўйлайсиз?
4. Инсонни эзгуликка, буюкликка нима етаклайди?
5. Ушбу матн мазмуни сизга танишми?



Ёзамиз

1. Сиз нима ҳақда ёзган бўлардингиз? Матн ҳақида ўз мулоҳазаларингизни жамлаб, фикрингизни ёзма равишда қисқача баён этинг.
2. Феъл замонларини аниқланг. Гапларнинг эга ва кесимини топинг, кесимнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.
3. *-са, -иб, -ди* қўшимчаларининг ишлатилишига эътибор беринг.





2-дарс. БУЮК СОҲИБҚИРОН САБОҚЛАРИ



Ёдда сақланг!

Ҳозирги замон.

-яп,-ётиб,-ётир ҳаракат нутқ сўзланаётган пайтда бўлади:ўқияпман,ўқиётибди,ўқиётирман.

-моқда ўқимоқдаман,ўқимоқдасан

Келаси замон.

-а+шахс қўшимчаси, доимий ҳаракатни билдиради: бор+а+ман,бор+а+миз.

-й+шахс қўшимчаси, содир бўлиш-бўлмаслиги кутилган ҳаракат:ўқи+й+ман, ўқи+й+ди, ўқи+й+сан.

-(а) р, (-мас) содир бўладиган ёки бўлмайдиган ҳаракатнинг гумон тарзи: кел+ар+ман,ўқи+р+ман,кел+ар+миз, кел+мас+миз.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

105-машқ. Шеърни “*Мен давом эттираман*” усулида ифодали ўқинг. Шеърга мос чиройли сарлавҳа қўйинг.

Ҳар қанча фахр этсанг арзийди, ўзбек,
Балқибсан бир зотнинг юксак шонида.
Темурбек юлдузи олтин қозикдек
Чарақлар буюклар қаҳқашонида...

Жаҳонни мўғиллар истилосидан
Қутқариб қололган барлосий ботир –
Қочолмай тақдирнинг тақозосидан
Фотих деб ном олмиш ўзи ҳам охир.

Энг улуг бинолар мужассам бўлмиш
Оламда тенги йўқ Самарқанд-ку бор.
Темурбек жанг-жадал шафқига тўлмиш,
Қўлида шамширу тагида тулпор.

Ҳукми олий билан этмиш намоён
“Куч бу – адолатда!” деган сўзларин.
Қон тўкмиш жаҳонгир гоҳо беомон
Ёвлари тикмасдан қонли кўзларин.





Отани боладан тирик айириб,
Тожу тахт талоши қизиркан барҳо.
Султон не зотларни қўлин қайириб,
Муҳташам салтанат айламиш барпо.



Аллоҳим бахш этмиш шунчалар шукуҳ,
Комили етукдир шажара, зоти.
Бир ён Бибиҳоним, бир ёнда Шоҳруҳ,
Бир ёнда Улуғбек синмас қаноти.

Не бахтким, туққан юрт бўлганда озод,
Муборақ ватанга қайтиб келмишсиз.
Қулоқ тутгайми, деб ноаҳил авлод,
Ташаккур, бизларни кўзга илмишсиз...



Саъйи ниятларда руҳингиз сардор,
Ёвузлик чекингай, ўчгай ёмонлик.
Дастингиз шамширға бормасин зинҳор,
Ҳазрат, барчамизга тиланг омонлик.

А. Орипов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Буюк бобокалонимиз билан фахрланишингизга қандай далил келтира оласиз?
2. Қандай ўйлайсиз, нега шоир барлосий ботир деган иборани қўллаган?
3. Буюк Амир Самарқанддан ўзга яна қандай биноларни бунёд этган?
4. Амир Темурнинг оқил маслаҳатгўйи Бибиҳоним ҳақида нима биласиз?
5. Ҳозирги келажак авлодлар, яъни сиз шундай буюк боболарга муносиб бўлишингиз учун қандай хусусиятлар сизда мужассам бўлмоғи керак?



Ёзамиз



Жуфтликда ишлаймиз

Таъсирли фикр. Нега?	Мақоллар (мардлик, адолат ҳақида)
Қочолмай тақдирнинг тақозосидан Чунки бундай буюк тақдир ҳаммага ҳам насиб этмайди. Ярим жаҳонни эгаллаб адолатпеша фотиҳ бўлиш тарихда кам- дан-кам шахсларга ато этилган...	



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

106-машқ. Матнлар билан танишинг. Мазмунини қайта сўзланг.

Соҳибқирон ҳикоятлари

I. Бир куни падари бузрукворимиз – Амир Тарағай баҳодир кўп қўйларни менга бериб, Самарқанд бозорига йўлладилар. Қўйларнинг ҳаммасини минг олтинга сотиб, пулларни белга боғлаб сайр қилиб юрур эдим. Бир ерда хушовоз қаландар одамларга сўзлаб турғон экан: қўлида қоғоз – шеър битилган, у дер эди:

– Шул ёзувнинг қадрига етиб, ким минг олтунга олса, дунёнинг охирига етади...

Ҳимматим жўшиб, минг олтунни қаландарга тутқаздим. У менга тикилиб турди-да, сўнг насл-насабимни сўради. Айтдим. Сўнг тайин қилди:

– Отанг олдига боргил, буни отанг олдида ўқи, борғунча очма...

Қоғозни келтириб, падари бузрукворга бердим. Очиб ўқидилар. Форсча рубой экан. Маъноси қуйидагича: зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўлиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми, яхшилик билан ном қолдир...

Рубойининг муаллифи – ўшал қаландар-аллома шоир Камол Хўжандий эркан. Ул зотни падари бузрукворимиз кўп ҳурмат қилар эрканлар.

– Баракалло, ўғлим, кўп доно ишга олтунларни сарф этибсан. Энди, минг олтунга олғон ушбу ҳикматга қатъий риоя қилмоқ лозимдур...

Падари бузрукворнинг айтқонларини бош устида тутдим.

* * *

II. Қарши қалъасин забт этолмай, дилга кадар туғиб қайтмоқда эдим. Қизилдарёдан кечиб, бир қишлоққа қўндик. Мен бир кулбани ихтиёр этдим. Унда ушоққина кампир яшар, тирикчилиги ёлғиз эчкидан эркан. Мен момодан бирор овқат қилиб бермоқни ўтиндим.

Момо олдимга атала тўла товоқ келтириб қўйди. Оч эрдим. Оғоч қошиқни товоқдаги аталага тўлдириб, ютоқиб еган эдим, оғзи-тилим куйгандан-куйди. Шунда момо деди:

– Сен-да Амир Темурга ўхшаш шошқалоқлардан экансан.

– Темурбекнинг шошқалоқлигини қайдин билдингиз, момо?– сўрадим.

– Эшитишимча, Амир Темур Қарши қалъасига тик бориб, уни ололмабди.

Магарки, аввал калъа атрофидаги кичик-кичик қишлоқ ва маҳаллаларни эгаллаб, куч тўплаб, сўнг қалъага ҳужум қилмоқ лозим эди. У эса бир йўла бекликни олмоқчи бўлди-ю, шашти синди...



Шунга ўхшаш сен ҳам шошдинг ва оғзингни куйдирдинг. Аталани аввал товоқнинг гирдидан олиб, секин-секин ялаб кўради, совуганини билгач, сўнгра қошиқни тўлдириб ейди-да...

Шунда хатойимни англагандай бўлдим. Ва дедим:

– Дархон момо, ўшал шошгич Амир Темур мендирман. Танбеҳингизни бош устига олдим. Тиланг тилагингизни...

Дархон момо одамлар учун ариқ казиб, сув чиқариб беришни сўради. Орадан кўп ўтмай, Танқос дарёсидан ариқ казиб, сув чиқариб бердим.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Ҳикоятлар қаҳрамони ким экан, англадингизми?
2. Қаландар инсонни қандай таърифлаган бўлардингиз?
3. Зулм билан яхшилик нега ҳамма вақт ёнма-ён юради? Яхшилик қилиш мураккаб ишми? Зулм-чи?
4. Қаландарнинг минг тиллога сотган мисралари шу баҳога арзигуликми?
5. Матнларнинг тил услуби ҳақида фикр алмашинг.
6. Соҳибқирон момонинг танбеҳига нима учун жаҳл қилмади?
7. Момонинг аччиқ сўзларига қарамасдан, «Тиланг, тилагингизни» дейиш инсонда қандай хусусиятнинг белгиси деб ўйлайсиз?



Ёзамиз

8. Матнлардаги феълларнинг тузилишига эътибор беринг, изоҳ айтинг. Ҳозирги замон феълларини ёзиб олинг.



Ўқиймиз

107-машқ. Матн билан танишинг. Сарлавҳа қўйинг.

Ровийлар дерларки, Искандар Зулқарнайн дунёни забт этмоқ қасдида жанг сафарига чиқиб, неча юртларни эгаллаб, Чин мамлакатига етди. Жанг олдидан чодир тикиб ўтирган экан, Чин подшосидан элчи келади. Элчи кириб гапини ёлғиз Искандарга айтажагини маълум қилди. Холи қолишгач, деди: – Мен элчи эмас, Чин мамлакатининг подшосиман. Беҳуда қон тўкмай изингизга қайтмоғингиз учун нима қилмоғимиз мумкин? – Уч йиллик хирожни тўласанглар, мақсадга мувофиқ бўлади, – деди Искандар Зулқарнайн. – Уч йиллик хирожни тўлай оламиз, – деди Чин подшоси, – аммо шу даражада қашшоқлашамизки, кичкина қабила ҳам бизларни забт этиб, эгалик қилмоғи мумкин. – Икки йиллигини тўласаларинг-чи? – Аҳвол ўзгармайди. – Бир йиллик-чи? – Ҳазинамда ҳеч вақо қолмаслиги мумкин, аммо чидаб яшаса бўлар. – У ҳолда ярим йиллик хирожни тўплаб бер-да, мен изимга қайтай. – Марҳаматли султонимизга жонимиз фидо бўлсин. Эрта ёки индин биз – фақирлар кулбасини ташрифингиз билан обод



қилсангиз. Меҳмондорчилик адоғида биз хирожни ҳам жамлаб қўяжакмиз. Искандар Зулқарнайнга бу таклиф маъқул келиб, икки кундан сўнг Чин мамлакати сарҳадидан ўтди. Шу ондан бошлаб атрофда минг-минглаб аскарлар пайдо бўлиб, атрофни ўрай бошлади. Бундан хавотирга тушган Искандар дедик: – Сен ҳийла билан мени олмоқчи бўлдингми? – Йўқ, – деди Чин подшоси, – ҳийла – ожизлар иши. Сиз кўриб турган лашкарлар қўшиннинг бир улуши, холос. Асосий кучлар тоғ ортида турибди. – Шунча қудратинг бор экан, нечун менга таслим бўляпсан, нечун хирож тўламоққа розилик беряпсан? – деб ҳайратланибди Искандар. – Мен инсонлар қонининг беҳуда тўкилмоғини истамадим. Ундан ташқари сизга Осмон назар қилган. Назаркарда султонларни ҳеч қандай куч билан енгиб бўлмас. Бу жавоб Искандарга маъқул келиб, саройга кирди-ю, товоқлар, лаганларда товланиб турган тилла-ю, жавҳарларни кўриб янада ажабланди. Чин подшоси «дастурхонга марҳамат, тановул қилинг», дегач, таажжубини яширмай сўради: – Бу безаклар одам учун таом бўлолмайди-ку? – У ҳолда сиз нима ейсиз, улуғ султон? – Мен ҳамма каби нон ейман. – Шундайми? Вожаб! Румда нон топишингиз шунчалар мушкулмиди? Шунча машаққатлар чекиб бу ерга қадар лашкар тортиб келибсиз? Бу гапни эшитиб, Искандар унинг донолигига таҳсин ўқибди. «Мен бу ердан бир дона жавҳар ҳам олмайман, сенинг ҳикматли пандинг барча талабларимни қондирди», деб орқасига қайтган экан.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Маттни қайта ҳикоя қилинг.
2. “Саҳналаштириш” усулида Чин мамлакатининг подшоси ва Искандарнинг мулоқотини ижодий ёндашган ҳолда намоиш этинг.



3. Матн қахрамонларидан кимни ижобий қахрамон, кимни салбий қахрамон дея оласиз? Ёки иккиси ҳам ижобийми?

Хулосангизни А4 русумли қоғозга *“Икки қисмли кундалик”* усулида ёзишингиз мумкин.

Намуна:

Ижобий	Салбий	Қахрамон фикри	Хулосангиз далили
Чин ҳоқони		Беҳуда қон тўкмай изингизга қайтмоғингиз учун нима қилмоғимиз мумкин?	Халқи учун куюнмоқда...
	Искандар	Уч йиллик хирожни тўласанглар, мақсадга мувофиқ бўлади.	Унинг учун бойлик асосий мақсаддай, ўзгаларни ўйла-мас экан.
Искандар		?	?
?	?	?	?



Видеолавҳа томоша қиламиз

108-машқ. Интернет манбаларидан фойдаланиб, қуйидаги мавзулар бўйича видеолавҳаларни томоша қилинг.

Буюк Искандар ҳақида.

Спитамен – Ўрта Осиё халқларининг қахрамони

Видеолавҳаларни таққослаб, *“Оқилнинг олти қалпоғи”* стратегияси асосида фикрингизни билдиринг ёки баҳс-мунозара ўтказинг.





3-дарс. БУЮКЛАР ИХТИРОЛАРИ



Ёдда сақланг!

Феъл майллари

Ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ифодалайдиган шакллар феъл майллари дейлади. Феъл майллари ҳаракатнинг бажарилишини реал борлиқ билан боғланганлигини билдириб, ҳаракат бажарилишини, буйруқ-истак, шарт ва мақсад маъноларини ифодалайди.

Феъл майллари қуйидагилар:

Хабар (аниқлик) майли: *ёзди, ёзаяпти, ёзади.*

Буйруқ-истак майли: *ёзай, ёзгин, ёзсин, ёзайлик*

Шарт майли: *олса, ёзсанг, олсам, ёзсак*

Мақсад майли: *бормоқчидан, ўқимоқчидан*



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

109-машқ. *Тушун, ўрган* феълларини ўтган, ҳозирги ва келаси замонда тусланг.

Бирлик			Кўплик		
I шахс	тушун <u>дим</u> ,	<u>ўрган</u> дим,			
II шахс:					
III шахс:					

Бирлик			Кўплик		
I шахс	тушуня <u>пман</u>	<u>ўрган</u> япман			
II шахс:					
III шахс:					

Бирлик			Кўплик		
I шахс	тушун <u>моқчидан</u>	<u>ўрган</u> моқчидан			
II шахс:					
III шахс:					



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

110-машқ.




Матнолди топшириқлар.

Матнни хатбошиларга ажратиб ўқинг ва ҳар бир хатбошига сарлавҳа қўйинг. Мазмунини ўзлаштиринг.



Аслида нурларнинг кўздан сингиши орқали кўра олишимиз ҳақида биринчи марта X асрда яшаган мусулмон математиги, астроном ва физиги Ибн ал Хайтам далиллаганди. Дарчадан тушиб турган нурни кузатиб, тешик қанчалик кичик бўлса, тасвир шунчалик яхши кўринишини ўрганеди. Сўнгра биринчи камера-обскура (“қамара” сўзи арабчадан “қоронғу ёки алоҳида хона” деган маънони англатади) ни кашф қилади. Бундан ташқари, ал-Хайтам биринчи бў-



либ, физикани фалсафа фанларидан тажрибавий фанлар қаторига киритади. Ака-ука Райтлардан минг йил аввал мусулмон шоири, астрономи ва муҳандиси Аббос ибн Фирносга учиб воситасини ихтиро қилиш фикри келади. 852 йили у масжид тоmidан кенг плаш кийиб сакрайди. Фирнос худди қушлардек учаман



деб ўйлаганди. Лекин амалга ошмади. Учиш ўрнига у аста-секинлик билан ерга тушди. Шу тариқа биринчи парашют пайдо бўлди. Ривоятларга кўра, араб миллатига мансуб Холид деган мусулмон Эфиопиянинг Каффа деган жойида боқиб юрган қўйларининг муайян бир ўсимлик мевасини еганидан кейин ҳаракатчан бўлиб қолаётганини пайқайди. Холид буларни тўплаб, биринчи марта кофе қайнатади. XV асрга келиб, кофени Макка ва Туркияга олиб келишади. У ердан 1645 йили Венецияга келтирилади, кейин Англияга(1650). “Кофе” сўзининг келиб чиқиш тарихи узун. Араб тилидаги “қахва” калимаси туркчада “қахве”га айланади. Италияликлар эса уни “кафф” деб талаффуз қилишади, бундан эса англияликлар “coffee”, руслар “кофе” сўзини келтириб чиқаришади. **Жарроҳлик асбоблари.** Кўплаб замонавий жарроҳлик асбоблари, жумладан скальпел, тиббий арралар, қисқичлар, ингичка қайчилар мусулмон жарроҳи ал Заҳравий кашф қилган шаклида қолган. Айнан у жарроҳликда ички тикишларда ишлатиладиган ичакнинг организмда табиий йўл билан сингиб кетишини аниқлаган.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз Муҳокама қиламиз

1. Гуруҳингизда “Елпиғич” усулида матнларга мос топшириқлар тузинг. “*Чархналак*” усулида ён гуруҳ билан алмашинг.
2. Гуруҳингизда топшириқларни ўзаро муҳокама қилинг.
3. Тузган топшириқларингиз асосида машқни бажаринг.
4. Хабар майли феъллари иштирок этган гаплардан кўчиринг.



Гуруҳда ишлаймиз

5. Гуруҳлараро юқоридаги маълумотларни ихчамлаштириб радиога эшиттириш тайёрланг.
6. Матн асосида “Иссиқ ўриндиқ” усулида савол-жавоб ўтказинг.




Ўқиймиз Муҳокама қиламиз

111-машқ. Муаммоли матнни қуйидаги топшириқлар асосида ўрганинг.

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний замонасининг қатор фанлари: астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минерология, тарих кабиларни чуқур ...

У Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида туғилди ва ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқиши ... Беруний кейинчалик машҳур олим Абу Наср Мансур



қўлида таълим ... Беруний она тилидан ташқари яна бир қанча тилларни: араб, сўғдий, форс, сурёний, юнон ва қадимги яҳудий тилларини, кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини ... Ўз илмий асарларидан бирида ёзишича, у Хоразмда яшаган даврида, 990 йиллардан бошлаб Кот шаҳрида муҳим астрономик кузатишлар ... Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро ... Ҳиндистонга мажбурий сафарида Панжобдаги Нандна қалъаси ёнида ер шари меридианининг бир градус узунлигини ўлчади ва у 110,895 км. эканини ... (ҳозирги замон ўлчашлари натижаси 111,1 км.). Берунийнинг 152 асари маълум, бизгача 30таси етган келган, холос. Асарлари астрономия, математика, география ва геодезия, минерология, физика, доришунослик, тарих ва этнография, фалсафа, адабиётга ... Беруний ўз замондоши Ибн Сино (980 –1037) билан илмий баҳс мунозараларга оид қизиқарли мавзуларда савол-жавоблар..., ҳамкорликда илмий ижод билан машғул ...

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Нуқталар ўрнига мос феълларни қўйинг. Феълнинг қайси замонда ёзилишига эътибор беринг. Майлларини белгиланг.
2. Матни ўзлаштиргач, “Тўғри-ноғўри” усулида савол-жавоб тарзида билимингизни мустаҳкамланг.
3. Матн асосида луғат тузинг.



Ўқиймиз




Жуфтликда ишлаймиз



Сухбатлашамиз

112-машқ. Матни “Мен сенга, сен менга” усулида ўзлаштиринг.

Биринчи қоғоз корхонасини 794 йили Бағдод шаҳрида Ибн Фузайл қурдирган. Бу каби қоғоз корхоналари 800 йили Мисрда, 950 йили Андалусияда, 1100



йили Византияда, 1102 йили Сицилияда, 1228 йили Германияда, 1309 йили Англияда ишга туширилган. Абул Қосим Захровий эса (963–1013) жарроҳликни алоҳида, мустақил фан даражасига кўтарган. Икки юздан ортиқроқ жарроҳлик асбобларини ихтиро қилиб, қандай қўлланилишини тушунтириб берган.

Ибн Нафис (1210–1288) оврупалик олимлардан уч юз йил олдин кичик қон айланиш доирасини тасвирлаб, тушунтирган.

Тригонометриядаги “синус”, “косинус”, “котангенс” атамалари Ислом олими Абул Вафодан (940–998) мерос қолган. “Ньютон биними” формуласини илк бор Ньютон эмас, балки машҳур мусулмон олими Умар Хайём (1048–1123) кашф этган экан.

М. Қодир



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

Матн асосида “Блиц-сўроқ” усулида билимингизни мустаҳкамланг.



Ёзамиз

1. Матн асосида жадвалга феъллардан ёзинг.

Феъл	Сўроғи	Майли	Замони	Шахс-сони	Гапдаги вазифаси



Бу фойдали! Муаммоли матн.

Галилео Галилей (15 февраль, 1564) – ўз даврининг илмига катта ҳисса қўшган ... (харидада этник тузилишга эга бўлган давлат фуқароси) файласуфи, физик ва астрономи. ... (шоҳлар, шаҳзодалар, маликалар, граф, баронлар оиласидан чиққан инсонларнинг келиб чиқишига қараб номлаш) оиласидан бўлиб, Пиза университетидан ... ўрганган. У ерда Архимед ... билан, Аристотель физикаси билан танишиб геометрия ва механикага қизиқиб қолади. Тиббиётни ташлаб, ... асарини ёзади. Кейинчалик ... (тепаликдан тушаётган нарсаларнинг ҳаракати) қонунини кашф этади. Галилей олам тузилишини тушунтиришда Коперник йўлидан борди. Ўзи ясаган ... ёрдамида ой сиртининг нотекислигини, Венера фазасининг ўзгаришини, Қуёш доғларини, ... нинг 4та йўлдошини кашф қилди ва ... ўз ўқ атрофида айланишини исботлайди. Абу Райҳон Беруний каби Галилей ҳам ... “енгиллик кучи” тушунчасига қарши чиқиб, фақат оғирлик кучини тан олди.

Нуқталар ўрнига қўйиладиган зарур сўзлар:
италиялик, аслзодалар, тиббиётни, математикаси, “Кичик тарозулар”, инерция, телескоп, Юпитер, Қуёшнинг, Аристотелнинг.





4-дарс. ЗИЁ ИСТАГАН БУЮК ҚАЛБЛАР



Ўқиймиз



Суҳбатлашамиз

113-машқ. Шеърнинг мавзу доирасини тушунтиринг.

Ўзбегим

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.
Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.
Ал Беруний, Ал Хоразмий,
Ал Фороб авлодидан,
Асли насли балки Узлуқ,
Балки Тархон, ўзбегим...



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Шеърнинг муаллифини ўқитувчи ёрдамида билиб олинг.
2. Шеърни сиз қандай номлаган бўлардингиз?



Ёдда сақланг!

Буйруқ-истак майлидаги феъллар иш-ҳаракат ҳақида буйруқ, истак, маслаҳат, илтимос маъноларини англатади. Феълнинг I шахси истак, илтимос маъноларини англатади, унли билан тугаса ўзагига **-й**, ундош билан тугаса **-ай** қўшимчасида ёзилади: ўқий, ёзай. I шахс кўпликда I шахс бирлигига **-лик** қўшимчаси қўшилади: ёзайлик, бажарайлик. Бу майлда феъллар дарак гапнинг кесими бўлиб келади.



114-машқ. Муаммоли матни ўзлаштиринг.



Ибн Сино Бухоронинг ... қишлоғида У 16 ёшидан шунчалик чуқур билим олганки, ҳатто бирон бир кеча ҳам тўйиб ухламаган экан. Натижасида 17 ёшидаёқ ... сифатида шаклланиб, табиб деган ном чиқара ... Ибн Сино даврининг деярли барча фанлари билан ... шуғулланган ва шуларга оид асарлар ...



Манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд қилинган. Лекин, бизгача фақат 242 таси етиб ... Ибн Сино тоғларнинг пайдо бўлиши, минерология ва ... фанларига ҳам катта ҳисса қўшган. У ... масалалари билан ҳам кўп шуғулланган. Чунки табобатда ишлатиладиган ... моддаларнинг аксарияти ўсимликлардан ... Машҳур швед ботаниги ... Ибн Синонинг ботаника соҳасидаги хизматларини таъкидлаб, тропик мамлакатларда ... сувида ҳам ўсувчи ва доимо яшил ҳолда қоладиган бир ... Авиценна деб атади. Ҳам Ғарбда, ҳам ... “Авиценна” номи билан шуҳрат қозонган инсон билан фахрлансак арзийди.

(Зиё устаган қалблар)

Нуқталар ўрнига мос келувчи сўзлари: Карл Линней, олим, туғилган, Афшона, бошлайди, муваффақиятли, яратган, келган, геология, олинади, ботаника, дарахтни, доривор, денгиз, Шарқда.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матн остида берилган сўзлар ёрдамида матн мазмунини тикланг.



Мулоқот Муҳокама қиламиз

2. Матнни “*Тўғри-нотўғри тушунча*” усулида ўрганинг.



Гуруҳда ишлаймиз

3. Гуруҳлараро “*Блиц савол-жавоб*” усулида савол-жавоб уюштиринг.



Ўқиймиз

4. Матнни оғзаки ижодий истак, маслаҳат, илтимос кўринишида трансформациялаб ўқиб беринг.



Билиб олинг!

Буйруқ-истак майлидаги феълларнинг II ва III шахслари буйруқ, истак, маслаҳат, илтимос маъноларини англатади. Баъзан буйруқ маъносини кучайтириш, илтимосни, таъкидни билдириш учун II шахснинг бирлигига –*гин* қўшилади. М-н: ўқигин –*гин* к ё з билан тугаган ўзакка –*кин*; қ ё ғ + –*қин* тарзида ёзилади: эккин, боққин.

II шахс кўплигига –*ингиз* қўшилади: ўқи+нгиз, ёз+ингиз тарзида қўшилади.

III шахс бирликда ўзакка –*син*, кўпликда –*син(лар)* тарзида ҳосил бўлади: ёз-син, ёзсин(лар). Бу майлда феъллар буйруқ гапнинг кесими бўлади.



Ўқиймиз Муҳокама қиламиз

115-машқ. Ўқиб-ўрганинг. Фикр-мулоҳаза билдириг.

Абу Али ибн Сино. Ахлоқ, таълим-тарбия ҳақида

Қаноат деб, ўзига кифоя қиладиган нарсага эришишга айтилади; буни бўшашганлик ҳам дейишади. Қаноат камтарлик ва унча-мунча нарсани назарга илмайдиган хислат билан ҳирс ўртасида бўлади.

Сабр деб, инсон бошига тушган алам ва чидаб бўлмайдиган оғриқни то енгунга қадар ушлаб туришга айтилади.

Кишини қабиҳ ва бемаза ишларга қадам қўйишдан тутиб турадиган ва уни яхши хулқ ва ишларга йўллашига ҳаё дейилади.



Саховат эса бахил ҳамда зиқналик билан сарф қилиш ўртасида туради. Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади. Яхшилик ҳаммага бевосита сеvimли. Агар шундай бўлмаганда эди, ҳар ким ўз истаган ёки орзу қилган ва ёки ўзича яхшилик деб тасаввур қилган бирор нарсани ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўларди. Маърифатчи (ориф) ботир одам бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди! У ўлимдан ҳам қўрқмайдиган, саховат эгаси бўлади. Шундай бўлмай ҳам бўлармиди! У барча беҳад нарсаларга ҳирс қўйишдан узоқ ва барча адашганларга меҳрибондир, шундай бўлмай ҳам бўлармиди! У ўз нафсонияти билан улуғвор бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди!

Х. Даврон



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Матнни хатбошиларга бўлиб “учликда” ўзаро изоҳланг.
2. Энг яхши изоҳловчи-спикер ўзга гуруҳларда гуруҳингиз тушунчасини “*Чархналак*” усулида ҳимоя қилсин.



Жуфтликда ишлаймиз

3. Матн асосида “*Мулоҳазали кундалик*” ёзинг.

Матндан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр

Тушунтириш(изоҳ):

Нега айнан шу фикрни танладингиз?
Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзғатди?



Ёзамиз

4. Матнда феъллар қайси майлда ва нисбатда қўлланилган, аниқланг ва ёзиб олинг.



Ўқиймиз



Ёзамиз

116-машқ. Матн сарлавҳасини қўйинг.

Абу Али бир куни подшоҳ хузурига кирса, ҳазрати олийлари дурбинда узоқни кузатаётган экан. Ибн Сино сўрабди:



– Подшоҳимга нима учун дурбин керак бўлиб қолди?

Подшоҳ унга тушунтирди:

– Бу дурбин орқали икки фарсанг узоқликда кимлар келаётганини кўриш мумкин. (Икки фарсанг – 12 километр)

Ибн Сино айтди:

– Тўрт фарсанг узоқликда ким келаётганини мен дурбинсиз ҳам кўра оламан.

Подшоҳ “Қани, айт-чи!” деб сўради. Ибн Сино айтди:

– Икки фарсанг нарида бир отлиқ келаётир. У киши ширин таом еган экан?

Подшоҳ ажабланиб сўради:

– У киши ширин таом еганини қаердан билдинг?

Ибн Сино жавоб берди:

– Бу отлиқнинг ширин таом еганини унинг оғзи атрофида ўралашган пашшалардан билдим.

У одам яқин келиб салом берганида подшоҳ ундан сўради:

– Яқинда қандай таом еган эдинг?

У киши жавоб берди:

– Ҳолва еган эдим, жаноби олийлари.

Муҳаммад ибн Сулаймон



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Асли подшолар ҳамма вақт ҳам буюклар фикрига ана шундай чидамлилик билан муносабат қилишганми? Сабаби нимада?
2. Донишмандлар подшоларга қараганда ақллироқми?



Жуфтликда ишлаймиз

Ўзаро фикр алмашинг.



Гуруҳда ишлаймиз

Матнлар асосида “Ўргимчак тўри” усулида савол-жавоб ўтказинг.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

Матндан 2-5 тагача гапни ёзиб олинг ҳамда гапларда иштирок этган феълларни таҳлил қилинг.

Намуна.

Чалинди — ўтган замон, III шахс, бирликда, мажхул нисбат, хабар майли.



Бу фойдали!

Вакциналар тўғрисидаги кашфиёт инглиз доришуноси ва жарроҳи Эдуард Женнер фаолияти билан боғлиқ. У Европа аҳолиси ўртасида кенг тарқалган қора чечак касаллигининг олдини олиш учун 1796 йилнинг 14 майида илк бор саккиз яшар Жеймс Фипсни эмлади. Натижада бола танасида бу касалликка қарши иммунитет ҳосил бўлди. Шундай қилиб, дунёда дастлабки эмлаш тажрибасига қўл урилди. Орадан бир аср вақт ўтиб, француз микробиологи ва кимёгари Луи Пастер эмлашнинг илмий асосларини тавсия этди. Олимнинг аниқлашича, турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши организмга заифлашган ёки ўлган микробларнинг тушиб қолиши билан боғлиқ бўлиб, улар танани заҳарлайди, ҳеч бўлмаганда, салбий таъсир кўрсатади. Пастер уларга қарши препаратларни вакцина деб номлади, процедура, яъни даволаш тадбирларини эса эмлаш, деб аташни таклиф қилди. Ана шу кашфиётнинг самараси ўлароқ, иммунология фанига асос солинди.



Ўқиймиз



Ёзамиз

117-машқ.  Матнолди топшириқлар.

1. Мақолларни мос қўшимчалар қўйиб тўлдилинг, майлини айтинг, шахс-сонини кўрсатинг.

Ҳосилинг кам бўлса, ҳаводан кўр...!

Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр!

Ёмон билан тенг бўл...!

Ёмондан яхшилик кут...!

Ноз қизга яраш...!

Эр йигит бошига иш тушганда синал...!

Эр йигитни номус ўлдир... !



Савол ва топширқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Мақоллар юзасидан ўзаро фикр алмашинг.
2. Шифокорлар кашфиётидан илҳомланиб, қуйидаги расмларни номланг. Расмларга ном бериш бўйича “Қайси гуруҳ энг бетакрор тушунча беради?” мусобақасини ўтказинг.





5-дарс. ҲАЗРАТНИ ҲАР КУН ЎҚИСАК...



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

118-машқ. Халқимиз қадрини юксалтирган буюк сиймо ҳақидаги матни ўқиб ўрганинг. Чиройли сарлавҳа танланг.

Замин баланд тоғларни кўтариб туриши мумкин, бироқ заминнинг кўксини тоғлар юксалтириб туради. Буюклар ҳам шундай – халқнинг қадри, ўтмиши ва келажагини юксалтиради. Буюклик ҳеч қачон талқини таҳлилга, мақтовга эҳтиёжманд эмас, худди қуёш ёруғлик ва ҳароратга эҳтиёж сезмагани каби.

Ҳазрат Навоий ҳақида ҳам шундай дейиши мумкин. Бу улуг зот инсондаги барча ноёб фазилатлар эгаси – бу чарху дунда қўлига қалам тутган аҳли ижод ичидаги буюкларнинг буюги! Аввал ҳам, кеча ҳам, эртага ҳам шундай бўлиб қолиши, шубҳасиз!

Биз Навоийга юз бурсак, қўлимиз осмон бағридаги булутларга санчилган чўққиларга, бошимиз эса офтобга етгудай бўлади. Улуг бобомиз даҳоси бизнинг фахримиз, ғуруримиз, дунё ижод саҳнининг энг тўридаги ўрнимиз тимсолига айланган.

Ҳазрат Навоий ижоди, Навоий инъом этган мангу, барҳаёт ижод булоғи борасида қадимдан то бугунга қадар сон-санови йўқ битиклар мавжуд. Бизнинг замонимизда ҳам қанчалаб зукко олимларимиз, иқтидорли адибларимиз Навоий даҳоси ҳақида арзирли изланишлар олиб боришмоқда. Уларнинг ёрқин ва заҳматли меҳнати олдида ифтихор билан бош эгамиз. Навоийнинг руҳи қўлласин деймиз.



Улкан тоғ салобати ҳаммага бирдек кўриниб тургани каби Навоий ижоди сарбаландлиги ҳам кўзимизни қувонтириб, дилимизни чароғон этади. Тўғри, барчамиз ҳам зукко олимларимиз сингари Шеърят султони меросини нозик ва маромига етказиб талқин қилолмаслигимиз табиий. Бироқ, Навоий ҳақида ҳар биримиз – хоҳ тадқиқотчи, хоҳ муаллим, хоҳ ўқувчи, хоҳ бошқа бир касб эгаси бўлмайлик, сидқидилдан сўзлашга,



ул зот ижодини кучимиз етгани даражасида талқин қилишга уринсак, бу ҳолга ижодпарвар бир халқ болаларининг ўз даҳосига самимий эҳтироми деб қарамоқ керак. Ҳар бир уйни Навоий нури ёритиб турсин.

С. Исаков



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Ўзингизни Навоий ворислари деб ҳисоблайсизми? Далиллар келтиринг. Фикрингизни изоҳланг.
2. Ижодий ёндашиб, матнни қайта баён қилинг.



Тақдимот

3. “Навоийнинг буюклиги нимада?” мавзусини гуруҳда муҳокама қилиб, фикр-мулоҳазаларингизни далиллар билан асослаб, синфга тақдим этинг.



Ёзамиз

4. Нотаниш ва янги сўзлар луғатини ёзинг.
5. Шарт майли феъллари иштирок этган гаплардан ёзиб олинг.



Ўқиймиз




Суҳбатлашамиз

119-машқ. Матнни мутолаа қилинг.

Тил – дилнинг сўздаги саодати. Тил – изҳори дил учун Яратгандан бандаларга ато этилган ноёб неъмат. **Ўз орзу-ўйлари, ҳайрату ҳавасларини она тилида бийрон ифода қилаётган инсон том маънода бахтли.** Боиси, олам сўздан яралган, одам сўздан яралган. Сўз – гулдан нафис, тигдан ўткир. Ҳазрат Навоий лутф қилганларидек:

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.

Сўздаги бу ҳаёт – норасида гўдак учун она сути билан тенг қувватга эга, она алласи ҳам шу билан мужассам. Сўздаги ҳаёт – куч-қудратга тўлган, ўзлигини англаган фарзанд учун нафс ноз-неъматини ила ёнма-ён тургувчи қалб неъматини – ота-она дуосида ҳам нурланиб туради. **Шу боис она ҳурмати – она тилига бўлган эъзоздан бошланади.**





Ҳар элнинг овозаси шу эл тили билан жаранг топади. Бугун Ўзбек деган сўзнинг жарангини дунё аҳли ўзга товушлардан ажратиб олди. Чунки бу миллат тилида яратилган маънавий-маърифий, бадий мерос дунё халқларининг меросига айланиб бўлган. **Ўз авлодларига ўз тилида шундай улкан хазина қолдирган аждодлар ҳамиша эъзозу эътирофга муносиб.** Шу улғ аждодларнинг аввалида турган буюк бобокалонимиз Алишер Навоий айтадилар:

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз.

М. Тоир



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз




Муҳокама қиламиз

1. Гуруҳлараро “Мунозарали суҳбат” усулида ушбу фикрларни изоҳини беринг: Ҳайрату ҳавасларини она тилида бийрон ифода қилаётган инсон том маънода бахтлими? Сўз – гулдан нафис, тигдан ўткир. Нега? Сўз ота-она дуосида ҳам нурланиб туради.



Ёзамиз

2. “Денотантли хатбоши” усулида ишланг. Биринчи хатбоши калит сўз ёки тушунча, иккинчи боғловчи феъл, учинчи таъриф-тавсиф от (ким? ёки нима?), тўртинчи таъсир хусусияти сифат (қандай?).



Жуфтликда ишлаймиз

3. Юқоридаги матнлардан феълларни қуйидаги чизмаларга жойланг (А4 русумли варақага).





Ўқиймиз



Сўзлаймиз

120-машқ. Диққат билан ўқинг. Қайта ҳикоя қилинг.

Алишер чўккалаб олиб хонтахта устидаги каттакон бир китобни варақлаб, сурат кўриб ўтирар эди. Ов ва жанг манзаралари уни шу қадар қизиқтирган, хаёлини шу қадар ўғирлаган эдики, отаси келиб эшик олдида кавуш ечаётганини ҳам пайқамади. Кичкина Баҳодир деб ном чиқарган Ғиёсиддин энди тўрт ёшга кирган ўғли Алишерга кулимсираб қараб турди. «Шул ёшдин китобга муҳаббат қўйса, улғайгач, албатта китобни илкидан айирмай ўзи била асраб юрғай», деб ўйлади ота ширингина, дўмбоқ ўғлидан кўзини узолмай.

– Ҳа, бул ерга ёшуруниб олиб не қиладур, десам, китоб кўраётган эканлар-да,– деди Ғиёсиддин пичинг аралаш меҳр билан. Отаси бу гапни секингина, кулиб туриб айтган бўлса-да, Алишер шўхлик қилиб катталардан дашном эшитишдан кўрққан боладек олазарак бўлиб:

– Дада, мана бул суратни кўринг,– деди. Унинг хиёл қийиқ кўзлари мўлтирар эди. – Мана бул черик шотидан чиқаётиб қулаб тушмоқда, кўрғон устинда турганлар ўқ отиб қулатғон чиқарлар. Мана буниси пастдин туриб, қалъа устидагиларга ўқ узмоқда. Отаси ўғлининг гапни тасдиқлагандек, бош ирғитиб, унинг қўлидан китобни аста олди-ю, токчага, бошқа китоблар ёнига қўйди.

– Бул китобнинг ўрни токчада,– деди у ясама жиддийлик билан, – аммо сиз китоб кўрмоққа ёшлик қилурсиз, йиртиб қўйсангиз яхши бўлмас. Ани икки қўй баҳосига сотиб олфонмен.

– Мен китобни йиртмаймен, авайлаб кўрамен.

– Ақлли боласан-да. Тентак болаларгина илкларига тушган китобларни пора-пора қи-





ладурлар. Катта бўлғонингда сенга ажойиб китоблар сотуб олғаймен. Ҳозирча... мана буни ўйнаб юр, – Ғиёсиддин кулиб, чўнтагидан «сопол қўчқор» чиқариб берди. Бола бу ғалати ўйинчоқни кўргач, кўзлари ўйнаб кетди. – Қара ўғлим, анинг мугизлари қайрилғон, сузиб олмоққа ҳозирланиб турадур.

– Менга беринг, – деб бола сакраб ўйинчоқни унинг қўлидан тортиб олди, – ани Ҳусайннинг қўчқори бирла уриштиргаймен.

Ғиёсиддин девонхонадан келиб, дам олгандан сўнг баъзан қўлига китоб олиб мутолаа қилар, шундай кезлар Алишер ёнига келиб ўтириб олар ва овоз чиқариб ўқишини сўрар эди. Отаси эса: «Яхшиси, ҳикоя айтиб берай», деб китобни йиғиштириб қўяр ва қизиқ бир эртақни айтиб берарди.

М. Осим



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матнни номланг. Қўйган сарлавҳангизни изоҳланг.
2. Матнга саволлар тузинг, “Чархпалак” усулида ишланг.



Ёзамиз

3. Матнлар асосида “Мулоҳазали кундалик”ни ёзинг.

Матндан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр	Тушунтириш: Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол туғдирди, фикр ёки муносабат уйғотди?



Якка тартибда ишлаймиз

4. “Буюклар авлодиданмиз” мавзусида кичик эссе ёзинг.
5. Гаплардаги феъллардан истаганингизни танлаб, буйруқ-истак майлида тусланг.

Намуна.

Шахс	Бирлик	Кўплик
I шахс	топайин	топайлик
II шахс	ёзайин	ёзайлик
III шахс	-гин	-ингиз
шахс	-син	-син(лар)



Ўқиймиз



Сухбатлашамиз

122-машқ. Ўзлаштиринг ва шеър матни юзасидан мулоҳаза юритинг.

Навоийни ўқиб улғаймоқ керак

Кимга дунё керак, кимга обрў, бахт,
Юртга тинчлик, элга осойиш керак.
Тилакка етингиз, вале бир ўтинч,
Навоийни ўқиб улғаймоқ керак.

Навоийнинг назми тафаккур нони,
Тотсанг нурга тўлар кўнгил осмони,
Толиққан толибнинг дилга дармони,
Навоийни ўқиб улғаймоқ керак.

Кўнгил чаманига йўл ахтарганлар,
Дил ичра кўркавроқ дил ахтарганлар,
Тоабд ҳеч сўнмас гул ахтарганлар,
Навоийни ўқиб улғаймоқ керак.

Топмоқ истаганлар назмий дуони,
Кўнгилдан кўнгилга тушган зиёни,
Севишни ўргатар сизга худони,
Навоийни ўқиб улғаймоқ керак.

Улуғлик ахтарсанг гар ўзлигингдан,
Қувонмоқчи бўлсанг ҳур сўзлигингдан,
Лайли лутфин сўраб ой юзлигингдан,
Навоийни ўқиб улғаймоқ керак.

Қадри кўкка сиғмас қуш бўлгинг келса,
Маҳмуд Мажнунликда хуш бўлгинг келса,
Бахтнинг болишида туш бўлгинг келса,
Навоийни ўқиб улғаймоқ керак.

М. Тоир



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Нима учун “Навоийни ўқиб улғаймоқ керак”?
2. Даҳонинг ижоди инсон тафаккурига озуқа бўла оладими? Даҳо эканлигига қўшиласизми?
3. Сиз толибмисиз? Кўнглингизнинг зиёси учун Навоийдан нима излайсиз?
4. Сизга нотаниш сўзларни луғатга ёзиб олинг.
5. Навоий ҳақида билган маълумотларингиз билан ўзаро ўртоқлашинг.



Тақдимот



Тинглаймиз

6. Гуруҳлараро ижодий мусобақа уюштиринг. Матнни монолог кўринишида ифодали ўқинг.



Ёзамиз

7. Улуғ Навоийга атаб гуруҳингизда мустақил монолог ёзинг. Радиоэшиттириш орқали узатинг.
8. Матнлар асосида флипчарт бажаринг. (Ёки ўқитувчингиз ёрдамида расмли коллаж)




Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

9. Феълларни топиб, ўзак ва қўшимчаларига диққат қилинг, замон ва шахс-сон қўшимчаларини аниқланг. СМАРТ жадвал кўринишида белгиланг. Хулосангизни айтинг.





Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

123-машқ. Диққат қилиб ўқиб ўрганинг. Тадқиқотли суҳбат асосида матннинг илмий, адабий қийматини исботлаб беринг.



Алишер Навоий ҳазратларининг фикр доираси – тафаккур нигоҳи шунчалик кучли бўлганки, замондошлари лол қолишган. Улуғ шоир табиатни чинакам севган, унинг сиру асрорлари, мўъжизаларини синчковлик билан кузатган. Ўзгаларга аён бўлмаган ва улар илғай олмаган нозик қирралар у кишига аён кўринган. Ва ушбу ҳодисаларни бир-биридан латиф мисраларга моҳирона сингдирган. Буюк мутафаккирнинг ана шундай чуқур мазмунли байтларида марвариднинг ҳосил бўлиши тўғрисидаги гўзал талқинлар бунга мисолдир.

Изоҳ: Марварид ҳайвонот оламининг юмшоқ танлилар тури – моллюскаларнинг мантия қобиғи орасига ўзга предметлар (қум, чўп, моллюска тухуми) кириб қолишидан ҳосил бўлади. Яъни ушбу ҳолатда моллюска зудлик билан унинг атрофини танасидан ажралиб чиқаётган кальций карбонат суюқлиги билан ўрай бошлайди ва у ойлар ва йиллар давомида мантия билан чиғаноқ садафи орасида марваридга айланади. У чиройли ва беқиёс жилоланади. Ҳажми турли катталикда бўлиб, узунлиги 1,5 метр, оғирлиги 250 килограмм бўлганлари учраган.

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарида марварид тўғрисида ушбу байтни ўқиймиз:

*Гарчики бир дур чиқадур минг садаф,
Бир дур ила минг садаф айлар шараф.*

Тўғри шаклли ноёб марварид қиммат туради ва уни дур деб ҳам аташади. Ушбу байтни чуқурроқ таҳлил қилсак, унинг қандай дурлиги, қаерда, қачон пайдо бўлгани, бир дурда минг садаф қачон шарафланишини билиб оламиз...

Алишер Навоийнинг «Ҳикматли сўзлар»ида ҳам марварид эъзозланган:



*Гавҳари дурни қулоқ озори бил,
Сўзки, қулоқнинг дур-и жавҳари бил.
Керак бўлса сўз айлаким дурр-и пок,
Садаф деб ҳақир ўлса не бок?!*

Табиийки бу ерда, найсон ёмғири қандай ёмғир, унинг марварид билан қандай алоқаси бор?– деган савол туғилади.

Ҳар йили, сўлим баҳор фаслидаги баракатли кунларнинг бирида бутун оламга найсон ёмғири ёғиб ўтар экан. Бу ёмғирнинг нақадар қутлуғ ёмғир эканлигини барча жонзот билар экан. Ҳатто океан ва денгизларнинг энг чуқур жойларини ўзларига маскан қилиб олган чиғаноқлар ҳам бундан огоҳ бўлар эканлар. Чиғаноқлар сув юзасига чиқиб, найсон ёмғирига оғзини очиб, сакрар эканлар. Қайси чиғаноқнинг оғзига шу ёмғирдан бир томчи томса, найсон ёмғири томчиси дурга, яъни марваридга, чиғаноқнинг танаси эса садафга айланар экан.

Марварид нафақат зебу зийнат, у табобат учун ҳам қимматли хом ашё ҳисобланади. Бу ҳақда тиббиёт илми султони Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида ҳам баён этилади. Мамлакатимиз сув ҳавзаларида ҳозирда марварид ҳосил қилувчи икки паллали моллюскаларнинг беш тури яшайди. Улардан табиий шароитда, тажрибалар жараёнида марварид олишга муваффақ бўлдиқ. Уни йўлга қўйсақ, келажакда енгил саноатимизда янги бир даромадли тармоқнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бунинг учун махсус сув ҳавзалари, фермер хўжаликлари ва олимларнинг ҳамкорлиги лозим бўлади.

З. Иззатуллаев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Алишер Навоийнинг асарлари инсоннинг қайси хусусиятларини очиб беради?
2. Инсон ҳиссиётидан ташқари табиатнинг мўъжизаларини ҳам тасвирлашда тенги йўқ дея оласизми? Исботлаб беринг.
3. Марварид қимматбаҳоми?
4. Марваридни инсоннинг яна қандай хислатларига ўхшатиб тасвирласа бўлади?



Тақдимот

5. Тадқиқот ишингизни тақдимот қилинг.
6. “РАТМ” усулида Навоий шахси, ижоди, даҳолиги ҳақида фикр ёзинг.

Р – роль (Сизнинг ролингиз ўқувчи, профессор, археолог)
А – аудитория (тингловчиларингиз-томошабинлар)
Т – тузилиши – матн, очиқ хат, ҳикоя, эссе, монолог ва ҳк.
М – мавзу “



6-дарс. БИТМАС-ТУГАНМАС ХАЗИНА...



Ёдда сақланг!

Феъллар бирлик ва кўпликда бўлади. Бирлик ҳаракатнинг бир киши томонидан, кўплик эса ҳаракатнинг бирдан ортиқ киши томонидан бажарилганини билдиради. Феъллар шахс-сонда тусланади. Феъллардаги шахс-сон қўшимчалар тусловчи қўшимчалар ҳисобланади.



Ўқиймиз



Сухбатлашамиз

124-машқ. Матни диққат билан ўқинг.

Инсон ҳам дарахтга ўхшайди. Фақат унинг илдизи дарахт каби ер остига сингишиб кетмаган. Инсоннинг илдизи бутун борлиққа – ўн саккиз минг оламга кўз илғамас қувват ришталари билан уланиб кетган. Ришталар нафақат айни дам, балки ўтмиш аجدодлар, келажак авлодларга ҳам боғлана билади. Бу ўринда рухнинг пок, имоннинг бут бўлиши бир бутунлик даражасини белгилайди.

Маънавий кадриятлар инсон руҳиятидаги ўқ илдиздир. Ўқ илдиз аجدодлардан мерос бўлиб келаётган битмас-туганмас хазинадан баҳра олади. Ўқ илдиздан ажралган жон ҳаётдан узилади. Маънавий хазинанинг қайноқ кўзидан бебаҳра қолади. Замон тебранишларига дош бера олмай дарбадар санғийди. Дарахтдаги куртаклар барг ёзиб, гул очиб, мева тугиб ҳосил бериш имконидан мосуво қолади.

Қайси авлод – бўгин, бўғим... ўз меросини асраб, қадрлаб, уни бугуннинг бутунлигига ишлатиб, янгилай билса, ўзлигини намоён этса, бу заҳира қувват





ишлайди, фаоллашади, бунёдкор кучга мадад бўлади. Ана шунда таназзуллар эшиги бекилиб, қувват юксалиш пиллапояларига уланади. Акс ҳолда, мерос музейдаги кўргазма, архивдаги инвентарь ҳолида мудраб тураверади.

Ш. Турдимов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз..



Жуфтликда ишлаймиз

1. Сарлавҳа қўйинг ва уни изоҳланг.
2. Инсонни дарахтга ўхшатилиши тўғрими? Нега?
3. *Инсоннинг имони бут бўлиши керак* фикрига изоҳ беринг.
4. *Маънавий қадриятлар инсон руҳиятидаги ўқ илдиздир* фикрини қандай тушунтира оласиз?



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

4. Гуруҳлараро ҳар уч хатбошини алоҳида-алоҳида изоҳланг.
5. Смарт жадвал асосида, юқоридаги матндан бирор феълни танлаб, қуйида берилган феъл шакллари бўйича тусланг. Феълнинг бўлишли ва бўлишсиз турларини ҳамда нисбатларини белгиланг. Хулосангизни айтинг.

Тўлиқсиз феъллар шахсон қўшимчалари билан тусланадими?



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

125-машқ. Матнни ўқинг. Тушунчангизни ўзаро мулоқот ёрдамида мустаҳкамланг.

Қўрқит ота – туркий халқнинг файласуфи, бахши, қўбизчиси. Тарих зарварақларида Қўрқит отадан адабий ва мусиқавий бой мерос қолган. Буюк қўбизчининг ҳаёти ҳақида олимлар ҳали-ҳануз бир тўхтама келмадилар. Айрим маълумотларга кўра, у 10 асрларда Сирдарё бўйларини маконлаган ўғуз-қипчоқ тайпаларида дунёга келган деб кўрсатилади. Рашид ад-диннинг “Жомеъ ат-тавориҳ” тарихий шажарасида Қўрқит Ота қайи тайпасидан чиққан деб кўрсатилади. Абулғозийнинг “Шажараи тарокима”сида унинг келиб чиқиши баёт, ўғузлардан бўлиб, 95 ёшга келиб вафот этган дейилади. А.Марғулоннинг айтишича, у VII-VIII асрларда ҳаёт кечирган. Қўрқит Ота туркий халқлар тарихи, маданияти, илм-фани, урф-одат ва анъаналарининг ривожига улкан ҳисса қўшган файласуф, қўбизнинг мусиқа илмидаги ўрнини юқори даражага кўтарган – буюк қўбизчи.



Қўрқит Ота ўғузлардан чиққан биринчи оқин. У билмаган нарса йўқ, неки айтса вожиб бўлурди, деб деярли илоҳийлаштирилган. Туркий халқларнинг фольклорида Қўрқит Ота ҳақидаги афсона ва ривоятларда у бахшичилик ва куйнинг отаси сифатида намоён бўлади.

Халқ: “Бахшили эл – ботир”, деб айтган. Бу шунчаки хулоса эмас. Қадим-қадимдан бахшининг жамиятда тутган ўрни, халқнинг маънавий, ижтимоий ҳаётидаги мавқеидан келиб чиқиб берилган баҳодир. Бахшилик санъатининг пайдо бўлишини халқ шоирлари:



*Соз билан суҳбатни ёлгон деманглар,
Одам Ато бино бўлгандан бордир.
Ҳобил билан Қобил Момо қорнида,
Улар ер юзига келгандан бордир –*

дея, одамзод ибтидоси билан боғлаб талқин этишади. Бу фикр бадий сўз ва куйнинг одам насли ўзини англаган даврдан бери борлиги ва бахшилик санъати ҳам билвосита унга дахлдор эканлигидан далолатдир.

Чинакам бахши элнинг доно маслаҳатгўйи ҳисобланади. Афсонавий Қўрқит ота ана шундай бахши шоирларнинг тимсоли ҳисобланади. Қўрқит ота ҳақидаги афсоналарда у бахшилик сози – қўбизни ясаган киши, юртнинг оқил маслаҳатчиси, маросим тўйларининг йўриқчиси сифатида тасвирланган. “Қўрқит Ота китоби”да: Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг устидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, хиёнат, макр-ҳийладан узоқ бўлсин.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матнни номланг, ўзаро қайта ҳикоя қилинг.
2. Матн бўйича очиқ саволлар тузинг, ён жуфтлик билан ўзаро фикр алмашинг.
3. Нотаниш ва маъноси мураккаб сўзларни ёзиб, луғат тузинг.




4. Қуйидаги жадвал билан ишланг.

Тушунча(фикр)	Изоҳ	Далил-исбот
Туркий халқнинг файласуфи		
“Жомеъ ат-таворих” тарихий шажараси		
“Бахшилик эл – ботир”		
Чинакам бахши элнинг доно маслаҳатгўйи		
ёшлигидан бошласин	Ёшлиқдан йиққан илмувр давомида шерик, малҳам бўлади	Ақл ёш-қарига қарамайди, ё у бор, ёки...
сўзининг устидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлан		
хиёнат, макр-ҳийладан узоқ бўлсин		



Ёзамиз

5. Матндан феъл танлаб олинг, сўнг СМАРТ жадвалга жойлаштириб ўзаро тушунтиринг.



Ўқиймиз



Тинглаймиз

126-машқ. Трансформацияланган шеърий парчани мазмунини келтириб чиқаринг.

Бешак билинг бу дунё барча элдан ўтаро, Инонмагил молингга бир кун қўлдан кетаро. Ота-она қариндош қаён кетди фикр қил, Тўрт оёқли чўбин от, бир кун сенга етаро. Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема, Киши молини ема, Сирот узра тутаро. Аҳли аёл қариндош, ҳеч ким бўлмайдир йўлдош, Мардона бўл ғариб бош, умринг елдек ўтаро. Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам неча йил. Аслинг билсанг оби гил, яна гилга кетаро...



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Шеърнинг муаллифини айтинг, ифодали ўқинг.
2. Расмни изоҳланг.
3. Шеърнинг ғоясини аниқланг ва мазмунини муҳокама қилинг.



Видеолавҳа томоша қиламиз



Жуфтликда ишлаймиз

Интернет манбаларидан фойдаланиб, шоир ҳақида видеолавҳа томоша қилинг, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашинг.



Якка тартибда ишлаймиз Ёзамиз



Шеър асосида “Мулоҳазали кундалик”ни ёзинг.


Матндан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла	Тушунтириш: Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай саволларни, фикр-ни ёки муносабатни қўзғатди?
1.	
2.	

127-машқ. Матнга сарлавҳа қўйинг, ўзлаштиринг.

Шоирнинг исми Юсуф (халқ орасида «Мамаюсуф», «Маюсуф»), отасининг оти Абдушукур, Сарёмий эса тахаллуси нисбадир. «Тазкираи Қаюмий»да Сарёмий туғилиб ўсган манзил ҳақида шундай маълумотга дуч келамиз: «Бу шоир асли туркистонлик ўзбеклардан бўлиб, атроф қасабаларидан Сайрамда туғилиб, Тошканд шаҳрида ўқимиш буюк фозиллардан... Юсуф Сарёмий деб машҳурдур. Ўз исмини тахаллус



этмишдур». Маълум бўлишича, шоир «Юсуф» ва «Сарёмий» тахаллусларини ишлатган. Кўпгина адабиётларда Сарёмийнинг туғилган йили 1840 йил деб кўрсатилади. Шоирнинг замондошлари унинг Сайрамдаги «Қози Байзо» маҳалласида ўсиб вояга етганини хабар берадилар. Шоирнинг қабри ҳам худди шу ерда бўлиши бежиз бўлмаса керак. Муродхўжа домла яна шундай ёзади: «Ёш чоғиндаёқ шеър айта бошлаган. Шеърлари Сарёму Чимкенту Тошкандда ҳар бир кимсалар орқали тарала бошлагон. Ёш йигитлик вақтида Кошғарга Тажаллий соҳибнинг балоғат ва фасоҳат ва шеърдаги иқтидорин эшитиб ўқумоқ ғаразинда бормоқни ният қилиб, йўлга чиқиб, Кошғар довонига яқин ерда унга қароқчилар тегиб талонилғонлигин, қўлида бўлган бир мунча замондин бери машқ қилғон шеър тўпламлари ҳам олинганлигин манга зиёда афсусин баён айлар эди. Бу ҳозирги девондаги сўнгги тўплағон шеърлигин баён қилар эрди».





Мўминжон Тошқин шоирнинг сафарлари ҳақида шундай ёзади:

«Ҳар йили Юсуф Сарёмий Сарёмда от билан келиб шу Қосимхонтўра-Музтарибнинг меҳмонхонасига тушиб, 2-3 кун меҳмон бўлганидан кейин, отини шу тўраникига ташлаб, ўзи Бухоро, Самарқанд ҳам Фарғона шаҳарларига адабиёт-шунос ва ихлосманд одамларникига юриб кетар эди. Шоир Музтариб от боқар хизматкорига буюриб, Юсуфийнинг отини боқтириб семиртирар, келишига яна совутиб тайёрлатиб қўяр эди».

*Керак сабр айламак, гар етса даврон аҳлига кулфат,
Ҳаётинг шом ё гамлик, магар билгил улуг неъмат.
“Санга огу ичирганларга бергин шаҳиддин шарбат”,
Жаҳон аҳлин қаддин, бор миннат бирла хам қилма!...*



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. “Тўғри-нотўғри” усулида гуруҳлараро муҳокама ўтказинг.
2. Сарёмийнинг туғилган ўлкаси деб қаер айтилмоқда? Батафсил айтинг.
3. Парчанинг баён этилиш тили қайси тил?
4. Нотаниш сўзларни луғатда кўрсатинг. Изоҳ беринг .



Ёзамиз

5. Қуйидаги жадвал билан ишланг.

Феъл (ясалиши)	Феъл майли	Нисбати	Бўлишли, бўлишсиз	Шахс-сонда	Замони



Видеолавҳа томоша қиламиз



Тинглаймиз

Интернет манбаларидан фойдаланиб, Юсуф Сарёмий шеърига басталанган, Эркин Рўзиматов ижросидаги “Қўқон ушшоғи” қўшиғини тингланг.



7-дарс. БУЮКЛАР ДЎСТЛИГИ – ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

128-машқ. Матн ғоясини аниқланг.

Навоий ва Абай

Абай Қўнанбаевнинг Абай даражасига кўтарилиб, қозоқ поэзиясининг машъали, ёруғ юлдузига айланишида, айниқса, Шарқ шоирлари, жумладан, Алишер Навоий ижод дурдоналарининг таъсири беқиёс бўлган. Бу ҳақда Қозоғистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, ёзувчи Ғабит Мусрепов: “Қозоқнинг инқилобдан аввалги адабиётига Ўрта Осиё классиклари асарларининг таъсири катта бўлган. Ўзбек халқининг донишманд шоири Алишер Навоийнинг асарларини ўқиб, ундан ўрناق олмаган шоир кам. Классик адабиётимизнинг буюк чўққиси – Абай ҳам Навоийни ўзига устоз деб билган, истеъдодига таъзим қилган”, дейди.

Шарқ шеъриятдан таъсирланган ҳолда шеърлар битиш фақат Абайдагина эмас, балки XIX асарда яшаб ижод этган Шангерей, Оқон Сери, Қорасоқол Эримбет, Қулинчоқ, Майли хўжа каби қозоқ шоирларида ҳам кузатилган. Бироқ Абай Қўнанбаев улардан анча илгари кетади, Низомий, Навоий, Фузулий, Бобур асарларини чуқур ўрганиб, бадий бақувват асарлар, ажойиб дostonлар яратади. Шоирнинг 1858 йили, 14 ёшида ёзган “Фузулий, Шамсий, Сайқалий” номли шеърий асари илҳом ва илмнинг дастлабки ҳосиласи эди.

Ҳар икки шоир ҳам халққа ҳалол хизмат қилиш, инсоний фазилатлар, адолат, пок муҳаббатни ҳар қандай мансаб-амалдан юқори қўяди.

Навоий:

*Мансабдан мансабсизликка бургин юз,
Ҳар мансабдан мансабсизлик дуруст, –*

деган хулосага келса, Абай: “Буюк мансаб баланд қоядир. Унга эринмай ўрмаласа илон ҳам чиқа олур”, – дейди. Ҳатто бири вазирликдан, бири бўлисликдан воз кечишлари ҳам ҳаётдаги маслақларининг бир-бирига монанд эканини кўрсатади.






*Одамий эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ гамидин гами, –*

ҳамда “Отанг фарзанди бўлма, одам фарзанди бўл” – ўзбек ва қозоқ миллатининг шиорига айланиб улгурган ушбу мисраларда комил инсон ғояси икки инсонпарвар ижодкорни ўйлантирган абадий мавзу эканини англаймиз.

Қ. Сейданов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Икки турли давр шоирлари қандай ҳамкорлик қилиши мумкин? Бу ҳамкорликни қандай тушунасиз?
2. Икки шоирнинг мансаб ҳақидаги фикрларини изоҳлаб, фикрларнинг яқинлигини исботланг.
3. “Отанг фарзанди бўлма, одам фарзанди бўл”, фикрини изоҳланг. Мавзуга мос мақол-маталлардан келтиринг.



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

4. Тушунчаларни ўзаро мослаштиринг. Мисол келтиринг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

129-машқ. Шеърни ўз сўзингиз билан қайта ҳикояланг.

Туманбой Мўлдағалиев

Ўзбегим – ўз оғам

Қозоғу ўзбек қадим қондош тайин,
Бу туйғу дилга сурур берар майин.
Тошкентда юрганам кез дўстлар билан
Бўламан Олмаотада юргандайин.

Тошкентнинг гулбоғлари ўз боғимдай,
Кўчалари кўнглимнинг чароғиндай.
Дунёда оху кўз кўп, бўта кўз кўп,
Кўз борми ўзбек қизин қароғиндай!



Дилимда ҳавас сўнмай, ғайрат ўлмай,
 Нечук кўрк-зийнатиингга мафтун бўлмай?
 Бир кирсам бозорингга, то кечгача
 Гиргиттон чарх ураман чиққим келмай.

Мен гоҳ шеър сурурига лим тўламан,
 Илҳомсиз кунларимда жим – сўламан.
 Боримни бозорингга бериб кетган
 Жайдари, содда қозоқ мен бўламан...

Қалбимни далам каби кенг қиламан,
 Улуғларни тоғимга тенг биламан.
 Мусо оғам қўлига Олмаотада
 Сув қуйган ўспирин ҳам мен бўламан.

(Мирпўлат Мирзо таржимаси.)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. “Ақлий ҳужум” СМАРТ жадвалдаги тушунчалар ёрдамида мустақил хулоса чиқаринг. Мисоллар билан мустаҳкамланг.





Ўқиймиз



Суҳбатлашамиз

130-машқ. Матни қайта ҳикоя қилинг.

Мирзакалон Исмоилий ҳикояси



Бир маҳал бўйлари барваста, икки бети нақш олмадек қизил, кўзлари хиёл қисик, қозоқсифат ўрта ёшли бир киши чехрасидан ёғилиб турган меҳр нури билан бизни ўзига жалб қилди. Биз энди у кишига ўзимизнинг яқин оғамиз, жигаримиз, энг муҳими, мураббийимиз деб қарай бошладик. Кунларнинг бирида Мухтор оға ҳаммамиз билан суҳбатлашиб туриб, бирдан Шайхзодага тикилиб қолди. У киши Мақсуд билан қаердадир, қачондир кўришган-у тусмоллаб ололмаётгандек эди. – Мен сени кўрганманми-а, йигит? – деди Мухтор оға Мақсудга тикилиб. Мақсуд ноқулай аҳволга тушиб қолган кишидек ғалати бўлиб қолди. Лекин уни ҳар қандай мушкулдан ҳам қутқариб оладиган ўткир сеҳни иш берди:





– Шу ерда кўргансиз, Мухтор оға, шу ерда, – деб жавоб берди у. – Ажаб эмас. Лекин сен билан кўп бор кўришган, ҳатто сўзлашган кўринаман. Мухтор оға ўз-ўзи билан гаплашаётган кишидек бир нималар деди-ю, яна Мақсудга тикилди. Бу сафар у Шайхзоданинг юз чизиқларини текширишга аҳд қилган кишига ўхшаб кетди. Шунчалар қаттиқ тикилди. Кейин юз-кўзларини ёриштирган ёқимли бир жилмайиш билан:

– Қаердансан, бовурим? – деди. Шайхзода ақл маъносидагина эмас, сиймо маъносида ҳам ҳаммамиздан ажралиб турарди. Мухтор оғанинг беозор саволи унга эриш туюлмади. У суюниб, ҳатто фахрланиб, озарбайжонлик эканини, Озарбайжондан келганини айтди. Шу сўзларни айтиб турганида Мақсуднинг юзига худди осмондаги қуёш кўчиб тушгандек бўлди. Ана шу тарзда келажакнинг бу икки буюги ўртасида яқинлик ипи боғланди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матн асосида очиқ саволлар тузинг. «*Чархпалак*» усулида ишланг.
2. «*Тимсол портретининг тасвири*» усулидан фойдаланиб, матндан олган тушунчаларингиз асосида ҳикоя қаҳрамонини тасвирланг.



Муҳокама қиламиз

3. Матн баёнида муаллиф қайси шахс номидан сўзлаганини айтинг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

Тингланг, сўнг сиз ҳам бирор бир шеърни шундай ўқиб кўринг. Шоир М.Шайхзода ҳақида лавҳадан олган таассуротларингиз билан ўзаро ўртоқлашинг.



Якка тартибда ишлаймиз

1. СМАРТ жадвалда кўрсатилган масалани тушуниб олинг, хулосангизни айтинг. Мустақил мисоллар билан тушунчангизни мустаҳкамланг.
2. Отлар сон, эгаллик ва келишиқ қўшимчалари билан кела оладими? Мисол келтиринг-чи.
3. Отлар гапда бош ва иккинчи даражали бўлак бўлиб кела оладими? Мисол келтиринг.





131-машқ. Матнларни диққат билан ўқиб ўзлаштиринг. Сарлавҳа қўйинг.



I. 1962 йилнинг май ойида Қозоғистонда ўзбек адабиёти кунлари ўтказилди. Ўша вақтда Ойбек оғир хасталикдан кейин соғайиб улгурмаган, ammo шунга қарамай, қозоқ дўстлари билан дийдорлашув истагида қаламкаш биродарлари билан бирга Олма-отага боради. Қозоқ пойтахтида бир-икки кун турганларидан кейин делегация аъзолари ижодий учрашувларда иштирок этиш учун қозоқ диёрининг турли шаҳарларига йўл оладилар. Хаста Ойбек эса Собит оғанинг уйида меҳмон бўлиб қолади. Кунларнинг бирида Собит оға дўстини қозоқ диёрининг ўша йиллардаги кўрки – Медевга олиб бориб, табиатнинг бу гўзал мўъжизаси билан таништиради. Олатовнинг оппоқ қор билан бурканган чўққисидан жилдираб оқиб тушаётган кумуш жилғалар пастроқда бир-бири билан туташиб, улкан сойни вужудга келтирган, шу сойнинг ўртасида эса ўтовдек катта ва юмалоқ тош чўнг ҳайкалдек қотиб турарди. Бу фусункор манзарадан ҳайратланган Ойбек тошнинг олдига келиб, уни худди тирик одамдек қучоқлаб, силаб-сийпайди. Адиб отасининг исми Тошмуҳаммад, яъни Тош эди. Балки хаста адибнинг кўзига ҳайкал – тош унинг отаси бўлиб кўрингандир, ўшанда. Ҳар қалай, у шу тошдан қандайдир маънони ўқийди. Буни кўрган Собит оға ҳайкал – тошни ўзбек дўстига бағишлаб, унга совға қилади. Бу совғани бериб юборишнинг иложи бўлмагани учун, орадан бир неча кун ўтгач, Ойбек жўнаб кетганидан кейин, Медевга тоштарош устани олиб бориб, унга шу сўзларни ёздиради:

*«Бул жўмьр тасты бауырым Муса Айбекке сыйга тартам.
Собит Мўқан ұлы. V. 1962 жыл».*



II. Ўша адабиёт байрамида иштирок этган Ғафур Ғулом, инсоний табиати-га кўра, ғоят шинаванда, ҳазил-ҳузулни қотирадиган, бир суҳбатга киришса, тонгни тонгга улайдиган ёзувчи эди. ... Орадан кўп ўтмай, 1964 йили у қозоқ шоири Қувондиқ Шанғитбоевнинг хатига шундай жавоб хатини йўлладики, бу хатнинг ҳар бир сўзи бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлган халқнинг дўстлик дарахтига озуқа берадиган ҳаётбахш сўзлар эди. “Ўзбек ва қозоқлар, – деб ёзган эди Ғафур Ғулом, – минг йиллардан буён бири-бирига туташган улуғ ер қитъасида бирга-бирга яшаб келадилар, бирининг тарихи иккинчисининг ҳам тарихидир. Қоплонбекда чироқ ёқилса, Тошкентда кўринади, Чимкентда тўй бўлса, ярим Тошкент кўчиб боради. Уйимга бирор ардоқли қўноқ келиб қолса, қимиз учун ё Сариоғочга, ё Турбатга бориб келаман... Қозоқ халқининг сахийлиги, бағри очиклиги ўз ерига ўхшаб кетади. Ахир Шарқдан Ғарбга қараб, Хитой чегараларидан тортиб Каспийгача, қалмоқ чўлигача, Шимолдан Жанубга қараб, Оренбург саҳроларидан, Ўрол этакларидан тортиб Тошкентгача бўлган бепоён ҳудудда нималар йўқ!..”

Н. Каримов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Ҳар иккала матнга расмлар ёрдамида сарлавҳа қўйинг.



Муҳокама қиламиз

2. Ёзувчилар ҳамкорлиги асосида савол-жавоб тузинг, мулоқотни ўзаро тушунтиринг. Ўзаро бир-бирингизни баҳоланг.



3. Матн асосида “*Ишонаман – ишонмайман*” усулида фикр алмашинг. Жадвалда ҳам бўлади.

Хато тушунча	Тўғри тушунча. Нега?
Ёзувчилар орасидаги ҳамкорлик миллатлараро дўстлик эмас.	Миллатлараро ҳамкорликнинг ёрқин намунаси. Чунки ижод чегара билмас.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

4. Отларни гуруҳларга ажратинг. Муस्ताқил давомини ёзиб олинг.


Инсонга оид номлар:

Нарса-жисм номлари:

Воқеа-ҳодиса номлари:

Белги-сифат номлари:

Ҳаракат-ҳолат номлари:





8-дарс. ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ



Ўқиймиз



Жуфтликда ишлаймиз

132-машқ. Шеърни “Мен давом эттираман” усулида ифодали ўқинг.

Гўзал

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
 Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
 Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
 Айтадир: мен уни тушда кўрамен.
 Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,
 Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!
 Кўзимни оламан ой чиққан ёққа,
 Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа.
 Ул-да айтадир: бир қизил яноққа
 Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
 Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
 Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!
 Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,
 Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
 Айтадир: бир кўриб, йўлимдан озиб,
 Тоғ ва тошлар ичра истаб юрамен!
 Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал,
 Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Шеър кимнинг қаламига мансуб? Шоир ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
2. Муаллиф қандай мавзунини илгари сурган?
3. Гўзаллик нимада деб ўйлайсиз, уни қандай тушунтирасиз? Озодлик, мустақилликни гўзаллик деб айта оламизми?
4. Гўзал мустақилликни шоир “тушимда кўраман” дегани қай маънода берилган?



Ёзамиз

Матндан отларни икки гуруҳга ажратиб ёзинг.

Турдош, мавҳум,
китоб номлари....

Атоқли, аниқ,
жой номлари...



Ёдда сақланг!

Сўзларни қўшиш ёки уларни қисқартириб қўшиш билан: қўшма отлар ва қисқартма отлар (БМТ, Қозгаз) ясалади.



Ўқиймиз



Суҳбатлашамиз

133-машқ.

Эшитарманки, кун (офтоб) кўб гўзал... Наҳр бўйинда, сувнинг устида узайиб осилган гулларнинг кўруниши кўб латиф эмиш... Нозик-нозик сайраган қушларнинг ...ҳавойи қўш қанотларининг учушида кўрулатургон нимарсалардан эмиш!.. Эшитарманки, кечалари кўк юзинда ёшурунгон ёруқлар кўрунар эмиш... Мавж ва гирдобларидек ҳазин бўлган денгиз ичинда оқ чотирлик кемалар оқуб кетарлар эмиш!... Эшитарманки, гулларнинг ранглари ислариндан, сулувлиқда яна зиёда эмиш. Даралар... Тоғлар... Майдонлар... Сувлар, бешалар, хусусан, тонг замонлари у қадар латиф... у қадар тотли эмишларки, бу қадар буюклик ва аҳтишомға қарши инсон ҳайратиндан саждаға кетармиш. Лекин, ман ана ул гулдурагани эшитилатургон денгизни... на у ранглик гулларни... на кўк юзини... на кунни... на бешаларни... на у яхши меваларни... на қушларни... на ойдинликни... кўролмаслигимдан таассуф этмайман. Хайр, Оллоҳим! Хайр! Шу фоний оламнинг яхшилигиндан ҳеч бирини орзу этмайман, магар... **Ҳайҳот!... Онажонимни кўрсайдим!**

М. Бехбудий



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Монологнинг тил услубига эътибор беринг. Матнни ўз сўзингиз билан қайта баён этинг.
2. “Онамга муносабатим” номли оғзаки изоҳингизни баён этинг.



Ёзамиз Тақдимот



Матн асосида гуруҳингизда қуйидаги жадвални тўлдиринг, сўнг ишингизни спикер “*Чархпалак*” усулида ўзга гуруҳларга тақдимот қилсин.

Саволлар	Жавоблар	Хулосангиз
<p>Асар қаҳрамони ким?</p> <p>Нега кўргиси келади-ю, кўра олмайди?</p> <p>У кўра олмаса қандоқ қилиб табиат мўъжизаларини тасвирай оляпти?</p>	<p>Менимча, асар қаҳрамони...</p> <p>Менимча, етимлик ҳасратида...</p>	<p>Онам меҳрини кўрмасам ҳам, ҳис эта оламан</p>
<p>Онажонимни кўрсайдим! Нима бу? Соғинч? Армон?</p>		



Жуфтликда ишлаймиз Ёзамиз



4. Юқоридаги матнлардан фойдаланиб, қуйидаги СМАРТ жадвални тўлдиринг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

6. Лавҳалар асосида монолог ёзинг.

(Синфда. Чўлпон.)

(Синфда. Истиқлол фидойилари. А.Фитрат)

(Оилангиз билан)

(Оилангиз билан уйда томоша қилинг “Отамдан қолган далалар”).



Ёзамиз

7. Келгуси машғулотга: М.Бехбудий ҳақида маълумот тайёрланг. “Истиқлол фидойилари – миллат ҳасрати” мавзусида кичик эссе ёзинг.



Ўқиймиз



Сухбатлашамиз


134-машқ. Асардан олинган парчани диққат билан ўрганинг.

БЕГОНА МЕҲМОНЛАР

1932 йил бўлса керак, боғимизнинг авжи обод бўлган чоқлари, пишиқчилик кезлари эди. Бир куни кечки пайт уйимизга эр-хотин кириб келди. Эр ўттиз беш, аёл ўттиз ёшларда, икковлари ҳам оврупача кийинган. Бўйчан, чиройли оппоқ юзли. Аёлнинг эгнидаги қўш этакли узун оқ кўйлаги ўзига жуда ярашган эди...

– Билмадим... “Жулқунбой билан бир танишиб, уйини кўриб ўтайлик”, деб келишибди чоғи, – дедилар дадам кулиб ва шўрвага нон тўғраб илова қилдилар: – Маориф комиссарлигида ишлашади, чамаси...

– Хотини жуда димоғдор кўринади... – дедилар ойим. Дадам дарҳол жавоб қилмай, тўғралган нон устига мурчли пиёз сочдилар ва қошиқлаб ея бошлаб, дедилар: – Тўрт нарса кишини кибр-ҳаволантирар экан: бойлик, илм, мартаба ва ҳусн. Дадамнинг ушбу сўзлари хотирамда ҳамон сақланиб қолган. Кибру ҳаво дардига йўлиққан бирор кимсани учратсам, дарҳол шу хотираларни қайта-қайта эслайман...



Ҳ. Қодирий



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Адиб оиласи қандай касб билан шуғулланган? Ажратилган жумлага қаранг. Қандай адиб ҳақида сўз юритилган?
2. Матндаги тасвирлар ҳақида изоҳ айтинг.
3. Матннинг баён қилиниш тилига изоҳ беринг.
4. Отанинг сўзлари фарзандини нимага ўргатган?
5. Сизнинг отангиз айтадиган бирор насихатини мисол келтириб, изоҳланг.
6. Китобни ёпинг, “*Хотирада тиклаш*” усулида жумладан бир калит сўзни айтинг, ён гуруҳ аъзоси шу гапни хатосиз эшиттириб айтсин.



Ёзамиз

6. Матндан аниқ ва мавҳум отларни ҳамда содда ва қўшма отларни аниқлаб ёзиб олинг.



Ўқиймиз



Сухбатлашамиз

135-машқ. Берилган парчани диққат билан ўрганинг.

ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДАДУР



1956 йил сентябрь ойининг охирларида Масодиқова Холамбиби номига хат келди. «Гражданка Масодиқова Холамбибига! Сизга шуни маълум қиламанки, ўғлингиз Носиров Усмоннинг иши текшириб чиқилди. Ўғлингиз асоссиз ҳукм қилинганлиги аниқланди. Аризангиз ҳамда Носиров Усмоннинг жиноят иши текширув материаллари асосида аввалги ҳукмни бекор қилиш ва ўғлингизни батамом оқлаш учун Москва шаҳрига жўнатилди...»

Холамбибининг юрагида умид учқуни пайдо бўлди: «У тирик! Демак,

Усмонхон тирик. Биронта хатда унинг вафоти ҳақида ҳеч қандай гап-сўз йўқ, ахир! Холамбиби бу гапларни товуш чиқариб айтишга қўрқар, гўё бу сўзлар айтилса, умиди барбод бўлиши мумкиндек, шу умид онанинг ҳаётига бир оз бўлса-да, нур олиб киргандек эди.

Бироқ, 1957 йилнинг апрель ойида келган хат... уни қулатди. 1938 йилнинг 5 октябрида Ҳарбий Коллегия томонидан Носиров Усмонга тегишли чиқарилган ҳукм бекор қилинди ва жиноят состави йўқлиги туфайли жиноий ишнинг кўрилиши тўхтатилди. Носиров У. вафотидан сўнг оқланди.

Оппоқ қоғозга қора сиёҳда ёзилган бу совуқ сўзлар онанинг қалбини бир зумда чил-чил қилди. Холамбиби ётиб қолди. Ўша йили ёз ойларида бир куни ҳовлига озгиндан келган, новча одам кириб келди. Она уни дарров таниди: бу Усмоннинг дўстларидан бири Иброҳим Назир эди. У Холамбиби билан анча суҳбатлашди. Усмоннинг вафоти сабабларини айтиб берди. Меҳмон кетганидан сўнг она ўртаниб қолди. Она учун умиднинг охирги учқуни ҳам сўнди. «Усмон йўқ!» Бу хаёл уни чаёндек чақарди...



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Холамбиби ким? Ўғли-чи?
2. Ўзбек шоирининг тақдири нега Москвада ҳал қилинган?
3. Ҳар қандай онанинг орзуси фақат битта, у қандай орзу?
4. Оналарнинг умид учқуни нега сўнмайди?
5. Холамбибига ўғлининг оқлангани муҳим эдими? Ёки...
6. Холамбибига унинг дўсти қандай воқеани айтиб берди?
7. Ота-онага муносиб фарзанд бўлиш, “*Оқилнинг олти қалпоғи*” усули асосида фикрингизни билдиринг ёки бахс-мунозара ўтказинг.



Ёзамиз

8. Жадвални тўлдиринг.

Атоқли отлар	Турдош отлар	Содда отлар	Қўшма отлар



9-дарс: БУЮКЛИККА ЕТАҚЛОВЧИ ЗОТ...



Ўқиймиз



Мулоқот


136-машқ. Ўзлаштиринг. Матндан олган таассуротларингиз асосида мулоқот қилинг.

АЁЛ – БАМИСОЛИ УММОН

I. Аёл – Яратганнинг нозик ҳилқати, табиатдаги нафис мавжудотдир. Аёл фитратан бир томондан назокат тимсоли бўлса, иккинчи томондан жамиятга энг таъсирли қудратдир.

Аёл! Унда бугун олам қувончи, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужас-сам. Аёл севгисидан мусаффо бўлмаган, унинг мардлигидан мадад олмаган ҳамда камтарона йўриғига юрмаган инсон ҳақиқий ҳаёт кечирмаган ҳисоб. Қуёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз бахт, аёлсиз муҳаббат, онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам йўқ. Шоирларнинг бу мавзуда тинимсиз ижод қилишларига, балки шу сабаб. Муқаддас аёл бир қўли билан бешик, бир қўли билан дунёни тебратади. Булоқ сарчашмасидек тиниқ ва беғубор бўлган аёл муҳаббатини ҳеч нарса билан қиёс этиб бўлмайди.

Одамзот онгли ҳаёт бошлаган кундан бери инсоният аёл зотига ихлос қўйиб, уни севиб, ардоқлаб келади. Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарққа, ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Ер юзида ўзининг ақл-заковати, мард ва донолиги, гўзал ҳусни, андиша ва сабр-тоқати, меҳр ва садоқати билан дунёга донг таратган аёллар жуда кўп. Ҳамиша яхшилик ва эзгуликка интилган ўзбек аёли – онанинг жаҳоншумул қадр қимматини, унинг умуминсоний мазмунини аниқлашда ва юксак баҳолашда бизнинг доно момоларимиз





дунё олимларидан юқори турганлари маълум. Тарихда Тўмарис, Бибиҳоним ва Нодирабегим каби буюк аёл сиймолари борки, уларнинг бири буюк давлат ҳукмдори ва қўмондон бўлса, бошқаси Темурни Темур қилган Сароймулкхонимдир, яна бошқаси адабиёт соҳасининг йирик намояндаси шоира Нодирабегим бўлган.



Ўқиймиз



Тинглаймиз

II. Ифодали ўқинг. Сарлавҳа қўйинг.

Буюк тарихларни яратган она,
Қўлларим кўксимда таъзимда қалам.
Жаҳонгир Темурдек шоҳга парвона,
Бибиҳоним бўлди жонига малҳам.
Сиз шундай буюксиз ўзбек аёли!

Аруз билимдони – Увайсий отин,
Маърифат таратиб хўб олган савоб.
Дорга тикиб, бошин икки қанотин,
Шоира Нодира – сўнди-ку офтоб.
Сиз шундай куюксиз ўзбек аёли!



Санъатда машҳурсиз Лутфихон ая,
Ажойиб созанда, моҳир хонанда.
Театр, кинода, шўх-шан аския,
Ҳар куни меҳмонсиз обод хонамда.
Сиз шундай юксаксиз ўзбек аёли!

Зайнаб Садриева – заҳматкаш актёр,
Ўзбекни дунёга танитган инсон.
Қайнона роли-ла эъзози бисёр,
Ҳеч бир уйда қилмас “келин қўзғолон”.
Сиз шундай зийраксиз ўзбек аёли!

Мукаррамахоним – рақс маликаси,
“Баҳор” рақс дастасин тузган санъаткор.
Хипча бел қаламқош дил раққосаси,
Дунё саҳнасидан топди эътибор.
Сиз шундай малаксиз ўзбек аёли!

Сора Эшонтўраева – истеъдод қизи,
Аброр Ҳидоятлов – ҳаётдаги ёр.
Қўш санъаткор саҳна юлдузи,
Ҳаётда ижодда тенги йўқ зинҳор.
Сиз шундай тийраксиз ўзбек аёли!

Навоийшуноссиз Суюма устоз,
Ер шарин ярмини кезиб чиқдингиз.
Форс-ўзбек тилларин хўб айлаб эъвоз,
Навоий байтларин “эзиб ичдингиз”.
Сиз шундай сергаксиз ўзбек аёли!

Ўзбек аёлига таъзим келтириб,
Илм бўстонига қиламан ҳавас.
Жонажон Ватаним Қозоғистоним!
Бағрингда сўнмасин қўшиқ, оҳанг-сас!
Сиз шундай безаксиз ўзбек аёли!

Б. Собит



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Шеърнинг таҳлилини “Фикр ҳимояси” усулида бажаринг.

Намуна:

Муносабат	“Менинг фикримча, бу (масала, шахс)...” <i>Буюк тарихларни яратган она...</i>
Оқлаш <i>Маърифат тартиб</i> <i>ҳўб олган савоб</i>	Чунки, сабаби... <i>Сиз шундай куюксиз ўзбек аёли ...</i>
Мисол	Мен бунди ... исботлар эдим ёки исботи шуки... <i>Ҳаётда ижодда тенги йўқ зинҳор.</i> <i>Сиз шундай тийраксиз ўзбек аёли!</i> <i>(қисқача шарҳ)</i>
Хулоса	Бундан келиб чиқиб, хулосам шуки... <i>Жаннат оналар оёғи остидадир.</i> <i>Покланишни истасангиз, Оналар пойига тиз чўкинг.</i>



Гуруҳда ишлаймиз

2. Юқоридаги матнлар юзасидан “**Блум куб**” усулида қуйидаги масалаларнинг ечимини ёзиб гуруҳлар орасида “**Чархпалак**” усулида узатинг:

- А. **Номла.** Аёл муқаддас. Аёл ягона.
- Б. **Тушунтир.** Бир қўлида бешик тебратар...
- В. **Нега?** Она Ватан.





Ёзамиз

Тушунчаларни ўзаро мослаштиринг. Жуфт отларнинг ясалиши ҳақида хулосангиз билан ўртоқлашинг. Ёзиб олинг.

Бир-бирига яқин маъноли.Синоним сўзлар.

Антонимлардан. Икки отни боғлайдиган **у, ю** товушлар билан



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

137-машқ. Матни диққат билан ўқинг. Хулосангизни айтинг.



Бибихоним ҳақида тўртинчи афсона. Қозонхон бобоси Чингизхон каби шоҳона қасрда ўтириб, базми жамшид қилишдан от миниб, овга ёки душман устига бостириб бориб, қилич чопишни маъқул кўраркан. Аммо суюкли хотини унга қиз туғиб берган кундан бошлаб, у бу одатларини ташлаб, кеча-кундуз қизалоғи билан овунишни, у билан машғул бўлишни ҳамма нарсадан устун қўядиган бўлибди. У келажакда қизим бир сарой мулки бўлсин, деб фарзандига Сароймулкхоним деб исм қўйибди. Амир Темур уни 29 ёшида ўз никоҳига киритиб, «кўрагон» («куёв») бўлди. Куёвлик, расм-русумларга кўра, расман хон бўлмаса ҳам, ҳокимиятни



бошқариш ҳуқуқини берарди. Темур Сароймулкхонимнинг хон авлодига мансублигини инобатга олиб, уни **Бибихоним** (Катта хоним) этиб тайинлайди. Яъни энди у барча маликалардан улуғ ҳисобланадиган бўлди. Бунда унинг ақл-заковат ва фикрлаш доираси кенглиги бош омил бўлди. Чиндан ҳам Сароймулкхоним жуда **ақлли, фаросатли, тадбиркор аёл** эди. Сиёсатдонлик, инсонпарварлик, саховат бобида ҳам тенгсиз бўлиб, ҳокимиятни бошқаришда бемалол иштирок эта олиши, мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ишларига ҳомийлик қила олиши кўриниб-билиниб турарди. Тарихчиларнинг ёзмаларидан маълумки, Амир Темур Эронга юриш бошлаганда, Исфахон қамали чўзилиб кетиб, Сароймулкхонимга мактуб жўнатади, «Қўшиннинг заҳираси тугади, хазинадан зар юборинг» дейилганди унда. Бибихоним «Сиёсатингиз ҳам тугадими?» деб жавоб ёзган, сўнг Амир Темур турли суякларни кестириб, орқасига муҳр урдириб, вақтинча пул чиқартирган, шаҳар қишлоқлардан суяк-пулларга озиқ-овқат сотиб олган, Исфахон таслим бўлган, суяк пулларни зар пулга алмаштириб берилганди.

Бибихоним чет эл элчиларини қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида иштирок этгани ҳам тарих китобларида битилгандир. Қадимий битикларда келтирилган ҳикояларнинг барчаси Сароймулкхоним Амир Темурнинг муҳтарама ва нуфузли хотини бўлганидан далолатдир.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Қозонхон нега маъқул кўрган одатларидан воз кечди?
2. Нега буюк баҳодирни Темурланг, Темур кўрагоний деб аташган?
3. Асли ҳокимият ишларига аёл кишининг аралashiшини Темур хўп кўрганми? Нега Бибихонимда бундай рухсат бор эди?



Гуруҳда ишлаймиз

4. Матн асосида икки тарафли кундаликни тўлдилинг.

Сўроқ сўзлар	Мавзудаги асосий тушунчалар
Ким? Нима?	Кўрагонлик
Қандай?	Хон қизига уйланиши
Нега? (нима учун, ким учун) ва ҳк.	Ҳокимиятни бошқариш учун



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

Матндан жуфт отлар иштирок этган гаплардан ёзиб олинг. Тушунчаларни мисоллари билан ўзаро мослаштиринг. Хулосаланг.

От+отдан	Кўксултон, хомтоқ, қорақамиш
От+фезъл	Мингоёқ, учбурчак, қирқоғайни
От+сифат	Отқулоқ, қўларра, юртбоши
Сифат+от	Отбоқар, бешиктерватар
Сон+от	Гулбеор, ошқўк



Ёдда сақланг!

Жуфт отлар жамлаш, умумлаштириш маъносини билдиради. Агар жуфт отлар ўртасида икки отни бир-бири билан боғлайдиган **у, ю** товушлари бўлса, чизикча қўйилмайди.

Бир отни такрорлаш билан ҳосил бўлган такрорий отлар ҳам бор. **Оналарни эъзозлаш инсоннинг томир-томирига сингиб кетган бўлиши керак.**

Тилда такрорланган сўзнинг бошида келган ундош товуши ўзгариши ёки унли товушдан олдин ундошга айланиш ҳодисалари ҳам мавжуд: чой-пой, қоп-моп, буғдой-муғдой, ош-пош, от-пот каби отларда.



Ўқиймиз




Муҳокама қиламиз

138-машқ. Хуршид Даврон асаридан олинган афсонани ўзлаштиринг. Сарлавҳа қўйинг.

Эмишким, Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирида бир чол бўлган. Қариб-қартайган чол бефарзанд экан. Шунинг учун ҳам у пешонасидан қора ёзуққа



чора тополмагандан кейин: “Мендан бир мерос қолсин”, – деб тут кўчати экиб, катта боғ бунёд қилибди. Аммо чолнинг бу боғига кўз тиккан қишлоқ бойларидан бирининг тухматига ишониб, Амир Темур боғбон чолни ўлимга буюрибди. Бундан хабар топган Бибиҳоним Боғи Дилкушода дам олаётган Соҳибқирон ҳузурига бориб: – Давлатпаноҳ, боғбон чолнинг қонидан кечишингизни сўраб келдим, – дебди. – Нечун? – деб сўрабди Амир Темур. У суюкли хотинининг ҳеч бир сўзи бекор айтилмаслигига кўниккани учун Малика илтимосининг сабабини билмоқчи бўлибди. – Боғбон чолнинг мингта фарзанди бор экан, агар сиз уни қатл этсангиз, ул бегуноҳларнинг ҳам нобуд бўлишига сабабчи бўласиз, – деб жавоб берибди доно Малика.



Амир Темур ҳайрон қолибди. У ҳали бу дунёда минг фарзанд кўрган одам борлигини эшитмаган экан. Шунинг учун ҳам Бибиҳонимга: “Ўйлаб гапир-япсизми, Маликам?” дегандек истехзоли назар ташлабди. Буни сезган Малика Соҳибқиронга таъзим қилиб, шундай дебди: – Агар давлатпаноҳ истасалар, мен ул фарзандларни сизнинг муборак назарингизга кўрсатай. Амир Темур ўзини ҳайрон қолдирган жумбоқ сирини тезроқ билиш мақсадида тахтиравон келишини кутиб ўтирмай, севимли чипор отига минибди. Оппоқ отига минган Бибиҳоним йўл бошлабди. Дарахтлар сояси ошмай, улар боғбон чол яшаган қишлоққа етиб келибдилар. Бибиҳоним қишлоқ чеккасида яшнаб турган тутзорни кўрсатибди. – Мана, мен айтган боғбон чолнинг фарзандлари. Мингта тутнинг ҳар бири чол учун фарзанддай бўлиб қолган. Агар уни қатл қилсангиз, бу фарзандлар ҳам нобуд бўладилар. Амир Темур яна бир марта суюкли хотинининг фаросати ва оқилалигига таҳсин ўқиб, навкарларнинг бирини Самарқандга жўнатиб, боғбон чолни зиндондан озод қилиб, қишлоғига қайтаришни буюрибди...

Х. Даврон



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Бибиҳоним фақат боғбонни қутқариш ўйида бўлдими?
2. Амир Темур дарахтларни кўриб қандай ҳисда бўлган деб ўйлайсиз?
3. Дарахтлар боғбонга фарзанд ўрнини боса оладими?



4. Боғнинг мевасидан баҳраманд бўлган одам қандай тилак айтади деб ўйлайсиз?

5. Ҳозирги кунда инсоннинг табиатга муносабати ижобийми?



Жуфтликда ишлаймиз

6. А4 русумли варақага “*Блум тугмагули*” асосида Сароймулкхоним ақл ва фаросат эгаси масаласини муҳокама қилинг.

Ромашка Блума



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

7. Матндан истаган отни қўшма отга ўзгартириб ёзинг.

8. Қуйидаги қўшма отларни *от+от*, *от+сифат* ва ҳк. тарзида ёзинг, мисолларни давом эттиринг.

Фотоаппарат, тешиккулча, ертўла, калтакесак, бойчечак, аччиқтош, қўзиқорин, ошпичоқ, бақатерак, кўзойнак, лайлакқор, қорбўрон, билагузук, радиостанция, садақайрағоч, қорашақшақ, қўштирноқ...



Ўқиймиз



Сухбатлашамиз

139-машқ. Маълумотларни ўзлаштириб очиқ суҳбат ўтказинг. Ўқитувчингиз ёрдамида матнда учраган нотаниш сўзларнинг изоҳли луғатини тузинг.

I. Хонзода бегим дид-фаросатли, ўткир зеҳнли ва ақл-заковат соҳибаси бўлган. Умар Шайх Мирзонинг қизи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг опаси. Хонзода бегимнинг меъморчилик билан қизиққанлиги, инисига Самарқанд ва Андижонда ҳашаматли биноларни барпо қилиши мумкинлиги ҳақида ўйларини айтган воқеаларини бизга “Юлдузли тунлар” асари кўрсатиб беради ҳамда шу асарда бегимнинг жасур аёллигидан гувоҳлик берувчи парчаларни ҳам кўра оламиз. Андижон учун курашда ҳамма ҳимоячилар сингари оддий аскар кийимида шаҳарни ҳимоя қилади.



Шу асарда бегимнинг жасур аёллигидан гувоҳлик берувчи парчаларни ҳам кўра оламиз. Андижон учун курашда ҳамма ҳимоячилар сингари оддий аскар кийимида шаҳарни ҳимоя қилади.

Шу асарда бегимнинг жасур аёллигидан гувоҳлик берувчи парчаларни ҳам кўра оламиз. Андижон учун курашда ҳамма ҳимоячилар сингари оддий аскар кийимида шаҳарни ҳимоя қилади.



Шаҳар ичидан бу томонга ёпирилиб келаётган шовқиндан Хонзода бегим ҳам сесканиб кетди. Пастдан Нўён Кўкалдош жон-жаҳди билан қичқирди:

– Бегим, хиёнатчилар Хакан дарвозасини ёғийга очиб бермишлар. Тезроқ аркка қайтинг! Аркка!

Аммо улар аркка яқинлашганларида бир неча юз отлиқлар олдиларидан қирқиб чиқдилар ва дарвоза йўлини тўсиб қўйдилар. Танбалнинг қўшини Хонзода бегимни ва унинг навкарларини дарҳол қуршовга олди. Аҳмад Танбал ёнидаги навкарга шўх товуш билан гапирди:

– Машъалани яқинроқ тут! Ие, Хонзода бегиммилар? Кўзларимга ишонмай-мен! Бегим, бу не ҳол? Нечун мардона кийим кийибсиз?

– **Номардлар кўпайиб кетгани учун мардона кийиндим!**

Хонзода бегим ўзининг ақл-идроклиги ва тадбиркорлиги натижаси ўлароқ, сарой маликалари орасида юксак эътиборга эга бўлган. Хонзода бегим Бобуршоҳ ва унинг тахт вориси Ҳумоюн шоҳ саройида маслаҳатчи вазифасини бажарган.

П.Қодиров

II. Гулбадан бегим Бобуршоҳнинг Дилдор бегим – асли исми Солиҳа Султон бегим номли хотинидан туғилган учинчи қизидир. Гулбадан бегим отаси Бобур подшоҳнинг фармонида кўра катта онаси, яъни Ҳумоюн Мирзонинг онаси – Моҳим бегим қўлида тарбияланади. Моҳим бегим Бобур подшоҳнинг энг севиқли катта хотини, ҳукмдорнинг хотинлари орасида энг оқила ва билимдони эди. Гулбадан бегим ҳар иккала онасини ҳам самимий эъзозлаган. У ўз асарида онасини «Дилдор бегим» деб, Моҳим бегимни эса «онам ҳазратлари» деб тилга олади. Гулбадан бегим ўз замонасининг оқила, донишманд аёлларидан эди. У жияни Жалолиддин Акбар подшоҳнинг «Фирдавс макон ва жаннат ошён Ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз», – деган ишорасига мувофиқ, «Ҳумоюннома» номли ажойиб ва муҳим тарихий асарини ёзган. Гулбадан бегимнинг вафот этганида Акбар подшоҳнинг ўзи Гулбадан бегим тобутини ўғил сифатида кўтариб, дафн маросимида ўғиллик бурчини эътимомига етказди.



Т. Файзиев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Душманлар билан жон бериб курашган яна қайси маликаларни биласиз?
2. Маликалар ҳам қиличбозлик билан шуғулланганми?
3. Маликалар ақл-заковатининг давлат бошқарувида беражак ёрдамининг аҳамияти борми?
4. *Бошингга қилич келса ҳам, рост гапир*, деган фикрга изоҳ беринг.
5. Хонзода бегимни таърифлаб беринг.
6. Гулбадан бегим ҳақидаги матнга очиқ саволлар тузинг. “*Елпигич*” усулида ишланг.



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

7. “*Ақлий хужум*”. Тушунча ва мисолларни ўзаро мослаштиринг.

<i>каргулнай, қорқўзин, оқотқул, болойта, боқовоқдом</i>	Нарсани бошқа бирор нарсага қиёслаш, ўхшатиш йўли билан билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади.
<i>қаролага, ишқизилтон, чиқачтош, ёқминго</i>	Нарсани унинг ранги, мазаси, ўзидаги бирор нарсаси ва шу каби белгилари асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади.
<i>совкирун, тахқиймата, қайтокчи, ошрайҳон, қўрмола, ойкўзнак</i>	Нарсанинг бирор мақсад, иш учун мўлжалланганлигини билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади:
<i>олтоғча, чўлялпиз, лонсуви, қашқаргул, тепаоқ, кўргонуч, кўргоноқ, дарёсир,</i>	Нарсани жойга нисбат бериш асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади. Жой номлари ҳам (бош ҳарфдами?).



МУНДАРИЖА

I бўлим. Қозоғистондаги кўркам масканлар

Азиз ўқувчилар!	3
1-дарс. “Гулла-яшна, Қозоғистоним!”	5
2-дарс. Сўлим табиатли Алмати	10
3-дарс. Кўкчатов – кўркам диёр	15
4-дарс. Манғистовнинг мўъжизалари	19
5-дарс. Оромбахш жанубий ўлкам	22
6-дарс. Жанубий Қозоғистон вилоятининг бебаҳо хазинаси	26
7-дарс. Сайрам-Угам давлат миллий боғи мўъжизалари	30
8-дарс. Эртаси бугунидан ҳам кўркамроқ, Шимкентим!	34
9-дарс. Туркистон – туркий халқларнинг маънавий бешиги	40

II бўлим. Миллий ва оилавий қадриятлар

1-дарс. Миллий ғурур – миллат кўзгуси	46
2-дарс. Миллий анъана ва қадриятлар	49
3-дарс. Ота-она – оила таянчи	53
4-дарс. Оила – муқаддас даргоҳ	57
5-дарс. Каттага ҳурмат – миллий қадриятимиз	60
6-дарс. Баркамол фарзанд – жамиятимиз таянчи	64
7-дарс. Миллий барқарорлик – асл мақсадимиз	67
8-дарс. Устозни отадек улуғлаш – миллий қадриятимиз белгиси	71



III бўлим. Дунёнинг етти мўъжизаси

1-дарс. Биринчи мўъжиза – Миср пирамидалари – эҳромларнинг энг юксаги фиръавн хуфу (хеопс) пирамидаси	73
2-дарс. Етти «мўъжиза»нинг иккинчиси – Семирамиданинг самовий боғларидир	76
3-дарс. Эфес шаҳридаги юнон маъбудаси – учинчи «мўъжиза»дир.....	80
4-дарс. Дунёнинг тўртинчи мўъжизаси – Қуёш худоси – Гелиоснинг тасвири	84
5-дарс. Дунёнинг кейинги бешинчи “мўъжизаси” – Искандар маёғи	87
6-дарс. Дунёнинг кейинги олтинчи “мўъжизаси”– “Тож маҳал” (Ҳиндистон).....	92
7-дарс. Дунёнинг еттинчи «мўъжиза»си – Артемисия мақбараси	97

IV бўлим. Астана – маданият ва санъат маркази

1-дарс. Астана – нурли уфқ... ..	103
2-дарс. “Келажак энергияси”!	109
Халқаро кўрғазмалар маркази	109
3-дарс. Тараққиётнинг тинчлик йўлини танлаган – Мангу эл пойтахти.....	113
4-дарс. Астана цирки – XXI аср “Учар лycopчa”си!.....	117
5, 6-дарс. Ҳаёт дарахтининг илдизлари.....	121
7-дарс. Астана: болаларнинг умид ранглари	127
8-дарс. Театр – ҳайрат санъати	131



V бўлим. Буюк сиймолар

1-дарс. Буюклар билан мақтанманг, уларга муносиб бўлинг!.....	136
2-дарс. Буюк Соҳибқирон сабоқлари.....	143
3-дарс. Буюклар ихтиролари.....	149
4-дарс. Зиё истаган буюк қалблар.....	155
5-дарс. Ҳазратни ҳар кун ўқисак.....	162
6-дарс. Битмас-туганмас хазина... ..	171
7-дарс. Буюклар дўстлиги – халқлар дўстлиги.....	178

Учебное издание

**Шахло Джамаловна Наралиева
Нуриниса Джамаловна Досметова
Фаррухбек Наматжанович Абдалиев**

ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг
6-синфи учун дарслик

2-қисм

(на узбекском языке)

Редактор *Ш. Шарафуддинова*
Художественный редактор *Н. Тазабеков*
Техн. редактор *З. Бошанова*
Дизайн и компьютерная верстка: *Д.К. Мансурова*

ИБ № 7362

Подписано к печати 04.05.2018. Формат 84×108^{1/16}.
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.
Физ. печ.л. 13,0. Усл. печ.л. 21,86. Усл. кр. от. 87,36.
Тираж 8000 экз. Заказ №



Қазақстан Республикасы “Жазушы” баспасы, 050009.
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.
E-mail: Zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-606-3



9 786012 006063